

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ИСЛОМЖОН ЁҚУБОВ

**МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ
ДАВРИ ЎЗБЕК НАСРИ**

ТОШКЕНТ—2012

УДК: 318.612 (075)

ББК 83.3 (5Ў)

Ў93

Ў93 Ёқубов Исломжон Аҳмеджанович. Миллий уйғониш даври ўзбек насри. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2012, 124 бет.

ISBN 978–9943–10–628–4

Ушбу монографияда Миллий уйғониш даври ўзбек насри тарихи 1900–1929-йиллар маданий ҳаёти ва адабий жараёни фонида яхлит ва изчил ўрганилган.

Ушбу монография Олий ва ўрта махсус таълим тизими адабиёт муаллимлари, бўлғуси педагоглар, шунингдек, Миллий уйғониш даври ўзбек насри муаммоларини ўрганишга ихлосманд китобхонларга мўлжалланган.

УДК: 318.612 (075)

ББК 83.3 (5Ў)

Масъул муҳаррир:

Н.КАРИМОВ – филология фанлари доктори профессор

Тақризчилар:

Қ.ҚАҲРАМОНОВ – филология фанлари номзоди, доцент;

У.ҲАМДАМОВ – филология фанлари номзоди

Ушбу монография Низомий номидаги ТДПУ Илмий кенгашининг 2011 йил 22 декабрдаги 5-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978–9943–10–628–4

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2012.

КИРИШ

Туркистонда чор Россияси ўтказган мустамлакачилик сиёсати оқибатида халқимиз маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи жиддий йўқотишларни бошидан кечирди. Бирок мураккаб шароитга қарамай, халқимиз ўзлигини, миллий қадриятларини, маънавият ва маданиятини, урф одатлари ва турмуш тарзини сақлаб қола билди. Мустабид тузум шароитида ҳам туркистонликларнинг эркинликка, тараққиётга ва истиқлолга бўлган азалий интиқлик кайфияти сўнмади. Халқимиз қалбидан теран жой олган мустақиллик ва озодлик туйғуси тобора қудратли кучга айланиб, Ўзбекистон истиқлоли тантанаси учун мустаҳкам замин ҳозирлади.

Халқ бадиий хотираси – халқимиз ва мамлакатимиз адабиётининг XX асрдаги бир асрлик кўҳна ва бой тарихини ҳаққоний таҳлил қилиш баркамол инсонни тарбиялашнинг таркибий қисмидир. Бинобарин, юртбошимиз Ислом Каримовнинг: *“Тарихга мурожат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаси ҳам бўлмайди”*¹, деган сўзлари тўла маънода бадиий адабиёт, хусусан Миллий уйғониш даври ўзбек насри тарихига ҳам дахлдордир.

Шу маънода *“Миллий уйғониш даври ўзбек насри”* китобида (1900-1929) йиллар ўзбек насри тарихини камраб олиш кўзда тутилди. Зотан, мустамлакачиликнинг миллат ва ватан учун ҳалокатли оқибатлари, янги давр ўзбек насри моҳияти ва руҳини теран англаш, ижтимоий жараёнларнинг бадиий ифодасини кузатиш, мумтоз ва замонавий адабиётнинг муштарак ва ўзига хос жиҳатларини нафақат ғоявий, балки бадиий-эстетик таҳлил этиш, пировардида мустақиллик даври адабиётимизнинг сарчашмаларини қадрлашга ўрганишдир.

Минг йиллар давомида асосан Шарқ халқлари анъаналари доирасида, асосан, араб, форс, хинд адабиётлари билан яқин ҳамкорликда ислом ва тасаввуф фалсафаси таъсирида ривожланиб келган ўзбек адабиёти XVI – XIX асрлар давомида жаҳон маданий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 1992, 71-бет.

тараққиётидан муайян даражада орқада қола бошлади, айтиш мумкинки тургунлик ҳолатини бошидан кечирди. Аммо XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида барча Шарқ мамлакатларида бўлганидек, у янги бир маънавий олам – Европа маданияти ва адабиёти тажрибаларини ўзлаштира бошлади. Зотан, ижтимоий ҳаётнинг ўзи миллатни юксалтиришнинг ягона йўли – мутараққий мамлакатлар маданияти ва адабиёти тажрибаларини миллий асосда ўзлаштириш эканлигини ҳинд, араб ва турк адабиётлари тажрибасида кўрсатган эди. Ўзбек халқининг миллий-эстетик тафаккури жаҳоний янгиликларни ўзлаштириш сари юзлангач, қисқа фурсат ичида: “*Оврўпо адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам етук асарлар яратилди*” (А.Қаҳҳор). Жадид адабиётининг ўзига хос тамойиллари ва анъаналари шаклланди. Халқимиз тарихида Миллий уйғониш ва ўзлигини англаш даври бошланди. Бу ҳол ўзбек адабиётига ҳам миллий уйғониш ғояларини олиб кирибгина қолмай, бу адабиётнинг халқ ҳаётига яқинлашиши, унинг дарди билан яшашини таъминлади.

Янгилик тарафдорлари ва тарғиботчилари бўлган жадидлар феодал турмуш ва мустамлакачилик шароитида яшаб, ижтимоий онги, маънавий ва руҳий эҳтиёжлари тушовланган халқ оммасига тезроқ таъсир ўтказиш мақсадида санъат ва адабиётнинг барча жанр ва имкониятларидан самарали фойдаландилар. Янги даврга қадам қўйиб, адабий тафаккурнинг тозаришига бўлган эҳтиёжини тўғри англаган миллатпарвар зиёлилар ҳар бир йўсинда ўз замонасининг ўзгаришларига эргашишга, демакки мавжуд адабий шакл ва усулларни ҳам янгилашга катта мажбурият ҳис этишди. Улар шу йўлда фаоллик кўрсатдилар.

Тарихимизнинг ғоят муҳим ва айна пайтда мураккаб бир даври бўлган миллий уйғониш ҳаракати гарчанд 1865 йиллардан бошланса-да, мазкур китобда Миллий уйғониш даври насри тарихини ёритиш мақсад қилганлигини назарда тутиб, аср бошида Қўқонда тузилган Туркистон мухтор давлати 1918 йил феввалида қизил қўшин томонидан мажақлаб ташланишигача бўлган давр алоҳида ажратиб олинди. Чунки айнан шу санъадан жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиётига сиёсий-мафкуравий жиҳатдан нуқта қўйилган эди.

Насримиз тарихини яхлит ва изчил ўрганиш мақсади қизил империянинг қарор топиши ва мустаҳкамлана бошлашидан 1929 йилгача бўлган даврни алоҳида ажратишни тақозо этади. Зотан шўро тарихига “*буюк бурилиш*” сифатида кирган 1929

йилдан эътиборан ҳар қандай миллий ғояга, биринчи навбатда мустақиллик ғоясига чек қўйилди. Бу борадаги ҳар қандай фикр миллатчилик сифатида талқин қилиниб, ҳукмрон мафкурага қарши ҳаракат сифатида шафқатсиз таъқиб этилди. Аксинча, давлатнинг бош сиёсати ўз ғояларини жамият ҳаётининг барча соҳаларига сингдириш, амалиётга киритишга қаратилди. Шубҳасиз, бу ҳол ўзбек насрининг йўл ва йўналишини, ғоя ва образлар тизимини тубдан ўзгартириб юборди. Бошқачароқ айтганда, ўзбек адабиёти 30-йиллардан бошлаб чинакам маънода шўро адабиётининг мазмунини ташувчи *“таркибий қисмларидан бири”*га айланиб қолди. Шунга кўра иккинчи фаслнинг чегарасини 1929 йил билан белгилаш мақсадга мувофиқ топилди.

Шубҳасиз, мустамлакачилик даври жаҳид адабиёти ҳамда ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий курашларга жалб этилган адабиётнинг алоҳида даврлаштирилиши шартли характерга эгадир. Чунки бундай номланиш *биринчидан*, ҳодисанинг муайян қисминигина қамраб олса, *иккинчидан*, унда масаланинг ғоявий жиҳатларига нисбатан кўпроқ урғу берилаётганлиги сезилади. Аммо адабиётнинг бадий тарих эканлигини назарда тутсак, бизнинг адабий жараёнларни маълум даражада тарих фани эътироф этган тарихий даврлар фонидан изоҳлашимизни ҳам тушуниш мумкин.

Умид қиламизки, *“Миллий уйғониш даври ўзбек насри”* адабиётимизнинг яқин ўтмишдаги бой тарихини чуқур ўрганиш, ҳаққоний таҳлил қилиш йўлида қўйилган жиддий қадам сифатида қабул қилинади. Ушбу монографиянинг ёзилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг: *“Тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан ҳолис ва ҳаққоний ўрганган тақдир-дагина чинакам тарих бўлади”*², деган сўзлари дастуриламал бўлиб хизмат қилди.

Ўйлаймизки, асардаги илмий-назарий қарашлар сизни бефарқ қолдирмайди.

Олим ўз кузатишлари юзасидан илмий-адабий жамоатчилик томонидан билдириладиган фикрларни самимият билан қабул қилади ва кейинги ишларида инобатга олади. Бунинг учун Сизга олдиндан ташаккур билдиради.

Муаллиф

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008, 97-бет.

Давринг ижтимоий-сиёсий характеристикаси (1900 – 1918 йиллар)

XIX аср охири XX асрнинг биринчи чорагида жаҳон маънавий-маданий ҳаёти, илм-фани ва адабий тафаккурида пайдо бўлган янгиликлар Шарқ мамлакатлари, хусусан Туркистонга ҳам етиб келди. Халқимиз тарихида миллий уйғониш ва ўзликни англаш – жадидчилик ҳаракати бошланди. Маълумки, жадид – арабча “янги” деган маънони англатиб, “жадидчилик” Марказий Осиё, Қрим, Кавказ, Волга бўйи ҳудудларида шаклланган, янги замонавий мактаб, матбаа ва демократик тараққиётнинг илғор усул ҳамда йўлларини ёқлаб чиққан ижтимоий-маърифий ҳаракатдир.

Мунис, Огаҳий, Нодира, Аҳмад Дониш, Турди (Фароғий), Махмур, Фурқат, Муқимий каби ижодкорлар мансуб бўлган авлод қарашлари ўзининг мазмун-моҳиятига кўра маърифатпарварлик тамойилларига таянган эди. Фақат маърифат эмас, балки жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш, мавжуд тартибларни ўзгартириш йўлидан борган жадидчилик маърифатпарварликдан фарқ қилувчи тамомила янги бир босқич бўлди. Мазкур ҳаракатни шакллантиришда кўплаб мамлакатларнинг зиёлилари фаол қатнашишган. Унинг асосий мақсади жамиятни ўрта асрчилик иллатлари, маданий қолоқлик ва мустамлака зулмию хурофотдан озод қилиш, миллий давлатчилик асосларини бунёд этишдан иборат эди. Туркистондаги жадидчилик ҳаракатига Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Паҳлавон Ниёз Ҳожи (Полёзхожи), Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳақимзода, Абдулла Қодирий, “Ёш бухороликлар”, “Ёш хиваликлар” ташкилоти раҳбарлари бошчилик қилишган. Жадидчилик ҳаракати ривожда қуйидаги учта босқич бир-биридан фарқланади:

1. *Ҳаракатнинг пайдо бўлишидан биринчи жаҳон урушигача бўлган давр.* Мазкур давр кўплаб мактаблар очиш, саводхонликни ошириш, матбаачилик ва ноширликни йўлга қўйиш, илм-фан, адабиёт, маданият, маорифни янги асосга кўчиришга интилиш кучайганлиги билан характерланади. Жумладан, Мунавварқори ва Авлоний (Тошкент); А.Мунзим, С.Азизий, А.Шақурий, Мулла Қилич (Самарқанд); Жўрабой Махсум (Бухоро); Ҳамза (Қўқон); Сўфизода, Ибрат (Наманган) каби кўплаб олиму фозиллар фаолиятини кўрсатиш мумкин.

2. *Биринчи жаҳон урушидан 1917 йил октябригача бўлган давр.* Жаҳон уруши Россия империясидаги аҳволни ғоятда мураккаблаштириб юборди. Натижада унинг худудида сиёсий ҳаракатлар кучайиб кетди. Бу даврда жадидчилик ижтимоий-сиёсий ғоялари асосида сиёсий партиялар тузилди.

3. *1917 йилнинг октябридан Туркистон Мухториятининг большевиклар томонидан зўравонлик билан йўқ қилинишигача бўлган давр.* Мухторият раҳбарлари, уни эълон қилишда иштирок этган ёки унга хайрихоҳ бўлган кишиларнинг бадарға ва қувгин қилиниб, қатағонга учраши билан характерланади.

XX асрнинг 60-йилларига келибгина жадидчилик ҳаракатининг айрим номоёндалари адабий доираларда тилга олина бошлаган бўлса-да, уларга нисбатан умумий таъқиқлар олиб ташланмади. Қайта қуриш ва ошкоралик даврида бошланган ижобий ҳаракатлар мустақиллик йилларида туб ўзгаришлар қилиш учун яратилган имкониятлар туфайли ўзининг олий босқичига кўтарилди. Жадидчилик ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида эътироф этилиб, унинг миллий озодлик йўлидаги хизматлари холис баҳосини олди. Жадид адабиёти эса миллий маданиятимизнинг қонуний меросхўри ва таркибий қисми сифатида баҳоланиб, уни нашр қилиш ишларига кенг йўл очилди. Зотан мустақиллик халқимиз асрлар давомида орзу қилган, жадидлар интилган, истиқлол ғояларининг амалий натижаси эди.

Маданий ҳаёт ва адабий жараён

XX аср адабиёти инсоният яхлит бадиий тафаккури тараққиётининг муҳим босқичларидан бирidir. Унинг пойдевори XIX асрнинг охирларида қўйилган. Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Сулаймон ўғли – Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Муҳаммадшариф Сўфизода, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий сингари ўнлаб адабиёт номоёндалари маърифат-парварлик йўналишидаги классик адабиёт анъаналарини давом килдириб, янги адабиётга дебоча бошлаб бердилар.

Барча Шарқ ҳалқлари адабиётида кейинги 100-150 йил ичида «*модерн*» деб аталган жараён содир бўлди. Турлича адабий оқимларнинг изланишлари XX аср бошларида ўзбек адабиётида ҳам кузатилди. Агар эътибор берилса, янги ўзбек адабиётининг туғилиши, шаклланиши, ривожини бир аср давомида уч хил ижтимоий тузум: (1. Рус чоризми истибдоди 2. Шўро ҳокимияти.

3. Мустақиллик) даврида кечгани шунингдек, хилма-хил сиёсий-мафкуравий оқимлар: (1. Жадидчилик. 2. Большевизм. 3. Миллий истиклол мафкуриси) таъсирида тараққий этганлиги яққол кўринади. Бу адабиётнинг ривожланиш жараёнинини даврнинг етакчи хусусиятларидан ажратиш мумкин эмас.

Янги адабиётнинг миллий илдизлари ниҳоятда теран бўлиб, Муқимий, Фурқат, Ибрат, Комил, Баёний, Табибий, Аваз каби эл-юрт тақдири ҳақида қайғурувчи, тор биқиқликдан чиқа олган, халқ бахти ва саодатини жаҳон тараққиёти билан алоқадорликда, маърифатда деб билувчи илғор маърифатпарвар кучлар етишиб чиққан эди. Албатта, янги адабиётнинг, адабий-бадий тафаккурнинг шаклланишида усмонли турк, туркийзабон (кримтатар, татар, бошқирд, озарбайжон) зиёлиларнинг ҳам муайян даражада таъсири бўлганлигини эътироф этмоқ лозим. Шунингдек, Р.Тўрақур, (ҳинд), Жўржи Зайдон (араб), Абай (қозоқ), Аҳмад Дониш (форс-тожик), Исмоилбек Гаспирли (кримтатар) сингари адабиётларнинг янгича йўналишдаги намоёндалари ижоди ҳам ўзбек жадид адабиётининг туғилиши ва ривожда муҳим роль ўйнаган. Мазкур қаторда рус ва Европа реалистик адабиётининг таъсирини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

XX аср янги ўзбек адабиётида жаҳон модерн адабиёти билан муштарак жиҳатларнинг мавжудлиги унинг миллий ўзига хослигини инкор қилмайди, албатта. Бу адабиётдаги изланишлар: маърифатчилик, ошкора тарғиботчилик, ҳатто тарафкашлик руҳида бошланган эди. Шуниси қувончлики, янгича йўналишдаги изланишлар тезкорлик билан юқори поғонага кўтарилди. Бу ҳол юксак эстетик мезонларга жавоб бера оладиган тўлақонли асарларнинг пайдо бўлаганлигида яққол кузатилади. Ҳар қандай мураккаб шароитда, турли қийинчиликларга учраганликларига карамай, янги ўзбек адабиётининг атоқли намоёндалари асарлари жаҳон миқёсида эътироф қилинди.

Имло қоидаларининг етарлича такомиллашмаганлиги туфайли XX аср бошларида яратилган асарлар матнини бугунги китобхонга етказишда айрим мураккабликлар ҳам юзага келди. Чунки, ўз даврида бу адабиёт намуналари араб, лотин ва рус (кирилл) каби уч хил ёзувда битилган ва чоп этилган. Мазкур давр адабиёти тарихи мустақилликдан кейин кенг кўламда атрофлича ўрганила бошланди. Унинг тараққиётини даврлаштиришда ҳали ягона тўхтама келганича йўқ.

Ўзбек мумтоз ёзма адабиётида узоқ йиллар давомида поэзия етакчилиқ қилган бўлса-да, адабиётимиз хазинасида Юсуф Амирийнинг “*Чоғир ва Банг*” мунозараси, Яқинийнинг “*Ўқ ва ёй*” мунозараси, Алишер Навоийнинг “*Маҳбуб ул-қулуб*”, “*Хамсат ул-мутаҳаййирин*”, “*Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер*”, “*Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*”, “*Вақфия*”, “*Муншаот*”, “*Муҳокамат ул-лугатайн*”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “*Бобурнома*”, Пошшоҳўжанинг “*Муфтоҳул адл*” ва “*Гулзор*”, Гулханийнинг “*Зарбулмасал*”, Ҳакимхон тўра Маъсумхон тўра ўғлининг “*Мунтахаб ут-таворих*” тарихий бадиий мемуари сингари кўплаб бебаҳо насрий меросимиз мавжуд. Жумладан, “*Бобурнома*” тарихий-бадиий мемуар асариди сюжет, композиция, конфликт, эпиклик, пейзаж ва портрет тасвирларида тарихий ва бадиий ҳақиқат уйғунлашади. Демак, асарда тарихий ҳаётнинг бадиий тарихи эпик кўламдорликда ифодаланган. Кўплаб халқ қисса ва масалларида ҳам бадиий насрнинг ҳикоялаш услуби такомиллашиб борди.

Шакл ва мазмун бирлиги нуқтаи назаридан қаралганда, Маҳмуд Қошғарийнинг “*Девону луготит-турк*”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “*Қутадағу билик*”, Алишер Навоийнинг “*Ҳамса*” каби шоҳ асарлари наср вазифасини ҳам бажарган. Е.Э.Бертельс, В.З.Йўлдошев, Л.П.Қаюмов, С.Мирвалиев сингари олимларнинг изланишларида Навоийнинг “*Фарҳод ва Ширин*”, “*Садди Искандарий*” сингари дostonлари маъно серқатламлиги, эпик кўламдорлиги, сюжет ва композиция жиҳатидан мураккаб тузилганлиги, тил ва услубининг ўзаро уйғунлиги, инсон ва унинг идеали тасвирига эътибор кучлилиги каби жиҳатлари нуқтаи назаридан “*шеърий роман*” атамаси остида изоҳланади. Романга хос хусусиятларнинг туғилиши ва манбалари шеърий эпик дostonларнинг юзага келиши, наср тараққиёти, реализмнинг туғилиши ва тарихий ривож – воқелик билан боғлаб атрофлича ўрганилади. Ўзбек реалистик адабиёти мустаҳкам заминга таяниши адабиётимизнинг тарихий босқичлари асосида кўрсатилади.³

Дарҳақиқат, ўзбек мумтоз адабиёти жанрларида ижтимоий муаммолар тасвирига диққат қаратиш, образлар характерини яратишга интилиш, уларнинг ички дунёсини очиш, бадиий

³ Бертельс Е.Э. Роман об Александре и его главные версии на Востоке, М–Л., 1948; Зохилов В.Й., Шеърий эпик роман, Алишер Навоий, Таълиқланган асарлар, II том, 2-китоб, Т., 1948; Қаюмов Л.П. Путь романа, «Правда Востока», 12 мая 1965; Мирвалиев С. Ўзбек романи (жанр манбалари ва унинг ташкил топиши), Т., “Фан”, 1969.

тўқимани психологик далиллашга хизмат қилдириш, эпик баён услубларининг сайқалланиши, пейзаж ва портрет тасвирлари яратиш романга хос эпикликнинг юзага келишига замин ҳозирлаган белги-хусусиятлар эди. Зотан, фабула, сюжет, композиция, образлар тизими, конфликт, тил ва услуб сингари роман жанрига хос муҳим бадий унсурларнинг эпиклик доирасида ҳаракатга солиниши шундай дейишга асос беради. Аммо мазкур асарлар том маънодаги роман табиатини қамраб ололмаслигини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Маърифатпарварлик даври эса бадий адабиётни реалистик мотивлар, мактублар, публицистик мақолалар, ҳисобига бойитди. Бинобарин, мазкур типдаги асарлар ҳам роман яратишнинг тараққиёт йўлида ўзига хос халқани ташкил қилади. Жаҳид адабиёти намоёндалари ижодий меросидаги очерк ва фелъетонлар, ҳикоя ва йўл хотиралари, қисса ҳамда роман яратиш борасидаги уринишлар ўзбек насрининг ана шу улкан миллий анъаналарига таянади. Реалистик анъаналарнинг устивор бўлиши тарихий давр ва китобхон маънавий-руҳий эҳтиёжи, ижодкорларнинг замонадан ибрат олиши маҳсулидир. Бунинг натижаси ўлароқ бадий насрда янги жанрларнинг турларга бўлиниши ва туғилиши жараёни юзага келди. Жаҳид адабиёти асарлари учун хос бўлган муштарак жиҳатлар сифатида жаҳолатни, қолоқликни танқид қилиш, эл-юрт гамида юрган янги инсон – маърифатли киши образини яратишга интилишни кўрсатиш мумкин.

XX аср бошида ўлкада миллий уйғониш, ўзликни англаш, озодлик ҳаракати кучайдиган эмас, балки янгича кўриниш ҳам олди. Жаҳидчилик мафқураси ва ҳаракати янги ўзбек адабиётининг қарор топишда муҳим роль ўйнади. Ўзбек матуботи ҳам ривожланиб «Тараққий», «Шўхрат», «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона», «Хуррият» сингари газеталар; «Ойна», «Ал-Ислоҳ» каби журналлар майдонга келди. Бехбудий, Авлоний, Мирмуҳсин сингари илк ўзбек публицистлари етишиб чиқди. Жаҳид шеърляти камол топди. Бехбудий, Авлоний, Ҳамза, Фитрат, Қодирий, Мирмуҳсин, Чўлпон ва бошқа қалам соҳиблари ўз ижодларидан нафақат реалистик драма, балки насрий асарлар ҳам яратишга астойдил уриндилар. Агар биз «Падарқуш», «Бахтсиз кўёв», «Заҳарли ҳаёт», «Дўхтур Муҳаммадиёр», «Янги саодат», «Ҳинд сайёҳи» сингари асарларни кузатсак, ўша давр ўзбек адабиётида маърифатчилик ва ошкора тарғиботчилик руҳи устувор

бўлганлигига тўла ишонамиз. Аваз, Завқий сингари шоирлар анъанавий шеърятни давом қилдириш баробарида, ишқий шеърлар билан бир қаторда ижтимоий шеърят тараққиётига ҳам баракали ҳисса қўшдилар. Хазиний, Юсуф Сарёмий, Васлий сингари шоирлар ижодида эса диний-исломий йўналиш устувор бўлди.

Тарихда яхши маълумки, 1916 йил 25 июнда фронтларда кетма-кет зарбаларга учраган чоризм Туркистоннинг рус бўлмаган аҳолисидан 250 минг кишини мардикорликка сафарбар қилиш ҳақида манифест эълон қилган. Мазкур манифест шундай ҳам ярим оч ҳаёт кечираётган халқ оммасининг сабр косасини тўлдириб, уларнинг бош кўтариб чиқишларига олиб келган. Самарқанд вилоятининг Хўжанд уездига, Сирдарё, Фарғона, Жиззах вилоятларининг бутун шаҳар ва қишлоқларида авж олган кўзғолон жамиятнинг ҳамма табақаларини ҳаракатга келтирди ва ўз гирдобига тортиди. 1916 йилги кўзғолон нафақат мардикорликка қарши кўтарилган эди. У ўз характери жиҳатидан миллий озодлик, халқ ҳаракати эди. Бу кўзғолон минг-минглаб истиқболга интилувчи янги миллий озодлик курашчилари авлодининг етишувида муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Шубҳасиз, халқ ғалаёнлари бадиий адабиётда ҳам акс садо берди.

1917 йилнинг февралда содир бўлган буржуа-демократик инқилоби ғалаба қилиб, 306 йил ҳукм сурган Ромоновлар сулоласини тугатди. У Туркистон халқлари тақдирига ҳам таъсир кўрсатди. Хусусан, миллий-озодлик ғояси юксала бориб, бу борадаги ҳаракатлар кенг қулоқ ёйди. Миллий озодлик ҳаракатининг қатнашчилари мустақилликка ўлканинг миллий мустақиллигини қайта тиклашга уриндилар ва бу йўлда муайян ғалабаларга ҳам эришдилар. Бироқ большевиклар давлат тўнтариши уюштириб, ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар. Натижада, янги тузум томонидан Туркистон ўлкасига илгари умуман бўлмаган тушунчалар: *капитализм, йўқсиллар синфи, марксизм, социализм, коммунизм, ишчилар ҳаракати* сингари ғоялар сингдирилди. Маҳаллий миллат вакиллари ҳукумат ташкилотларига деярли киритилмади. Маҳаллий буржуазия, Туркистон зиёлилари ва диндорлари ўлка мустақиллигини таъминлаш учун тузган «*Шўроий исломия*» ва «*Шўроий уламо*» фирқаларининг Туркистонда миллий масалани ҳал қилиш учун бўлган мустақил ҳаракатлари

тўсқинликка учраса-да, Россия демократик Федерацияси таркибида Кўқон (Туркситон) Мухториятини туздилар.

1918 йилнинг феврилида Кўқон Мухтор ҳукуматига қарши хужум бошлангач, ўлкада яна миллий-озодлик ҳаракатлари бошланди. Эргаш Қўрбоши, Шермухаммадбек (Шерматбек), Муҳаммадаминбек (Мадаминбек), Нурмухаммадбек (Нурматбек), Холхўжабек ва бошқа эрк жангчилари раҳбарлигида бир неча йиллар давомида озодлик учун курашлар олиб борилди. Ўлканинг туб аҳолисига нисбатан ишончсизлик ва душманликни, ваҳшийликларни ўз кўзи билан кўрган курашчилар Туркистон мустақиллигини сақлаб қолиш учун ўн йилдан ортиқ вақт кураш олиб бордилар, ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилишларига ишондилар. Умумхалқ курашига айланган мазкур ҳаракатлар 30-йилларнинг биринчи ярмигача давом этди.

Демак, Туркистон тарихининг энг қийин ва мураккаб даври «*фуқоролар уруши*» деб номлангани ҳолда, моҳиятан биродаркушлик бўлмай, ўзга давлатнинг ҳукумронлигига қарши қаратилган миллий озодлик курашлари даври эди. «*Фуқоролар уруши*» эса Россия ҳудудларида 1918 йилнинг баҳоридан 1920 йилгача, ҳатто унинг чекка ўлкаларида 1922 йилгача оқ гвардия-чилар билан қизил гвардиячилар ўртасида бўлиб ўтган. Чунки, бу миллат ичидаги биродаркушлик эди. Мустақиллик туфайлигина бу давр курашчиларига кўйилган «*босмачилар*», «*буржуа миллатчилари*», «*аксилинқилобчи унсур*» сингари тамғалар олиб ташланди.

Матбуот

Ўлкада жадидчилик ғоялари тарқалиши ва миллий уйғониш ҳаракати вужудга келишида матбуотнинг роли ғоятда юксакдир. Жадид газеталарининг қалдирғочларидан бири “*Тараққий*” ўз саҳифаларида 1905 йиллардаёқ уламоларнинг халқ ўртасидаги обрў-эътиборини тушунтириш, шунингдек, дин, миллат, ватан номидан айтилган фикрлари, миллий озодлик ва миллий маданият учун курашга чорлаши билан катта шуҳрат қозонган. 1906 йилдан эътиборан Мунавварқори нашр эта бошлаган илмий, сиёсий, адабий, маиший характердаги “*Хўршид*” газетаси дин ва шариат тарғиботи билангина чекланмай, “*Туркистон вилоятининг газети*” саҳифаларида чоп этилаётган айрим мақолаларнинг ғайримиллий характерини халққа тушунтириб борди. Дунё мусулмонларини ўзаро яқинлаштириш, янги мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш,

умумий туркий тил яратиш сингари масалаларга катта аҳамият қаратди.

Бу даврда “*Шухрат*”, “*Осиё*” сингари газеталар ҳам халқнинг сеvimли нашрларига айланди. 1912-1913 йилларда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Кўкон сингари шаҳарларда “*Самарқанд*”, “*Турон*”, “*Бухорои шариф*”, “*Садои Фарғона*”, “*Садои Туркистон*” газеталари чоп этила бошланди. Маҳмудхўжа Бехбудий асос солган “*Самарқанд*” газетаси маҳаллий савдогарларни тижорат илмини билмасликда, рус-тузем мактабларида ўқиган мусулмонларни эса миллат қайғусидан узоқликда айблади. Илмсизлик, истеъдодсизликдан таассуф қилиб, рус тили ва замонавий фан-техника ютуқларини ўрганишга чақирди. Бехбудийнинг “*Ҳақ олинур, берилмас!*”, “*Ёшларга мурожаат*”, Авлонийнинг “*Жаҳолат*” ва “*Сафоҳат балоси*”, Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг “*Бухоро микроблари*” сингари мақолаларида Туркистон мухториятини барпо этиш, дин ва миллат тақдирига ғов бўлаётган иллатларни бартараф қилиш, халқни маънавий-руҳий уйғотиш масалалари дадил кўтарилди.

Фитрат Истанбулда эканлигидаёқ (1909) «*усули жадида*» мактабларини ёқлаб Бухоро вазири Насруллобек Парвоначи афандига очиқ хат йўллаган. Бу мактуб «*Таърифи муслимин*» мажалласида эълон этилган. Фитрат 1917 йилнинг 28 июлидан бошлаб Самарқанд шаҳрида чиқа бошлаган «*Хўррият*» газетасига муҳаррирлик қила бошлайди. Газетанинг 25-сонида Фитрат тубандаги сўзларни ёзади: «*Кўрдим, кездим, эшитдим, ўқидим. Мамлакатлар орасида Туркистонимиз каби бахтсиз бир мамлакат йўқдир. Бутун ёлғизгина отларини тарихда қўйиб кетган эл-улусларнинг эзилиб кетдиқларига биринчи сабаб шул айрилиқ, шул иттиҳодсизликдир*». «*Иттиҳод*» яъни бирлашиш, дўстлашишга даъват этилган мақолада муаллифнинг ачиниш ва изтироб туйғуллари, фидойилиги ифодасини топган. Уч публицистик сочма ва бир шеърдан иборат «*Юрт қайғуси*» номли чиқишида Фитратнинг миллат, Ватан ҳақидаги дардли фикрлари эҳтирос билан ифодаланган эди.

Фитрат матбуотда «*Мусулмонлар гофил қолманг*», «*Биринчи чорамиз*», «*Шўройи Исломининг хатоси*», «*Бухоронинг ҳоли*», «*Бухорода инқилоб*» сингари ўнлаб мақолалари билан қатнашди. Уларда кўтарилган масалалар ўз даврида қизғин кутиб олинган. У миллатни огоҳликка, муқаддас заминни золимлардан тозалашга,

уламоларни ҳамжиҳатликка, сиёсатдонларни даврга муносиб бўлишликка даъват этади. Туркистон мухториятининг эълон қилиниши воқеасини олқишлади. «*Қўрқмайин, тортинмайин, кескинроқ ҳаракат қилмоқ керак*»лиги уқтирилиб, тарихий муҳим паллада сусткашлик қилмаслик кераклиги таъкидланади. Муаллиф Бухорони зулматдан чиқармоқ учун инқилоб зарур деган қарорга келади. 1918 йилда юз берган ҳодисаларни таҳлил қилган Фитрат халқнинг кўзини очмоқчи, ҳаракатларни муайян мақсадлар сари йўналтирмоқчи бўлади.

Бу йилларда «*Садойи Туркистон*», «*Садойи Фарғона*» газеталарида, «*Ал-ислоҳ*», «*Оина*» журналларида Ҳамзанинг публицистик мақоллари мунтазам босилиб турган эди. Ҳамзанинг «*Бидъатми мажусиятми?*», «*Фақирлик нимадан ҳосил ўлур?*», «*Мақтаби дор ул-айтом*», «*Эътизор*», «*Муаллим афандилармиза улуг рижомиз*», «*Ййди қурбон*», «*Явмул-вафот*», «*Қалбга билимни йўлини очайлик*», «*Жумъа қандоқ кун?*», «*Бужунги қадрлик кунлар*», «*Хутбадан мурод нима?*», «*Энг муҳим тилак*», «*Энг қадрли меҳмон*», «*Марсия*» сингари ўнлаб адабий лавҳа ва публицистик мақолаларида ўзбек халқи ижтимоий, маънавий ва руҳий ҳаётининг манзаралари ниҳоятда ёрқин тасвирланган. Жумладан, «*Бидъатми мажусиятми?*» (1914) мақоласида Ҳамза диний бидъатлар қатори қиморбозлик, ичкиликка муккасидан кетиш каби ҳаётий ҳолларни танқид қилади. Дин софлиги, тараққийси илм-маърифат билан боғлиқдир деган хулосага келади. Мазкур асарда очерк яратиш йўлидаги дастлабки интилишлар кузатилади.

«*Фақирлик нимадан ҳосил ўлур?*» мақоласида Ҳамза эл-юрт фақирлигининг, деҳқону косиб аҳли камбағаллашувининг ижтимоий-маиший моҳиятини излайди. 1912-1914 йиллар оралиғида деҳқонлар ва косибларнинг қашшоқланиши 40 фоизга етганлигини таҳлил этар экан, ўзига тўқ кишиларнинг ҳимматисизлиги, маърифатнинг оёқ ости қилиниши, илм-маърифатсизлик иллатларини кескин танқид қилади. Инсонлик шаънини улуғлар экан, миллат фарзандларининг тараққиёт билан ҳамқадам бўлишликлари учун жон куйдиради, элдош ва замондошларини шунга даъват этади.

«*Мақтаби дор ул-айтом*» мақоласида Бекбачча маҳалласида таъсис этилган янги типдаги мактабнинг аҳамияти изоҳланади. Ҳамза Миср, Истанбул, Шом, Қозон, Оренбург каби шаҳарлар-минтақаларда амалга оширилаётган хайрли ишлардан сўзлар экан,

мактаб ва мадрасалар, мачитларни номлашдаги атамашунослик масалаларидаги оддийлик, тўпорилик ҳамда соддаликни танқид қилади. Миллат ёшларининг фақир ва бечора тоифасини ўқитишда хайрия жамиятлари йўқлиги боис иқтидорли ёшларнинг самоварчига ёрдамчи, беданавозга шогирд, извошчи, қоровул, кўча чангитиб юрувчи бекорчига айланиб қолаётганлигидан каттиқ афсусланади. Мамлакат инқирозга юз тутишининг олдини олмоқ учун миллатнинг фақир тоифасини бепул ўқитиш чораларини излайди. Янги ташкил қилинган мактабнинг шу хусусдаги хайр-эҳсонларга таяниб камбағал болаларига хомийлик қилаётганлигини ўрناق қилиб кўрсатади. Кишиларни раҳм-шавқатли ва мурувватли бўлишликка чорлайди.

«*Муаллим афандиларимизга улуғ рижомиз*» мақоласида Ҳамза мамлакатдаги жаҳолат сабабларини излар экан, «*Қуръони Карим*» ва Ҳадиси шарифлардан мисоллар келтириб илм-маърифатнинг аҳамиятини улуғлайди. Рус тилини ўрганиб, ўзаро муомала ва тижорат ишларини давр эҳтиёжлари даражасига кўтаришнинг аҳамиятини тушунтиришга уринади. Дунё матбуотидаги мақолаларда мазкур масалаларнинг кўтариб чиқиляётганлигига диққат қаратар экан: «*Кўрасизми бошқа миллатлардаги халқ илм учун ёшгина ўғул ва қизларин Оврүподан Амриқога, Осиёдан Оврүпога, демак, тўрт беш йил мусофир қилиб юборалар. Лоақал сиз кўз олдингизда бўлгон туземнический мактабларина беринг*»-деб ёзади. У ёш болаларнинг одатдаги шўхликларини ҳам мактабнинг нотўғри тарбияси билан боғлашга интилган ота-оналарни танқид қилади. Муҳими, тарбиянинг тўғри йўналтирилиши ва мунтазамлигидир деб билади.

«*Ийди қурбон*» мақоласида бу исломий байрамнинг айримлар учун шодлик келтиргани ҳолда бева-бечора, етим-есир, оддий фуқаронинг ночор тоифаси учун ғамлик кун эканлигини изоҳлайди. Боёнлар, бойваччаларнинг даструхонлари тўкин, уст-бошлари янгиланган бу кунда айрим жоҳил кимсалар пивоҳоналарда, кўча муштлашуви билан миршабхоналарга тушиб миллат шаънига номувофиқ ишлар билан машғуллигидан афсусланади. Илм-маърифатдан бебаҳра қолган хотин-қизларнинг қабристонларда йиғи-сиғи қилишликларини таниқд қилади. Айрим шарият пешволарининг бу кундан даромад манбаи сифатида фойдаланишларига таассуф билан қарайди. Айни пайтда қарзга ботиб, уй-жойларидан-да маҳрум бўлган ёхуд фақир ва етим-есир, юпун

халқнинг маънос кўнгилларига кулоқ тутати. Бир лукма ош илинжида уйма-уй тентираб юрган миллат болаларининг тақдирига ачинади. Агар қурбон ҳайитдан кўзланган мақсад эҳсон бериш бўлса, нега фақир ва етимлар ҳолига қарамайсишлар дея огохликка чорлайди Ҳамза. Инсон зотини мукаррам деб билган шоир нодонлик ва жаҳолатни қоралайди. У ёзади: «*Кўзингизни очинг! Эшикларингиз остида интизор бўлиб ўлтирган фақир ва етимлар ҳолига боқинг! Ўйланг! Фикр қилинг!... Инсоф қилинг... Фақирлар ҳолига боқинг. Етимларга эҳсон қилинг*».

Исмоилбек Гаспралӣ (1854-1914) вафоти муносабати билан ёзилган «*Явмул вафот*» мақоласида Ҳамза бу кунни «*миллий мотам кун*» деб атайди. Унинг миллат озодлиги йўлидаги фидойликларини юксак баҳолайди. Русия тасарруфидаги мусулмонлар орасида маърифат тарқатишни образли тарзда ифодалар экан: «*тошзорларни сабззор этмоқ муродида*» яшаганлигини таъкидлайди. Ўз фарғатидан кечиб, илм-маърифат тарқатган, гафлат уйқусидан уйғотиб миллатларни бир-бирига яқинлаштириган, тараққиётга йўналтирган, авлодлар тақдири ҳақида чинакам фидойлик кўрсатган бу инсонни Ҳамза татар ва Туркистон ахлининг «*маънавий ота*»си деб билади.

Ҳамза «*Жумъа қандоқ кун?*» мақоласида: «*Шукурлар бўлсун... умумий ҳуррият, мусовот, адолат бўлди. Қўл-оёғимиздаги занжири сиёсатни ешди, озод қилди. Тилларимиздаги қизил тамғалар-да, қирқилди, тўқилди. Ҳар бир тўғридан осон-очуқ сўзлаб, қичқируб, халқимизни уйғотмоққа кенг йўл берилди*»-деб ёзади. Миллат олдида турган улкан вазифаларни ҳал қилишда жума - халқ йиғиладиган кунда ўзаро кенгашиб муаммоларни ҳал қилишга, диний ва дунёвий масалаларга диққат қаратишга даъват этади.

Ислом динига садоқатли маҳаллий аҳолидан таркиб топган, мусулмон бирлиги ғоялари билан бирлашган «*Шўрои Ислом*» таъсиридаги Ҳамза ўз замонасига ҳамоҳанг бўлган сиёсий, илмий ва ижтимоий ислоҳот ғояларини тарқатишга астойдил бел боғлаган эди. Танишганимиздай, у ўлка мусулмонларини ғоя ва мақсадлар бирлиги асосида жипслаштириш йўлида жонбозлик қилган, хорижий давлатлардаги замонавий янгликлардан бохабар бўлиб, халқни дунё тараққиёти билан ҳамқадам бўлишликка даъват этган. У аҳоли сиёсий онгини ривожлантириб, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишга жалб қилшга ҳаракат қилди.

Унинг кримтатар халқининг ажойиб фарзанди Исмоилбек Гаспирали, мадрасалар учун ёзилган кўплаб дарсликлар муаллифи қозонлик уламо Фозил Олимжон, таниқли татар маърифатпарвари Нўширавон Яушевлар ҳақида ниҳоятда илиқ фикрлари мавжуд. 1914-1917 йилларда билдирилган бундай фикр-мулоҳазаларнинг аксарияти уларнинг вафоти муносабати билан битилган бўлса-да, Ҳамзанинг жадидчилик қарашларини ифодалаш ижтимоидан муҳимдир. Унинг Қўқон шаҳрида Фозил Олимжон билан бевосита учрашганлиги, Намангандан қайтаётган бу уламанинг Қўқонда тўхтаб ўтганлиги «Энг қадрли меҳмон» номли хабар типидаги мақолада баён этилган. Муаллимлар тайрёлвчи «Дор ул-муаллимин» очил ҳаракатлари мавжудлиги баён қилинган мақола тарихий аҳамиятга эгадир. Демак, Ҳамза улў маърифатпарварлик ҳаракати билан узвий боғландигина эмас, халқ орасида бўлиб, ижодида унинг иродасини ифода этди.

Ўша йиллари биргина Беҳбудийнинг ўзи 300 дан ортик мақолалари билан вақтли матбуотда қатнашди. Мирмуҳсин Шермухамедов 1914 йилнинг ўзида матбуотда юздан ортик мақолалари билан иштирок этди. Бундай фактлар 1910 йилларда ўзбек публицистикаси шаклланганлиги, унинг хабар, адабий лавҳа, публицистик сочма, очил хат, мақола, очерк сингари жанрлари пайдо бўлганлиги ва жамият ижтимоий ҳаётига катта таъсир ўтказганлигини кўрсатади. Зотан жадидлар ўз маърифий дастурларини матбуот орқали амалга оширишга интиланган эдилар.

Вақтли матбуот наирлари

“Тараққий” – том маънодаги илк миллий нашр бўлиб, 1906 йилнинг 14 (27) июнидан Тошкентда чоп этилган. Мазкур санъа 1993 йилдан буён мамлакатимизда *“Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни”* сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. **“Тараққий”** газетасининг ношири ва муҳаррири Исмоил Обидийдир. Газета саҳифаларида Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Сўфизода, Нозимахоним, Баҳромбек Давлатбеков, Шокир Мухторий, Зариф Холиқовларнинг оммага миллий озодлик ва тараққиёт гоиларини тарғиб этувчи асарлари чоп этилган. Асосан чор Россиясининг Туркистонда олиб бораётган мустамлакачилик сиёсатини дадиллик билан фош қилувчи мақолалар, хабар ва маълумотлар, фелъетонлар босилган. Газетада босилган материалларда танқидий йўналиш ва фош

қилувчилик руҳи устиворлиги унинг оммавийлиги, шунингдек жамоатчилик фикрига катта таъсир кўрсата олишини таъминлаган. Шубҳасиз, *“Тараққий”* нинг маслаги ва мақсади, тутган йўли, унда чоп этилган асарларга хос ўткир танқидий руҳ мустамлакачи маъмурларга маъқул келмаган. Газета 19 сони чикқач ёпиб қўйилиб, мол-мулки мусодара қилинган. Унинг муҳаррири эса қамоққа олинган.⁴

“Хурийд” (*“Кўёш”*) – илк ўзбек газеталаридан бири бўлиб, 1906 йилнинг 7 сентябридан ҳафтада бир марта Тошкент шаҳрида чоп этила бошлаган. Унинг ношири ва муҳаррири Мунавварқори Абдурашидхонов эди. Газета В.М.Ильиннинг хусусий босма-хонасида дастлаб тошбосма, кейинчалик эса михбосмада босилган. Газета сиёсий бетарафлик позициясини ёқлаган. *“Ҳеч партияга мансуб эмасмиз, миллий бетараф, тўғри ҳаққониятчимиз”*,-деган қарашга амал қилган. Аммо *“илмий, адабий, сиёсий, маданий, туркча жаридои исломиядур”*,-деган сўзларга асосланилса, таҳририятнинг бетарафлиги илм-фан, адабий-бадиий жараён янгиликларини, маданий-сиёсий ҳаётда кечаётган ҳодисалар моҳиятини ўзбек ўқувчиларига миллий манфаатларга мувофиқ тарзда ҳаққоний етказиш маъносида тушунилади. Кундалик муаммолар, мамлакатдаги сиёсий аҳвол, халқаро вазият, миллий турмуш масалалари ҳақидаги маълумотлар *“Фельетон”*, *“Ахбори дохилия”*, *“Ахбори хорижия”* рукнлари остида бериб борилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. *“Таржимон”*, *“Вақт”*, *“Улфат”* сингари газеталардан сиёсат, халқаро вазият ва миллий масалаларга оид мақола ва хабарларни кўчириб босган. Умуман, миллий матбуотнинг маданиятимиз тараққиётидаги ўрни ва ролини холис тушунтириб берган. Сўл йўналишдаги асарларни босгани учун чор Россиясининг Туркистон цензураси томонидан тўхтатиб қўйилган.

“Шухрат” – миллий, адабий, илмий, сиёсий газета бўлиб, 1907 йилнинг 1 декабридан ҳафтада икки марта чиқа бошлаган. Унинг саҳифаларида хурофотга қарши мақолалар чоп этилган. Замона талабларига мос келадиган кадрлар тайёрлаш лозимлиги кенг тарғиб қилинган. Газетага расмий муҳаррир Абдулла Авлоний деб ёзилишига қарамасдан, амалда Мунавварқори Абдурашидхонов раҳбарлик қилган. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори

⁴ Қаранг: Жалолов А., Ўзганбоев Х. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни, Т., 1993; Пайдав Т., Матбуот – миллат чироғи, Т., 1999; Абдуазизова Н.А. Туркистон матбуоти тарихи (1870–1917), Т., 2000.

Абдурашидхонов, Турсунхўжа Ҳомидхўжа ўгли ва шоир Мискин Тошкандийлар газетанинг асосий муаллифлари саналишган.

“*Турон*” – адабий-сиёсий газета бўлиб, 1917 йилда Абдулла Авлоний муҳаррирлиги остида Тошкент шаҳрида ҳафтасига уч марта чоп этилган. Аммо газетанинг иккинчи сониди Мирмуҳсин Шермуҳаммедовнинг Бухоро уламоларини танқид қилувчи мақоласи босилгач, 1917 йилнинг июлидан нашр ишлари тўхтатилган. Газета 1917 йилнинг сентябридан эътиборан Низомиддин Исомиддин ўгли ва Муҳаммад Амин Афандизодаларнинг муҳаррирлигида бир оз вақт яна нашр этилган. Унинг саҳифаларида Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Шокиржон Раҳимийларнинг мақолалари бериб борилган. Мазкур газетанинг 15 сони Ўзбекистон миллий кутубхонасининг ноёб китоблар бўлимида сақланмоқда.

“*Садои Фаргона*” (“*Фаргона овози*”) – жадидларнинг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий газетасидир. У 1914 йилнинг 3 апрелидан 1915 йилнинг 16 мартигача ўзбек тилида нашр қилинган. Газета 1914 йилнинг 17 июлидан “*Ферганское эхо*” номи билан ҳафтада уч марта рус тилида ҳам нашр қилинган. Таҳририят таркиби Обиджон Маҳмудов, Ашурали Зоҳирий, Усмон Нурийлардан иборат бўлган. Ўша давр ўзбек адабиёти ва публицистикасининг таникли намоёндалари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон), Тўлаган Хўжамёров (Тавалло), Иброҳим Даврон, Саидахмад Васлий ва бошқалар шеър ва мақолалари билан фаол ҳамкорлик қилишган.

“*Садои Фаргона*”да маданий-маърифий мавзу марказий ўрин тутган. Усули жадид мактаблари изчил тарғиб қилиниб, мазкур масала юзасидан мунозаралар уюштирилган. Шунингдек, миллий тараққиётга доир долзар муаммолар: (миллатнинг ижтимоий-эстетик онгини юксалтирувчи янги бадий адабиёт, матбуот яратиш, халқ оmmasига тушунарли адабий тилни шакллантириш, ёшлардан билимдон, маънавий баркамол мутахассислар етиштириш каби) атрофида баҳслар юритилган. Айрим реклама ва эълонларга ҳам ўрин ажратилган. Газетанинг жами 122 сони чиқиб, сўнг тўхтатилган.

“*Садои Туркистон*” (“*Туркистон овози*”) – жадидларнинг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий газетаси бўлиб, Туркистоннинг маънавий-маърифий юксалишига кўмаклашиш мақсадида чиқарилган. У 1914 йилнинг 4 апрелидан 1915 йилнинг 10 апрелигача

Тошкентда ўзбек тилида нашр қилинган. Газета Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев томонидан ташкил этилган бўлиб, унинг муҳаррирлигида фаолият кўрсатган. В.М.Ильиннинг хусусий босмахонасида ҳафтада бир марта тўрт саҳифада босилиб, обуна ва чакана савдо йўли билан тарқатилган. Таҳририятда Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдурауф Музаффаров сингари маърифатпарвар публицистлар фаолият кўрсатишган. Бир қатор миллатпарвар публицистлар, адиб ва зиёлилар: Тўлаган Хўжамёров (Тавалло), Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Мирмуҳсин (Шермухамедов), Абдулла Қодирий, Холид Саид, Саидносир Миржалолов, Мўминжон Муҳаммаджонов, Абдулла Эргозиев, Нўширавон Ёвушев, Сиддикий, Лутфилла Олимий, Иброҳим Даврон, Шокиржон Раҳимий кабилар газета билан фаол ҳамкорлик қилишган.

Газетада ўша давр учун долзарб бўлган муаммолар: миллий таълимни замонавийлаштириш, миллат дардини акс эттирувчи адабиёт ва санъат яратиш, миллат онгини юксалтиришга хизмат қилувчи матбуотни ривожлантириш, аёлларни ижтимоий ҳаётга жалб қилиш, ахлоқий тарбияни кучайтириш масалалари кенг ёритилган. *“Садои Туркистон”*нинг тарихий хизматлари шулар билан белгиланадики, *биринчидан*, у Туркистон истиқлоли ва истиқболнинг маънавий-ахлоқий негизларига дахлдор муаммоларни дадил кўтариб чиқди. *Иккинчидан*, юртпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик каби олижаноб ғояларни изчил тарғиб қилди. *Учинчидан*, миллий тараққиётни юзага чиқаришга қодир бўлган маърифатли, инсофли, диёнатли инсонларни тарбиялашга асосий эътиборини йўналтира олди. Буларнинг барчаси газетанинг миллий ҳисларни тарбиялашдаги собитқадамлигини кўрсатади. Шубҳасиз, бу жиҳатдан газета ўша давр миллий матбуот нашрлари сафида олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. *“Садои Туркистон”* газетаси моддий қийинчиликлар туфайли тўхтатилган. Унинг жами 66 та сони чиққан.

“Самарқанд” – жадидларнинг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий газетаси бўлиб, 1915 йилнинг 15 апрелидан Самарқанд шаҳрида ҳафтада икки марта ўзбек, форс ва рус тилларида чиққан. Унинг ношири ва муҳаррири Маҳмудхўжа Бехбудийдир. Газета саҳифаларида жадид публицистлари, шоир ва адиблари Ҳожи Муин, Мунавварқори Абдурашидхонов, Фитрат, Камий, Саидризо Ализода, Сиддикий Ажзий, Нусратилла Қудратилла ўғли (Миллий),

Рожий ва бошқаларнинг асарлари эълон қилинган. Туркистон ўлкаси халқларининг тараққиётини кўзлаган ва жамиятдаги ислохотларни ёқловчи мақола ҳамда адабий асарлар қаторида Европа ва АҚШда нашр этиладиган газеталарнинг ўқувчилари ҳақидаги хабарлар ҳам чоп этилган. 1913 йилнинг 17 сентябрида 45 сони чиққач, моддий қийинчиликлар сабабли газета фаолияти тўхтатилган.

“Шўроу ислом” – **“Шўроу Исломия”** жамиятининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий газетаси. Мазкур газета 1917 йил 16 майдан бошлаб Тошкент шаҳрида ҳафтада икки уч марта чоп этилган. Газетанинг асосий мақсади аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишдан иборат эди. Газетада Исмоил Обидий, Нушервон Ёвушев, Олим Бойбуров, Мунавварқори Абдурашидхонов, Шокиржон Раҳимий ва бошқа зиёлилар фаол қатнашишган. Газета 1917 йил июнда моддий муаммолар туфайли ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган. Ҳозирда газетанинг 2 та сони Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг ноёб китоблар бўлимида сақланмоқда.

“Ал-изоҳ” – диний, адабий, илмий, сиёсий журнал бўлиб, 1917 йил 19 июнда Тошкентда илк сони нашр этилган. Журналдаги мақолалар кўпроқ диний масалалар бўйича савол-жавоблар шаклида берилган бўлиб, 1918 йилнинг мартидан журнал чиқишдан тўхтаган.

“Турон” газетаси – Бухоро жадидлари томонидан чиқарилган. 1912 йилнинг 14 июлидан 1913 йилнинг 2 январигача ўзбек тилида дастлаб ҳафтасига икки марта, сўнгра уч марта нашр қилинган. Жами 49 сони чоп этилган бўлиб, унинг саҳифаларида Бухоро амирлигидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт, ислохот ўтказиш зарурияти каби масалалар акс этган. Газета Туркистонда ҳам катта шуҳрат қозонган.

“Бухороу шариф” газетаси – Когон шаҳрида 1912 йилнинг 11 мартидан 1913 йилнинг 2 январигача тожик тилида нашр қилинган. Газета дастлаб ҳафтасига олти марта, кейинчалик уч марта нашр этилган бўлиб, жами 153 сони чиққан. Газета саҳифаларида исломий аҳкомлар, илм-фан, тижорат ҳамда иқтисодиёт янгиликлари, маърифий мақолалар қаторида маҳаллий шоир ва ёзувчиларнинг асарларидан парчалар, жаҳон адабиёти намуналари эълон қилинган. Ҳар иккала газета бир кунда Россия бош сиёсий бошқармаси томонидан тақиқланган.

Ижтимоий-сиёсий , маданий-маърифий ва илмий-адабий ташкилот (жамият)лар

“Шўрои Исломия” (“Ислом кенгаши”) – 1917 йилнинг 14 мартида Тошкентда тузилиб, 1918 йилнинг баҳоригача фаолият олиб борган. У Туркистон тараққийпарвар зиёлиларининг ижтимоий-сиёсий ташкилоти (жамияти)дир. Мазкур ташкилот фаолиятида Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мустафо Чўқай, Аҳмад Закий Валидий сингари маърифатпарварлар фаол қатнашишган. Ташкилот ташаббуси билан 1917 йил давомида Бутун Туркистон мусулмонларининг тўртта курултойи ўтказилган. Шу йилнинг апрель ойида ўтказилган биринчи курултойдаёқ ташкилотнинг дастури қабул қилинган. Унда ўлка мусулмонлари орасида ислохотлар ўтказиш ғояларини тарқатиш, минтақадаги барча мусулмонларни ягона фикр ва маслак асосида бирлаштириб, Туркистонга мухторият мақомини бериш учун кураш вазифаси кўйилган эди. “Шўрои Исломия”нинг шўъбалари Самарқанд, Қўқон, Наманган, Андижон, Марғилон, Фарғона (Скобелев), Марв, Туркистон, Окмачит, Ўш ва бошқа шаҳарларда тузилган.

Бироқ, “Шўрои Исломия” тараққийпарвар зиёлилари сафида тарафқашлик юзага келган. Бу келишмовчилик асосан, “жадидлар” ва “қадимчилар”нинг қарашлари ўртасидаги тафовут билан боғлиқ эди. Натижада, 1917 йил июнда ташкилотдан бир гуруҳ уламолар ажралиб чиқиб, Қўқон ва Тошкентда янги жамият – “Шўрои уламо” (“Уламолар кенгаши”)га асос солишган. 1917 йилнинг 17-20 сентябрь кунлари Тошкентда ўтказилган Туркистон ва Қозғистон мусулмонларининг курултойида ҳар иккала ташкилотнинг ўзаро бирлашганлиги расман эълон қилинган бўлса-да, амалда том маънодаги бирлашув содир бўлмаган.

Октябрь тўнтаришидан сўнг, 1917 йилнинг ноябрида “Шўрои Исломия” ўз қароргоҳини Тошкентдан Қўқонга кўчиришга мажбур бўлган. Ташкилот азолари Туркистон мухторияти ҳукуматини тузишда фаоллик кўрсатишган. Мухторият ҳукумати ағдарилгач, ташкилот фаолияти ҳам таъқиқланиб, унинг тирик қолган азолари таъқибга учраган. Аммо унинг айрим азолари истиқлолчиларнинг ғоявий мафкурачилари сифатида анча вақт фаолият кўрсатишган.

“Шўрои уламо” (“Уламолар кенгаши”) – 1917 йилнинг июнида “Шўрои Исломия” дан ажралиб чиққан ва 1918 йилнинг 13 майгача фаолият юритган Туркистон уламоларининг жамия-

тидир. Жамият дастури ва низомида ички сиёсий тузилмада шариат қонунларига қатъий риоя қилиш, миллий диний қадриятларни юксалтириш, мадрасаларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш сингари масалалар кўзда тутилган. Аммо маиший турмуш ва аёллар масаласида бир қадар мутаасибона (консерватив) қарашлар устунлиги ҳам кузатилади. “Шўрои уламо” ташаббуси билан 1917 йилнинг 17-20 сентябрь кунлари Тошкентда Туркистон ва Қозоғистон мусулмонлари қурултойи ўтказилади. Унда иккита ташкилот ўзаро бирлашиб, “Иттифоқи мусулмин” сиёсий партиясини туздилар. Аммо “жадидлар” ва “қадимчилар” орасида мавжуд ғоявий ихтилофлар ҳамда Тошкент ва Қўқон уламочилари орасидаги ҳокимият масаласидаги тафовутлар янги сиёсий партиянинг амалдаги фаолияти жонланишига тўсқинлик қилган. Жумладан, Тошкентлик уламолар большевиклар билан тактик мақсадларни қўлаб ҳамкорлик қилишни, Қўқондаги жамият аъзолари эса Туркистон мухторияти ҳукуматини қўллаб-қувватлашни ёқлашар эди. 1918 йилнинг феврида Қўқон шаҳрида фаолият юритаётган Туркистон Мухторияти қуролли куч ёрдамида ағдариб ташланади. Шу йилнинг март ойда Қўқон яқинидаги Бачқир қишлоғида “Шўрои Исломия” ва “Шўрои уламо” фаолларининг ташаббуси билан Фарғона водийсидаги қўрбошиларнинг илк қурултойи ўтказилади. Унда Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракатнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинади.

Жамият “ал-Изоҳ” ва “ал-Ислоҳ” номли журналларни нашр қилдирган. Уларда даврнинг долзарб муаммолари : диний, ахлоқий, илмий, иқтисодий, ижтимоий масалалар ёритилиши билан бир қаторда кўплаб адабий-бадий асарлар ҳам чоп этилган.

Ёш бухороликлар – Бухоро амирлигидаги жадидлар фирқаси бўлиб, “Болалар тарбияси” (“Тарбияи атфол”) махфий жамияти асосида шаклланган. Унга тараққийпарвар зиёлилар, савдогарлар ва шаҳар камбағалларининг вакиллари кирган. Фирқа дастлаб мавжуд амирлик тузуми доирасида демократик ислохотлар ўтказиш, конституциявий монархия ўрнатиш орқали амирнинг мутлақ ҳокимиятини чеклаб қўйиш тарафдори бўлган. Унинг 20-йиллардаги

³ Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қarang: Мустафо Чўкай ўғли, Истиклол жаллодлари (1917 йил хотиралари), Т., 1992; Туркестан в начале 20- века: к истории истоков национальной независимости, Т., 2000; Аъзамхўжаев С., Туркистон мухторияти, Т., 2000; Ражабов Қ., Хайдаров М., Туркистон тарихи (1917–1924), Т., 2002; Мингноров А. Туркистонда 1917–1918 йиллардаги миллий-сиёсий ташкилотлар, Т., 2002; Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2-жилд, Т., 2005.

фаолиятида Абдурауф Фитрат ва Ғайзулла Хўжаевлар катта роль ўйнашган. Фирқа маблаглари ҳисобидан иқтидорли ёшларни Истанбул, Қозон Уфа, Боқчасаройга ўқишга жўнатишган. “*Бухоро таълими маориф жамияти*”ни ташкил қилишиб, Туркистонда маориф тизимини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшишган. Жумладан, Фитрат ва бошқа тараққийпарвар зиёлиларнинг асарлари Истанбулда нашр қилиниб, Туркистонга тарқатилишида жамиятнинг кўмаги катта бўлган. Ёш бухороликларнинг янги усул мактабларини очиш, болаларнинг саводини тезроқ чиқариш, ижтимоий онгини ўстириш, мактаб, мадраса, ислоҳ қилиш йўлида бошлаган эзгу ҳаракатлари кенг тарқалди.

Бухорода “*Бухорои шариф*” (тожик тилида), “*Турон*” (ўзбек тилида) сингари дастлабки газеталар 1912 йилдан чиқа бошлаган. Агар 1913 йилда мазкур газеталарнинг фаолияти расман тўхтатилган бўлса, Истанбул таълимини олиб юртига қайтган ёшлар 1914 йилдан маориф ишини яна жонлантиришди. Энди маърифатчиликдан сиёсат соҳасига ўтиш кузатила бошланди. Амирлик тузумини ислоҳ қилиш тўғрисида дадил фикрлар илгари сурила бошланди. Бу ҳол Ёш бухороликларнинг ижтимоий, сиёсий, маърифатпарварлик фаолияти мазмунан янгича мақсад ва йўналиш касб эта бошлаганлигини кўрсатади. Унинг илк мевалари амирликнинг улкан қаршилигига қарамай, Бухорода “*Маърифат*” кутубхонаси ва “*Баракат*” ширкати тузилиб, янги китоблар нашр қилиш, шунингдек хорижда чоп этилган турли адабиётлар, газета ва журналларни Бухорода тарқатиш билан шуғуллана бошлаганлигида ҳам кузатилади.

1917 йил февраль инқилобидан кейин Ёш бухороликларнинг кучлар нисбатида қайта гуруҳланиш жараёни тезлашди. Абдулвоҳид Бурҳонов бошчилигидаги ислоҳ қилиш тарафдорлари ҳамда Фитрат етакчилигидаги фаол ҳаракатларни қўлловчи гуруҳлар фарқлана бошланди. Петроград Муваққат ҳукумати билан мулоқот ўрнатиб, демократик ислоҳотларга йўл очиш, илм олиш ва матбуот эркинлигига эришиш, халқ ҳукумати тузиш мақсади йўлида фаол ҳаракат қилишди. Бухоро амири томонидан 1917 йил 7 апрелда эълон қилинган фармонга қарши сўл қанот жадидлар катта намойиш уюштириб, митинг ўтказишгач, мазкур фармоннинг бекор қилинишига эришадилар. Аммо эндиликда сўл қанот вакиллари яширин ҳаракат қилиш мақсадида шаҳардан Когонга кўчишга мажбур бўладилар. Зотан апрель воқеалари фирқанинг

ички бўли-нишини анча чуқурлаштирган, уламолар ва йирик сармоядорлар сўл қанотни тарк этишган эди.

1917 йил октябрь-ноябрь воқеалари Тошкент ва Фарғона жадидлари томонидан Мухторият эълон қилиш учун йўл очган бўлса, Бухорода вазият бошқачароқ эди. Бу ерда амир истибдод тузумига қарши кураш, фирқа ичидаги турли хил гуруҳларнинг қарашларини мувофиқлаштирувчи янги дастур ишлаб чиқиш вазифалари кун тартибига турадди. 1918 йилнинг январида Фитрат томонидан ишлаб чиқилган янги дастур Марказий қўмита томонидан ислохот лойиҳаси сифатида эълон қилинади. Унда мамлакатда конституциявий монархия ўрнатиш, Бухоронинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий мустақиллигини таъминлаш, маданий тараққиёт, деҳқончилик ва солиқ тизими масалаларига алоҳида эътибор қаратилган эди. Шунингдек, икки йиллик мажбурий ҳарбий хизматни жорий қилиш, давлат ҳисобидан мактаблар очиш ўн нозирликдан иборат Нозирлар кенгаши тузиш таклиф этилди.

Бироқ, Файзулла Хўжаев мазкур лойиҳада бошқарувнинг республика усулини жорий этиш талаб қилинмаганлигини танқид қилади. 1918 йилнинг феврида Кўкон шаҳрида фаолият юритаётган Туркистон Мухторияти қуроли куч ёрдамида ағдариб ташланди. Бухоро амирлигини ўз кучлари билан қўлга киритишга кучи етмаган Ёш бухороликлар Туркистон ХКС раиси Ф.И.Колесовнинг “хизмат”ини қабул қилишади. Бунинг натижасида 1918 йил март фожиалари содир бўлгач, Ёш бухороликлар босқинчилар билан тил бириктиришда айбланиб, уч мингдан ортиқ жадидлар ноҳақ қатл қилинди ва мол-мулки мусодара этилди. Оқибатда Ёш бухороликлар амирлик худудидан дарҳол чиқиб кетишга, Туркистон Республикасидан сиёсий бошпана сўрашга мажбур бўлишди. Муҳожирликда фирқа азоларининг кўпчилиги очарчилик туфайли қирилиб кетишди. Партияда ғоявий тушкунлик, гуруҳбозлик ва парокандалик юз берди. Аммо Ёш бухороликлар тактик мақсадларни кўзлаб сўл эсерлар, большевиклар билан яқинлашди. Амирликда демократик ислохотларни тарғиб қилиш, ташвиқотчи ходимларни тарбиялаш, Бухорода демократик халқ республикаси ўрнатишнинг махсус дастурини ишлаб чиқиш, фирқанинг конференция ва қурултойларини ўтказиш, “Учқун” сингари газетасини нашр қилиш, “Хитобнома” билан халққа мурожаат қилиш каби ишлар фирқанинг қизғин фаолият билан шуғулланганлигини кўрсатади.

Умуман, Ёш бухороликлар Бухорода амирлик тузумини ағдариб ташлашдек ўз тарихий вазифасини бажарди. Янги ҳукуматдаги фаолияти давомида ҳам ўз ислоҳотчилик ғояларини амалга оширишга ҳаракат қилди. Аммо Ёш бухороликлардан амирлик тузумини ағдаришда унумли фойдаланган большевиклар 1923 йилнинг июнида фирқанинг барча масъул ходимларини ўз лавозимларидан четлаштириб, Бухоро давлати худудидан чиқариб юборди. Ёш бухороликлар фирқасининг айрим азолари кейинчалик истиқлолчилик ҳаракати сафларига ўтиб, қизил аскарларга қарши курашларда қатнашишди. Афсуски, мазкур фирқа сафида бўлган жадидларнинг деярли ҳаммаси 30-йилларнинг ўрталарида қатоғон қилинди.⁶

Ёш хиваликлар – Хива хонлигида жадидлар ташкил қилган фирқа бўлиб, 1914 йилнинг августидан 1921 йилгача фаолият юритган. Унга Полвонниёз Ҳожи Юсупов асос солган бўлиб, партия ўз сафига миллий зиёлилар, хунарманд, деҳқон, савдогарлар, ислом уламолари ҳамда айрим давлат амалдорларини бирлаштирган эди. Унинг эълон қилган дастурида хон ҳокимиятини чеклайдиган ислоҳотлар ўтказиш, мамлакатда конституциявий монархия ўрнатиш, халқни маърифатли қилиш масалалари назарда тутилган. 1916 йилда хонликда содир бўлган кўзғолонни Бобоохун Салимов бошқарган. 1917 йил февраль инқилобидан кейин партия нисбатан очиқ ҳаракат қилиш йўлига ўтган. Натижада, Исфандиёрхонга тақдим этилган манифестни имзолатишга эришган.

Мазкур ҳужжатда янги усул мактаблари очилиши, мамлакатда темир йўл, почта, телеграф барпо этилиши зарурилиги, давлат хазинаси назорат остига олиниши, барча амалдорларнинг сайланиши ва маош билан таъминланиши, шунингдек, бутун аҳолининг шариат олдида тенглиги таъкидланган эди. Ислоҳотларнинг амалга оширилишини назорат қилиш учун дастлаб 30, кейинчалик 49 вакилдан иборат муваққат қўмита ташкил топади. 1917 йил 8 апрелда

⁶ Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар, М., 1926; Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар, Т., 1997; Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар, Т., 1997; Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш, Т., 1999; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб (Ўзбекистон совет мустамлақачилиги даврида), Т., 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости, Т., 2000; Алимова Д.А. Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость, Т., 2000; Ражабов Қ.Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар, Т., 2000; Бухоро: тарих саҳифалари. Бухоро, 1999; Тарих шохидлиги ва сабоқлари, Т., 2001; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари, Т., 2001; Гафаров Н. История культурно-просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате, Худжанд, 2000; Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, Т., 2002, 3-жилд.

эса хон хузурида мамлакатни бошқарувчи Мажлис тузилиб, ҳокимиятни бошқарувчи ҳукмрон кучга айланади. 1917 йилнинг май ойида мазкур Мажлис тузган делегация Муваққат ҳукумат вакиллари билан музокара ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳрига жўнатилади.

Афсуски Исфандиёрхон Муваққат ҳукуматнинг Хивадаги вакиллари бошчилигидаги ҳарбий кучларга таяниб 1917 йил июнь ойида Мажлис таркибини янгидан тузишга, Ёш хиваликлардан шафқатсиз равишда ўч олишга киришади. Собиқ Мажлиснинг 17 нафар аъзосини қамоққа олади. Ёш хиваликлар партиясининг барча азолари “*кофир*” деб эълон қилиниб, 1917 йил 21 ноябрда улар устидан “*қозиларнинг шарият суди*” ўтказилади. Мажлис бутунлай тугатилади ва 1918 йил 18 майда партиянинг айрим азолари қатл қилинади. Натижада, Ёш хиваликлар мамлакатдан чиқиб кетиб, Тўрткўл ва Тошкентдан паноҳ топишга мажбур бўлишади.

1918 йилда Полвонниёз Юсупов бошчилигида Тошкентда тузилган Ёш хиваликлар кўмитаси Тўрткўлдаги қисми билан бирикиб тактик мақсадларни кўзлаган ҳолда 1919 йил бошида большевиклар билан яқинлашиб, фракция тузади. Фракциянинг янги қабул қилинган дастурида Хива хони, тўралар ва бекларга қарашли бутун мол-мулкни халққа бериш, катта бойларнинг ерларини камбағалларга тақсимлаш, бепул шифохоналар ва мактаблар очиш, йўллар ва кўприклар қуриш, сиёсий эркинлик, миллий тенгҳуқуқлилиқ, хонлик тузумини ағдариб ташлаш, демократик халқ ҳокимияти – Республика барпо қилиш кўзда тутилади. Хива хонлигидаги барча муҳолиф кучларни бирлаштириш Россия ва Туркистон большевикларининг манфаатларига мос келарди. 1920 йилнинг 1 феврилида хонлик пойтахти Хива қизил аскарлар томонидан забт этилиб, 2 февраль куни Муваққат инқилобий кўмита тузилади, 9 апрелда эса Нозирлар Шўроси ташкил қилинади. 1920 йилнинг 26-30 апрелида бўлиб ўтган Бутун Хоразм халқ вакиллари I қурултойида Хоразм Халқ Совет Республикаси ташкил топади. Ёш хиваликлар дастури қурултойда қабул этилган муваққат конституцияга асос қилиб олинади. Унда Хива хонлиги тугатилиб, Хоразм Халқ Республикаси тузилганлиги эълон этилади. Республика ҳукумати ўн беш кишидан иборат бўлиб, нозирларнинг аксарияти жадидлардан иборат эди.

Аммо Ёш хиваликлар ҳукумати Турккомиссия ва Туркфронт вакиллари мустақил сиёсат юргизишга бўлган интилишларини

маъқулламасликларига қарамай, 1921 йил 6 мартда қизил аскарлар Хивада иккинчи марта давлат тўнтариши ясагунгача яъни қарийиб бир йил яшади.

Большевиклар Ёш хиваликлар ҳукуматини ағдариб ташладигина эмас, балки халқ нозирларини қамоққа олиб, кўпчилигини отиб ташлади. Шундан кейин айрим жадидлар Жунаидхон ва истиклолчилар сафига қўшилган бўлса, баъзилари хорижга қочишга мажбур бўлишди. Ёш хиваликларнинг афв қилинган айрим вакиллари эса 1923 йилнинг октябригача бўлган даврда Хоразмдаги шўро давлати курилишида фаол иштирок этишди. Аммо уларнинг аксарияти 30-йилларнинг машғум қатоғонида ҳалок бўлишди.⁷

Жадид насри

Жадид матбуоти билан биргаликда жадид адабиёти ҳам майдонга келди. Жадид ёзувчилари бадиий ижоднинг деярли барча турлари ислоҳ этилиши ва тараққий қилишига баракали ҳисса қўшдилар. Бу адабиётда ҳам шеърият етакчи соҳа бўлиб қолди. Аммо жадид насри ҳам адабий ҳаракатни давр талаблари ва халқнинг руҳий-маънавий эҳтиёжига яқинлаштиришда ўзига хос ўрин тутди. Фитрат Истанбулда эканлигида бошланғич нусхаларини Бухорода ёзган кўплаб асарларини тугаллаб ўз ҳисобидан чоп қилдиришга муваффақ бўлди. «*Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли бир мударриснинг бир неча масалалар ҳам усули жадида хусусида қилгон мунозараси*» (қисқача «*Мунозара*»), «*Баёноти сайёҳи ҳинди*» («*Ҳинд сайёҳи қиссаси*») (1912) Истанбулда чоп қилинган асарлар жумласидандир.

“*Мунозара*” асарини жадид насрининг илк намунаси санаш мумкин. Фитратнинг бу даврдаги асарларида Туркистоннинг давлат, дин, маориф, маданият соҳаларида тубдан ислохотлар ўтказиш лозимлиги фикри илгари сурилади. Мавжуд воқелик фаранг олими ва ҳинд сайёҳи нигоҳи билан кузатилиб, камчиликлар кескин танқид қилинади. Гарчан бу асарлар публицистик

⁷ Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Юсупов Полвонийез Ҳожи. Ёш хиваликлар тарихи (Хотиралар), Урганч, 1999; Хоразм тарихи. 1-2-жилдлар, Урганч, 1997; Матқаримов М. Хоразм республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иктисоди, Урганч, 1993; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1-китоб (Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида) Т., 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости, Т., 2000; Алимова Д ва б. Ўзбекистон тарихи (1917– 1991й.) Т., 2000; Ражабов Қ.К. Мустақил Ўзбекистон фикри учун мужодалалар. Т., 2000; Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларининг талаш сийсати: тарих шохдллиги ва сабоқлари, Т., 2000; Очерки по истории государственности Узбекистана. Т., 2001; Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, Т., 2002, 3-жилд.

руҳдан холи бўлмаса-да, жадидчилик ҳаракатининг дастурларини ифодалаш, воқелик қаҳрамон нигоҳи билан кузатилиши, драматургиянинг баҳс-мунозара услуби насрга дадил олиб кирилиши сингари талай ижобий хусусиятлари билан ажралиб туради.

Шоир, драматург, носир ва публицист Мирмуҳсин Шермухамедов (Фикрий) нинг *“Бефарзанд Очилдибой”*⁸ (1914) романи ижтимоий воқелик ва инсон тафаккуридаги янгилашниларнинг кўлами бадий тасвирда ҳам катта ҳажмдаги жанрга эҳтиёж кучаймоқда эканлигини кўрсатади. Адабиётимиз олдида турган бу муҳим заруриятни ўз вақтида англаган Мирмуҳсин Шермухамедов: *“Орамизда бўладургон қоидага хилоф ва бидъат ишларимизни мақола ила ёзиб битдуриб, бўлмалигига кўзим етуб, шул одтларимиз учун рўмон ёзиб, эл кўзига воситаси-ла кўрсатишга мажбур бўлдум”*⁹, - деб ёзади.

Дарҳақиқат, Мирмуҳсин Шермухамедов ушбу мажбуриятни биринчилардан бўлиб англаган ва бу йўлда дастлабки дадил қадам ташлаган адиб эди. Эҳтимол илк тажриба бўлгани учун ҳам романнинг бадий савияси бир қадар пастроқдир. Қолаверса, мазкур роман якунланмаган ва тўлиқ босилмаган. *“Туркистон вилоятининг газети”* 1914 йил 75-79 сонларида романдан парчалар чоп этган холос. Шундай бўлса-да, адибнинг бу изланишлари Ҳамза ва Қодирий романларининг юзага келишига кенг йўл очди. Улар *“усули рўмонни ҳар ким тушуниб ўқийдирган даражада осон бўлмоғи керак”* лиги, *“оро сўзлар”* билан эмас, балки *“она лисонга енгил қилинуб”*¹⁰ битмоқ ҳақидаги ёзувчи концепциясига содик колдилар.

Юқорида танишганимиздай, муаллиф бидъат одатларни воситали тарзда кўрсатиш мақсадида кўлига қалам олган. Романни кичик *“тушунтириш”* билан таъминлаб, асарни ёзишга ундаган сабаблар ва унинг характери ҳақида маълумот берган. Мазкур романнинг амалий аҳамияти хусусидаги фикрларини баён қилган. Унинг маълумотларига кўра ўша даврда романнинг ёзилган қисми ҳажми юз бетча бўлган экан. Шуниси муҳимки, дастлабки машқлари айрим жоҳил кимсалар томонидан *“шайтон китоб”* тарзида ноҳақ баҳоланганига қарамай, адиб ўз маслағига содик қолиб, романни давом қилдиришга асдойдил аҳд қилади.

⁸ “Шарқ юлдузи”, 2010 йил, 6-сон.-Б. 76-82.

⁹ Шермухамедов Мирмуҳсин. Эътизор. “Шарқ юлдузи”, 2010 йил, 6-сон.-Б. 77-78..

¹⁰ Шермухамедов Мирмуҳсин. Эътизор. “Шарқ юлдузи”, 2010 йил, 6-сон.-Б. 77.

Муаллиф романда ўз даврининг машхур кишиларидан бўлган, иқтисодий жиҳатдан ўзига тўқ Очилдибойнинг қалбида бефарзандликдан туғилган ўкинч-армонларни ифода этиш асносида гоҳ унинг фарзандлик бўлганида-да, замонасига муносиб маърифатли ўғил тарбия қила олмаслигига урғу берса, гоҳ туғилажак фарзандини замона хоҳишига кўра тарбиялашга аҳд қилганлигидан сўзлайди. Баъзан диалогларга мурожаат қилади. Демакки, қаҳрамонини турли вазият-ҳолатларда, рухий-психологик жиҳатдан очишга уринади. Бу билан миллий сармоядорлар ўз мулкани илм йўлида сарфлашлари лозимлиги ҳақидаги эстетик идеалларини ҳам ифода этади.

Кўринадики, Очилдибой шунчаки маърифатсиз кимсагина эмас. У кекса бўлишига қарамасдан, Яратганнинг марҳаматидан умидвор, эртанинг орзулари билан яшайдиган дили армонли, қалби маънос мискин ҳамдир. Зиёфат чоғида ҳамдард дўстларининг муножотларидан кўнгли эриган бой ўз уйини тополмай саросималаниб қолади. Мазкур ҳолат қаҳрамон хаёлларининг паришонлиги, фикри тарқоқлиги, чегара вазият-ҳолатга тушиб қолганлигини кўрсатади. Бинобарин, романда қаҳрамонни экстрем вазиятларда очишга бўлган илк уриниш излари ҳам кузатилади. Асардаги иккинчи характерли жиҳат шундаки, ёзувчи рухий-психологик ҳолатлар тасвирида туш приёmidан ҳам фойдаланади. Қаҳрамон саробга айланган хаёлларидан ажралишни истамай қаттиқ изтироб чекади. Натижада, реаллик ва хаёлот, туш ва ҳақиқат қоришиқлиги юзага чиқади.

Аммо кейинчалик асарга бир қанча қўшимча образлар ва иккинчи сюжет линияси ҳам кириб келади. Бу манфаатпараст сўфи ва имом ҳамда камбағал Қулаҳмад образларидир. Бундан муаллифнинг кўзлаган мақсади *биринчидан*, усули жадид мактабларининг афзаллигини кўрсатмоқ бўлса, *иккинчидан*, исрофгарчиликка етакловчи бидъат одатларни тугатиб, ортиқча маблағларни жамияти хайрия ҳамда янги мактабларга сарф қилиш лозимлиги хусусидаги жадидчилик қарашларини воситали тарзда тарғиб қилишдан, *учинчидан*, жоҳил имому таъмагир эшон-сўфи ва маърифатсиз Қулаҳмад ва хотинининг кулгили ҳолларини фош этишдан иборатдир.

Назаримизда, Мирмуҳсин Шермуҳамедов: инсоннинг тугал бахтга эришмоғи иқтисодий ва оилавий бахтнинг мукамаллиги орқали мумкин бўлади,- деган фикрни ҳам илгари сурган кўринади. Зотан, Мирмуҳсин Шермуҳамедов масалалар моҳиятига инсоний

муносабатлар, инсоннинг ўз-ўзини тафтиш этиши нуқтаи назаридан ёндошади. Борлиқдаги ҳодисаларни ўзаро алоқадорликда, ягона қонуниятли оламий жараён сифатида олиб қарашга, ҳодиса ва кечинмалар ўртасидаги алоқадорликни сабаб ва натижа тарзида тушунишга, онгсизлик ҳолатларига ҳам бир қур нигоҳ ташлашга уринади. Шунинг учун реал дунёдаги туйғу-кечинмалар уйку ҳолатида ҳам давом этади, ривожланади. Аксинча, тушдаги кайфият-ҳолатлар реалликка кўчиб, универсал алоқа ҳамда таъсирга айланади. Муайян муддат ҳатто Очилдибой ўз кечинма-муносабатларини назорат қилиш ва баҳолаш имкониятига ҳам эга бўлолмайди. Унинг *“бефарзанд”* – ўтмиши ва *“ўғиллик бўлган”* – келажаги айна лаҳзаларнинг ўзида намоён бўлади. Гўё ягона психик актга бевосита бирлашади.

Муаллиф қаҳрамон фаолиятининг англашилмаган кўзгочиларини ҳам туш таъсирида туғилган аффектив ҳолат орқали далиллай олади. Зеро инсон ўз-ўзини бошқариш, ҳаётини тартибга солиш, ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш ва яхшилашга интилувчи эртадан умидвор яратикдир. Бинобарин, романда Очилдибойнинг амалга ошмай қолган майллари реалликка кўчишининг механизмини кўрсатишга уриниш ҳам кузатилади. Илло биологик ва ижтимоий муносабатлар маҳсули бўлган инсон зохири ва ботини муносабатлари жараёни ғоятда мураккаб тарзда кечеди ва турли ракурслардан ёндошишни талаб этади.

Демак, Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг фикр-қарашлари ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги алоқадорликни акс эттиришда чуқурроқ ва умумийроқ алоқалар ва муносабатларни аниқлаш сари тинимсиз ҳаракатда бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Романда иштирок этувчи ўнга яқин персонажлар асосан, автор нутқи воситасида берилган бўлиб, мумтоз ёзма адабиётга хос ҳикоячилик ва қиссаҳонлик шаклидан фойдаланилган. Шунга қарамасдан айрим диалогларни ифода этиш, қаҳрамонларни ҳаракат ва мулоқотда кўрсатишга уринишлар ҳам кўзга ташланади.

Умуман, муаллифнинг реал ҳаётий масалалар қаторида, инсон ва унинг кўнгил оламига диққат қаратиши, ижтимоий ва маънавий-руҳий жараёнларни эпик планда психологик далиллашга уринишининг ўзи ғоятда муҳим эди. Чунки бу ҳол насрдаги адабий интилишларда янгича қараш, инсон тақдири масаласини чуқурроқ тушуниш томон интилиш юзага келганлигини кўрсатади.

Ўлпоннинг “Қурбони жаҳолат” номли маърифий-дидактик характердаги илк ҳикояси “Садои Туркистон” газетасининг 1914 йил 29 апрелдаги 6-сонида чоп этилган. Ҳикоя қаҳрамони мадраса таҳсилдан қониқмай, газеталар таъсирида замонавий илмларни ўрганишга ихлос қўйган Эшмуроддир. У Европа маданияти, фан ва санъатини ўрганиш тарафдори сифатида намоён бўлади. Бироқ очикдан-очик отасига қарши бориб фикрини айтишга журъат қилолмайди. Асар бош қаҳрамони Мўминжон сингари бекорчилик ва ўғирлик кўчасига кирган ўз тенгқурлари, шунингдек, ўзига тўқ отаси ҳамда Назарали сўфи каби кишилар, сайловдан бошқа ташвиши бўлмаган маишатпараст кўшниси мингбоши билан қиёсланади. Отасининг қаттиққўллиги, нодон мингбошининг ноҳақ туҳматига чидаёлмай, қаттиқ ранжиган Эшмурод жаҳолатга қарши исён сифатида ўз жонига қасд қилади.

Муаллиф ўлканинг нисбатан тараққий қилган мамлакатлардан ўрناق олишига кўмакдош бўладиган иқтидорли ёшларнинг интилишлари қўллаб-қувватланмаслигини кечирилмас жоҳиллик сифатида айблайди. Унинг халқ орасида машҳур “*Жангномаи Аҳмад Замжи(й)*” каби асарлардан қаноатланмаслиги, замон билан ҳамнафас бўлишга интилиши, Туркистонни ғафлатдан уйғотиш иштиёки билан қўлига қалам олганлиги аён бўлади. Ҳикояда диалог, руҳий ҳолат ва кечинмалар тасвирига муайян даражада ўрин берилса-да, баёнчилик ва публицистик руҳ яққол сезилиб туради. Чунки Ўлпон ҳаётни ижодий қайта ишлаб, бадий қайта яратиш ва характерларни талқин қилиш жараёнида уларнинг жадидчилик ғояларига нечоғлик мувофиқидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам ҳикояда бадийлик сусаяди, схематик йўсиндаги ғоявий-маърифий дидактика етакчилик қилади. У Эшмуродга шафқат ва ачиниш назари билан қарайди. Персонаж маънавий интилишлари билан руҳияти ўртасидаги зиддиятга эътибор қаратиш орқали ижтимоий муҳитни инкор этади.

“*Духтур Муҳаммадиёр*” хаёлий ҳикояси “Садои Туркистон” газетасининг 1914 йил 24, 30, 34, 45, 46, 47- сонларида босилган. Туркистоннинг “*қоронги бир гўшаси*” да яшовчи 60 ёшлик камбағал сартарош Аҳмад ўн беш ёшлигида отаси билан ҳаж сафарига бориб, падари бузруквори вафот этгач, ёлғиз ўзи ўн йил давомида Миср, Истанбул, Марокаш, Афғонистон, Покистон, Бағдод, Эрон ва Россия ўлкаларида яшайди. У юртига форс, араб, рус ва инглиз тилларини ўрганиб, “*ҳожиси*” бўлиб қайтади.

Ҳожининг хотини сил касалига чалиниб вафот этгач, у Муҳаммадиёр исмли ўғли билан қолади.

Ҳожи Аҳмад ўғлининг илм-маърифат олиши учун астойдил ҳаракат қилади. Уфа мадрасасида таҳсил кўрган муаллимга бериб, замонавий ва миллий руҳда тарбиялайди. Муҳаммадиёр бўш вақтларида рус офицеридан жисмоний тарбия машқларни ўрганadi. Бир йил давомида ислом ҳукмлари, тарих, география фанларини мукамал ўзлаштирган ўғлини ҳукумат мактабларига бермоқчи бўлади. Аммо иқтисодий ночорлик туфайли Муҳаммадиёрнинг фазлу камолдан бебаҳра қолаётганидан изтироб чекади. Шаҳар маъмурлари ҳам, ўзига тўқ бойлар ҳам унинг мушкулини осон қила олмайдилар. Шаҳар кўчаларига бир қур боққан адиб тўй, базм, қиморбозлик, маст-аластларнинг турфа жанжалларидан иборат нохуш манзараларни кўради. Муҳаммадиёрнинг тенгқурлари эса чойхона, базм ва фахшхоналарда, бир оз тузукроклари бўлса, бойларнинг эшигида маҳрамлик ёхуд мирзолик билан машғул. Иттифоқо қиморбозларни муштлашишдан айириб, насихат қилмоқчи бўлган Ҳожи Аҳмад жаҳолат тушовидаги кимсалар томонидан ваҳшиёна тарзда ўлдирилади.

Муҳаммадиёр ота васияти бўйича илм олишга, жаҳолатга қарши маърифат билан чинакамига курашишга қарор қилади. Уни иккита ҳолат изтиробга қолади. Улардан *биринчиси* отасининг жаҳолат қурбони бўлганлиги бўлса, *иккинчиси* ўтмишда илм-маърифати билан дунё тамаддунига улкан улуш қўшган Туркистоннинг ўз қолоқлиги сабабларини англаб етмай, жаҳолат гирдобиди қолганлиги эди. Бундай шахсий ва ижтимоий туйғулардан ўртанган қаҳрамон сил касалига йўлиқади. Мусулмонларнинг арман миллатига мансуб кишилар каби замонага ҳамнафас эмасликлари, тижорат ишлари ва ҳатто мол-мулкани табиий офатлардан суғурта қилдиришни билмасликларини кўрганида виждони қийналади.

“*Ибрат*” театрида ичкиликнинг оқибатлари ҳақидаги кинофильм намойиш этилади. Аммо шаҳарнинг мусулмон бойларидан иккисининг жоҳил ўғиллари мастликда карта ўйнаб пул таллашишади ва бири иккинчисини отиб қўяди. Яраланган киши шифохонага етмай жон таслим қилади. Ўзини йўқотиб қўйган иккинчи йигит эса қилмишидан талмовсираб қолиб ўзини отади. Жоҳиллик туфайли икки ёш мусулмон фарзандлари ёруғ дунё билан видолашадилар. Ёлғизлик ва етимлик изтиробларидан

беҳад кийналган Муҳаммадиёр ғоятда маҳзун ҳолда даволанади. Врачларнинг маслаҳати ва кўмаги билан Кавказ шифохоналарига йўлланма олган қаҳрамон таниш рус офицернинг ҳамдардлиги қошида кўз ёшларини тиёлмай қолади. Ўз ватанида ҳарқанча нохуш манзараларни кўрмасин, унинг сервикор тоғларига сукланиб боқаркан, ватанига, диндош ва миллатдош биродарларига қарата шундай хитоб қилади: “– Эй, Чингиз ва Темур аскарларини кўрган қоп-қора тоғлар! Эй, ватаним Туркистоннинг эски даврини кўрган тоғ боболар!

Чин айтинг! Бу йигирманчи аср маданиятини ҳам кўруб турубсиз! Ўн кунлик йўлни ўн соат қилгон бу йигирманчи аср маданиятининг айгирини кўруб ватандошларим нимага оғизларин очуб қоладилар? Нимага бу маданиятга кирмакка ўзлари ҳаракат қилмайдилар? Қачонгача икки гилдиракли, кўчаларга сизмайдирган аробалар?

Эй ватандошларим! Қачонгача бу гафлат? Нимага бунча хушёқмассизлар? Ахир сизлар ҳам одам-ку! Одамлардек ҳаракат қилингизлар! Кўз олдингизга келуб тургон илм ва маърифат мевасидан фойдаланмасдан нимага оғизларингизни очуб қараб турасизлар? Нимага бу ишларга киришмайсизлар? Уйқудан кўз очинглар! Урунунглар! Илм, маърифат ва ҳунар изланглар! Вақт етди, балки ўтди! ¹¹”

Шубҳасиз, Муҳаммадиёрнинг мазкур хитобида ошкора ташвиқийлик ва даъват руҳи кузатилади. Аммо унда Туркистоннинг улуг тарихи ва бугуни XX аср маданиятининг даражаси нуқтаи назаридан ҳаққоний баҳоланади. Лоқайдликдан халос бўлиб, тинимсиз ҳаракат қилиш, тараққиётга ҳамқадам бўлиш, гафлат уйқусидан уйғониб, илм-маърифат ва ҳунар эгаллашга бўлган мислсиз куюнчаклик ҳам ўз ифодасини топади.

Боку шаҳри шарқ меъморий услубида қурилган обидалари, меҳмонхона, кутубхона ва китоб дўконлари, ўзига тўқ кишиларининг ҳомийлик юмушларига бош кўшишлари, хайрия жамиятларининг ҳатто кўшни мамлакатлар ёшларига-да хайри-ҳоҳлиги, “Кавказ” сингари вақтли матбуот нашрлари, шифобахш сувлари билан уни мафтун этади. Зотан ўз ватандошларидан ёрдам кўрмаган Муҳаммадиёр Боку ёшларининг ҳиммати билан мактаб ва гимназидан тортиб, Петроград дорулфунунининг тиббиёт

¹¹ Чўлпон. Асарлар. Уч жилдик. Иккинчи жилд. Т., Гафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993, Б: 275. (Чўлпон ҳикояларидан келтирилган иктибослар ушбу тўпламдан олинди И.Е.).

шўъбасигача бепул ўқиш имкониятини қўлга киритади. Таҳсил даврида ҳам ватан ва ватандошларига хизмат қилиш армонлари билан яшайди.

Муҳаммадиёр Петроградда эканлигида Туркистонлик мадраса талабалари ҳаётини акс эттирувчи “*Умрлик шогирдлар*” номли 12 қисмдан иборат миллий роман ёзади. Романда мадраса талабаларининг таҳсилни унутиб, самоварларда маишат билан машғул бўлишлари моҳирона ҳажв қилинади. Мазкур асар ҳатто рус тилига ўгирилиб, Петроградда нашр этиладиган журналлардан бирида чоп этилади. Бундан беҳад илҳомланган Муҳаммадиёр туркистонлик бойларининг Москва ва Петрограддаги ҳаётини акс эттирувчи “*Пойтахт меҳмонлари*” номли драмасини ёзади. Унда Россиянинг марказий шаҳар меҳмонхоналарида илмсиз бойлар тил билмасликлари туфайли ажнабийлар тамонидан ҳақоратланиши маҳорат билан тасвирланади. Бу китобни муаллифнинг ўзи рус тилига ўгириб нашр қилдиради. Талаба биродарлари билан саҳналаштириб, бош ролни ўзи ижро этади. У нафақат олқишлар олади, балки мўмайгина пул ҳам ишлайди. Шубҳасиз, бу роман ва саҳна асарлари ҳаёлий бўлиб, Чўлпон фикрини банд этган муаммолар руҳини акс эттиради. Зотан қаҳрамоннинг хориждаги муваффақиятларини Чўлпон эстетик идеалларидан ажратиш мумкин эмас.

Дарҳақиқат, Петроград дорулфунуни тугатгач ҳам ўз ватанига қайтишга шошилмаган Муҳаммадиёр Швейцария дорулфунунларида тажрибасини оширади. Шубҳасиз, бу ўринда адиб сюжет вақтини реал белгиламайди. Швейцариядан қайтаётган Муҳаммадиёр Италия, Туркия, Руминия, Болгария, Одесса, Тошкент шаҳарлари орқали Бокуга етиб келади. Уни бутун ёш зиёлилар қарши олиб, маънавий отасиникида зиёфат уюштирадилар. Муҳаммадиёр Бокуда очилган Ислом тиб курсида уч йил муаллимлик қилади. Кейин эса устозларидан рухсат олиб, денгиз йўли орқали Туркистон диёрига отланади. Уни турфа гуллар билан олқишлаб кузатаётган ёш зиёлилар олдида жаҳолатда қолган юртдошларини уйғотмоққа аҳд қилганлигини баён этиб оташин нутқ сўзлайди.

Чамаси Чўлпон Муҳаммадиёрни бежиз сувни ёриб бораётган маҳобатли кемада тасвирламаган. *Биринчидан*, кема (“*маданият балиғи*”) ва поезд (“*маданият айғири*”) каби фан-техника янгилликлари илм кишиларининг улуғ ихтиролари, *иккинчидан*, денгиздан ватанига қайтаётган кимса миллат дардида йўлга чиққан.

Бинобарин, тўлқинлари-ла кўпирган денгиз унинг қалбидаги тошқинларга вобаста бўлиб, қаҳрамон дилига буюк рух ва умид бағишлайди. *Учинчидан*, кўм-кўк денгизнинг латиф ҳаволари, сувларни кўпиртириб тоштирган шамоллари Муҳаммадиёрни хорижий элларда кўрган гўзалликлари, ҳашаматли зиё масканлари, илм-маърифатга ташна одамлардан ажратиб турувчи ўзига хос тўсиқ вазифазини ҳам ўтайди. Зотан, Туркистон заминида уни ночор ва абгор биноларгина эмас, ҳануз маишатга муккасидан кетган, умр бўйи ишлаб топган маблағига дангиллама тўйлар қилиб, улоқ чопадиган, мулла-эшонларга шалдиратиб ялтироқ тўнлар кийдириб фахр этгани ҳолда, қўл остидаги хизматчиларига қул мақомида муносабатда бўладиган, суюкли ўғил-қизларини ўқитишга ғайрат кўрсатмайдиган – кўнгил кўзи сўқир оломон қаршилаши мумкин. Демак, дунё кўриб, ботиний нигоҳи тийраклашган миллатпарвар Муҳаммадиёр ўй-хаёллари билан Туркистонга боққан Чўлпон халқ ва миллатни разолат ботқоғидан қутқариб, тамаддун денгизига олиб чиқмоқни тилайди.

Узоқ-узоқларда қад ростлаган тоғлар йўл-йўлакай хаёл суриб келаётган Муҳаммадиёрнинг кўзига ташланади. Ота-боболаримиз даврида буюк-буюк қалъалар қад ростлаган бу юртнинг тоғларини кўм-кўк майсалар қоплаган эди. Ям-яшил тепаликлар, дарахтзор ўрмонлар, шарқироқ сувлар, қум-адирлару серҳосил заминга суқланиб боққан қаҳрамон она диёрининг бетакрор чиройидан мамнуният туярди. У ватанининг ҳеч бир хорижий элдан қолишмаслигидан фахр-ифтихор сезарди. Айни дамда Туркистон илмсиз бойлари, жоҳил “*олим*”лари, ёлғон эшонлари, исрофгар одамлари билан ҳам ҳеч бир қиёси йўқ даражада эканлиги уни эзарди. Ахийри Муҳаммадиёр тараққиётга тўсиқ бўлаётган иллатларни бартараф қилмоқ учун миллий мактаб ва мадрасалар очмоқ, ёшларни Европа дорилфунунларига юбормоқ, врач, ҳуқуқшунос, муҳаррир, савдогар, муҳандис ва хунармандларни тарбияламоқ лозим деган тўхтамга келади.

Туркистонда етишган тараққийпарвар ёшлар уни илиқ қаршилашади. Шаҳарнинг руслар турадиган қисмида янги-янги меҳмонхоналар, боғ ва хиёбонлар, магазин, театр ва мактаблар қурилган. Кенг ва равон кўчалар электр чироқлари билан ёритилган. Аммо эски шаҳар ҳамон ўша-ўша. Муҳаммадиёр магазин ва хусусий шифохона очади. У камбағалларни текин, бойларни эса пуллик даволай бошлайди. Қишлоқ чеккасидан сотиб

олган боғидан нефт кони чиқиб Муҳаммадиёр миллионерга айланади. “*Жамияти хайрия*” тузиб, уни катта маблағ билан таъминлайди. Қироатхона очиш билан қаноатланмай, “*Ватан*” номли журнал ва “*Хабар*” номли газета нашр этира бошлайди. Ўзи очган муаллимлар курсида таълим йўллари, тарбия усуллари ҳақида маърузалар ўқийди. Вақтли матбуот саҳифаларида миллат ичидан етишиб чиққан шифокорнинг эзгу амаллари кичик шаҳарда маориф масканларини кўпайтирганлиги мақтала бошланади.

Кўринадик, ҳикояда Чўлпон туркистонлик камбағал бир йигитнинг ўз ҳаракат ва ғайрати, холис кишиларнинг кўмагида нафақат Россиянинг марказий шаҳарлари, балки Европанинг илғор мамлакатларида ҳам таҳсил олиши ҳамда тараққиёт йўлида астойдил хизмат қилиши мумкинлиги ҳақидаги концепциясини илгари суради. У Муҳаммадиёр образини ғайрат ва шижоат, сабр ва саботнинг тотли меваси сифатида ибрат қилиб кўрсатар экан, “*Жамияти хайрия*” ва “*Наири маориф*” жамиятларининг фойда-сию иттифоқликнинг самарасини алоҳида таъкидлайди.

Демак, Муҳаммадиёр замонасининг энг илғор ижтимоий идеалларини мужассамлаштиради. Агар Эшмурод муҳит билан очик зиддиятга кириша олмаган, руҳан эзилиш ва изтироб чекиш билангина чекланган бўлса, Муҳаммадиёр фаол шахсдир. Муҳими, унинг онгида ҳам умид ва умидсизлик кураши кечади. Чўлпон ижтимоий-ижодий заруратдан келиб чиқиб ундан китобхон ибрат олишини кўзлайди. Бу истак кучлилиги натижаси ўларок, ифода жараёнида ҳамини ҳам характер мантиқига амал қила олмайди. Гоявий-маърифий мақсадини ўтказиш тилагида кўпроқ бадийий фантазияга таянади. Аксарият ҳолларда эса Муҳаммадиёр образига ўз шахсиятини сингдиради. Гарчан муаллифнинг ижодий ва ҳаётий тажрибаси етишмаслиги туфайли идеаллик ва реаллик яхлит бутунлик даражасига чиқмаган, ҳикояда тавсифий-ривоявийлик устивор бўлса-да, мазкур асар Чўлпон поэтик идроки тараққиётида муҳим ўрин тутди.

“*Дўхтур Муҳаммадиёр*” да Чўлпон халқ эртак ва афсоналари, мумтоз адабиёт ҳикоятлари руҳидан буткул узоқлашмаган. Асарни бош қаҳрамон ҳаётининг муайян босқичи билан боғлиқ саргузаштлар хроникал тарзда батафсил баён қилиниши, ҳаётий қамровининг кенглиги, сюжет ва композициясининг бир қадар мураккаблаша бориши жиҳатидан Чўлпоннинг йирик насрга қўл

уриши, хусусан қисса яратиш йўлидаги уриниши санаш мумкин. Зотан, 30- йилларнинг бошида Чўлпон “*Ёв*” номли қисса ёзгани маълум. Гарчанд бу қисса ҳозиргача топилмаган ва унинг мазмун-мундарижаси номаълум бўлса ҳам, адиб насрида қисса жанрининг пайдо бўлишида “*Дўхтур Муҳаммадиёр*” хаёлий ҳикоясида тўпланган ижодий тажрибалар ҳам муҳим ўрин тутгани шубҳасиздир.

Мўминжон Муҳаммаджон ўгли (Тошқин)нинг “*Эски мактаб турмуши ва Толиб*” (1915) номли қиссасида таълим-тарбиянинг эски ва янги усуллари ўзаро қиёсланди. Иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг ўзаро мутаносиблиги шахс ҳаётида мувозанатни таъминлашига диққат қаратилди. Шу йили яратилган Ҳамзанинг “*Янги саодат*” асари муаллиф томонидан «*миллий роман*»-деб аталган. Китоб миллий романчилигимизнинг қалдирғоч асари бўлди. У жадид адабиётининг замонавий ғоялари билан йўғирилгандир. Романдаги инсоний самимият, шафқат, севги-муҳаббат, меҳр-оқибат туйғулари китобхонни бефарқ қолдирмайди. Ёзувчи романида реал ҳаётини воқеалар фониди инсоннинг рухий олами фожиаларига ҳам диққат қаратилганлиги муҳимдир. Ҳамза илм-маърифат билан кишиларни қайта тарбиялаш мумкин деб билади. Шу боис ҳам баъзан ижтимоий муносабатларга чуқур аҳамият қаратмайди.

Оддий халқнинг тушуниши осон бўлишилиги учун содда услубда баён қилинган “*Янги саодат*” романига Ҳамза қуйидаги байтни пешсўз қилиб олган:

Ўқуб таҳсили илм айла, маориф шарбатин ютгил.

Тилингни жаҳлдан қутқор, гами миллат била ўтқил.

Мазкур сатрлар заминиди ётган улкан ҳаётини маъно асарнинг марказий қаҳрамони Олимжон образи орқали очилади. Ҳамза романда Ғозибойнинг жоҳиллиги, унинг ўгли Абулқаҳҳорнинг маърифатсизлигини танқид қилади. Айни пайтда Абулқаҳҳорнинг кампир онаси Рўзвон шафқати, аёли Марямнинг оқиллиги, сабр-тоқат ва бардоши, қаноати баробаридаги мунгли қалбини ишонарли чизади. Олимжон ва Хадичадаги зийраклик, илм-маърифатга интилувчанлик, етимона маюс қалби нидолари билан омухта тарзда тасвирланади. Собиржондаги дўстга садоқат, муаллимдаги ҳалимлик ва меҳр, Ҳалимаҳондаги иффат ҳамда саховат, дину миллат болаларига эҳтиромлик Абдулрахмонбойдаги инсонпарварлик, унинг аёли Шамсибибидаги итоаткорлик, оилавий масала-

ларда эру хотиннинг ҳамжиҳатлиги, Назокатхонимнинг самимий муҳаббати сингари китохонни ўзига ром этувчи характер-хусусиятлар романни зийнатлаб туради.

Ҳамза романда пейзаж ва портрет тасвири, туш мотиви каби усуллардан фойдаланишга ҳаракат қилишига қарамасдан қаҳрамонларни мустақил ҳаракатлантириш, характерларни жонли мулоқотда кўрсатишдан кўра баёнчиликка кўпроқ берилади. Қаҳрамонлар тақдирини халқ оғзаки ижодига хос эртақлардаги сингари бахтли яқунлайди. Бундай ҳаётий зиддиятларсиз амалга оширилган яқун бугунги китобхон учун ишончсиздай туюлса-да, муаллифнинг «*Жамшид*», «*Зарқум*», «*Алдарқўса*», «*Афанди*», «*Далли Мухтор*», «*Гуландом*» сингари асарларни ўқиб адабий савияси шу руҳда тарбияланган китобхонни назарда тутганлигини унутмаслик керак. Муҳими, Ҳамза фикри уйғоқ, илми тийран, миллат дардлари билан ёнган Олимжон сингари ёшларнинг бўлишини орзу этди. Авлодларнинг ҳаёти ва саодатини жадид мактаблари кўтариб чиқаётган ғояларга эргашишда деб билди. Етим ва фақир болаларга саҳоватпешаликни, уларни маорифга ҳаваслантирмоқликни, салим фикрларга ошно этмоқликни орзу этди. Бу йўлда нафис адабиётни зўр қурол деб билди. Шу мақсадни амалга оширишда янги-янги изланишлар йўлидан борди.

«*Янги саодат*» зиёлилар даврасида улкан эътибор қозонди. «*Ал ислоҳ*» журнали 1915 йил 15 июль сонида Ҳамзанинг «*Янги саодат*» романи ҳақида тўхталар экан, шундай ахборот беради: «*Янги саодат исмли 46 саҳифали туркий ва Туркистон шевасинда бир миллий рўмоннинг янгидан таъб бўлуб, нашр қилинуви бизни кўп масрур этди. Халқни ўқув ва ёзув тарафига тарғиб қилмоқ учун ҳозиргача Туркистон шевасинда бунингдек таъсирли рўмон нашр ўлинмаиши, десак муболага бўлмаса керак. Бу рўмоннинг муҳаррири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий жаноблари ва ношири Хўқандда «Мадоро» кутубхонасидир*».

Роман воқеаларига асос бўлган сулоланинг бошида турган Ғози номли савдогар мол-дунё йиққан ва шу йўлда машаққат чеккан. Бироқ роҳатини кўра олмаган. Унга икки газгина қора тупроқ насиб этган холос. Ҳамза уни: «*бир ёдгорсиз, дунёдан беному нишон кетди*» - деб тавсифлайди. Бизнингча, ромanning аксарият қаҳрамонлари сингари Ғози савдогар тақдирини англамоқ учун асарнинг эпиграфида келтирилган юқоридаги байтга диққат қаратмоқ лозим.

Англашиладики, Ғозибойнинг жоҳиллиги унинг дунё молига меҳр кўйгани ҳолда, фарзандини маърифатдан маҳрум қолдирганлигида кўринади. Акс ҳолда адиб орқасида мунис аёли Рузвон, йигирма беш ёшга тўлган ўғли Абдуқаҳҳор, оқила Марямдай келин, шириндан-ширин икки нафар невараси бор кишини юқоридаги каби «*бир ёдгорсиз, дунёдан беному нишон кетди*», деб таърифламаган бўлар эди. Англашиладики, адибнинг назарида жоҳиллик нотўғри тарбия туфайли келгуси наслларга ўтувчи ва миллат истиқболи учун фалокатли иллат.

Ғозибойдаги очкўзлик, моддий дунёга ортиқча меҳр боғлашдек ҳайвоний сифат тарбияда ғолиб келиб, Абдуқаҳҳорда мулкни зоеъ қилишдек ёввойиликни келтириб чиқаради. Ёшлиқда, балоғат ёшида ҳали ақлан тўлишмаган, отаси давлати соясидагина юрган Абдуқаҳҳор ҳаётнинг ногаҳоний зарбасига тайёр эмас. Шу боис ҳам ўзининг ярамас одатларини тарк этолмайди. Маърифатдан маҳрум – жоҳил бўлиб вояга етгани учун-да ғофиллигидан беҳабар. Аммо унинг тарбиясида вақт қўлдан бой берилган. Бу эса хунук оқибатларга олиб келади. Адиб буни романда Абдуқаҳҳор тақдири мисолида кўрсатади. Ақл-фаросатдан маҳрум, нодонлик ва қабихлик йўлига кирган роман қаҳрамонига панд-насиҳатлар таъсир қилмайди. Натижада ичкилик ва қиморбозлик каби зарарли амалларга муккасидан кетади. Сал фурсатда отасидан қолган мол-мулкни барбод қилиб, қарзга ботади. Гўлаҳда тунаб қиморбозликдан келадиган чўтал ҳисобига қорнини тўйғазувчи, оила ришталарини мустаҳкам тута олмайдиган, масъум гўдақларига шафқат ва мурувват назари ила бокмайдиган кимсага айланади.

Абдуқаҳҳор образи қайсидир жиҳатлари билан Бехбудийнинг «*Падаркуш*»¹² драмасидаги Тошмурод, Қодирийнинг «*Жувонбоз*»¹³ асаридаги Саъдулла сингари қаҳрамонларга менгзайди. Бироқ кўпроқ Чўлпон яратган «*Доктор Муҳаммадиёр*»¹⁴ ҳикояси қаҳрамонига яқин туради. Агар Бехбудий ва Қодирий қаҳрамонлари тақдири фожейи нуқтада тугаган бўлса, Чўлпон ҳикоясида маънавий бойиган кишининг моддий жиҳатдан-да тўқис ҳаётга эришиши ғояси илгари сурилади. Ҳамза ва Чўлпон илмга интилганларга толе ёр бўлади деган ақидани тасдиқлаш йўлидан борадилар. Шу бис ҳам Абдуқаҳҳор Тошмурод ва Саъдулладан

¹² Қаранг: Бехбудий. Падаркуш // Шарк юлдузи. 1989, № 7

¹³ Қодирий. Жувонбоз // Тўла асарлар тўплами. 6 жилдлик. 1-жилд. Т.: Фан, 1995, 19 - 26 б.

¹⁴ Чўлпон. Доктор Муҳаммадиёр // Асарлар. 3 жилдлик. 2 – жилд. Т.: Адабиёт ва санъат, 1994, 270 – 282 б.

фарқли ўларок ўғирлик ёхуд қотиллик йўлидан бормайди, ўнглади.

Умуман, ўзбек маърифатчилиқ адабиёти, хусусан, насрида маърифатли бўлмай туриб бахтиёр кунларга эришиб бўлмайди, деган фикр ташвиқий равишда илгари сурилади. Бизнингча, бу ҳол даврнинг реал талаби, шунингдек, тасвир маҳоратини эгаллаш йўлидаги изланишлар билан боғлаб изоҳланмоғи керак. Бундай типдаги асарларда воқеа устунлиги ва образларнинг бир қадар хиралашуви кузатилганлиги шундай ҳукм чиқаришга туртки беради. Кўпчилиқ маърифатпарварлар қатори Ҳамзанинг ҳам маҳаллий миллат вакиллари бўлган бойлардаги бепарқлик оқибатида келиб чиқувчи маърифатсизликни кўрсатиши мутлақо тасодиқ меваси эмас.

XX аср бошлари ўзбек насрида дидактизм унсурлари сероб бўлиши, реализм ўзини тўла намоён эта олмаслиги ҳам табиий ҳолдир. Чунки янги адабиётимиз эндигина шаклланиш даврини бошидан кечираётган эди. Адабиёт ижтимоий ҳаёт таъсиридан узоқлашмаган эди. Янги ўзбек адабиёти Шарқу Фарб илғор анъаналарини ўзлаштиришнинг илк босқичида эди. Насримизнинг етакчи мақсади қаҳрамонларни оддий одамлардан танлаб, улардаги олийжаноблик, маънавий поклик, хайру саховатни улуғлашда кўринди.

Китобхоннинг янги усулдаги асарларни тушуниб ўқий олиши қийин кечаётганини ўз вақтида англаган Ҳамза *«Янги саодат»* ни тартиб беришда мазкур жиҳатни инобатга олганлигини таъкидлаб ёзади: *«Бу рисола эски мактабга махсус ўлмаи, балки қора халқимизни эру хотунлари орасида ўқулуб турган «Жамшид», «Зарқум», «Алдарқўса», «Баёз», «Далли Мухтор», «Гуландом», «Афанди» каби...китоблар ўрнига истифодалик бир қироат рисоласи бўлурмикин, деган хаёл била ёзилган учун аларни ўқуб тушунмоқларига шояд осон бўлур эди, деб бутун эски имло ва эски усулда тартиб берилди ҳамда соддароқ ёзилди»*. Муаллиф олдига янги давр ҳаёти кўйган талаблардан ижодий ният ўсиб чиққанлиги аён бўлади. Адиб ўз имкониятлари доирасида қалам тебратганида тамомила янгича усулда ва бир қадар мураккаброқ роман ёзиши ҳам мумкин эканлиги ойдинлашади.

Кейинчалиқ Қодирий ҳам Ҳамза бошлаб берган шу анъанани давом қилдирад экан, янги даврга монанд асарлар яратишга мажбурият сезганлигини ифода этиб ёзган эди: *«Модомики биз янги*

даврга оёқ кўйдик, бас, биз ҳар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш дostonчилик, романчилик ва ҳикоячиликлароа ҳам янги асарлар яратишга, халқимизни шу замоннинг «Тоҳир ва Зухра»лари, «Чор дарвиш»лари, «Фарҳод ва Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз». Англишиладики, ҳар иккала адиб ҳам янги замон романчилиги билан китобхонни таништириш истак-ҳавасида кўлига қалам олишган.

Бинобарин, мазкур романлар бир қадар «ибтидоий» бўлиши бир жиҳатдан, бу йўсиндаги тажрибаларнинг энди бошланаётганига, иккинчи жиҳатдан, романчилик соҳасда қалам тебратиш иқтидорига эга мутахассисларнинг камлигига, учинчидан эса китобхон эҳтиёжини инобатга олиб аксарият ўринларда атайлаб эскича услуб ва соддарок тилда тартиб берилганлиги сингари факторларга бориб тақалади.

Агар диққат қилинса, Ҳамза Шарқ фольклорининг латифа, дoston сингари анъанавий жанрларидаги асарлари билан янги давр ижтимоий-эстетик талабларига жавоб бериш мушкуллигини ўзбек романнавислари ичида биринчи бўлиб англаганлиги аён бўлади. У роман жанрига кўл урар экан, реал ҳаётда амалий нафи тегадиган рисола яратиш иштиёқида бўлган. Ҳатто у «рисола» ни иккинчи марта тартибга келтириш ниятида ҳам бўлган. Бу борада ўзига фикрдош, миллатдош қалам аҳлининг фикр-мулоҳазалари ниҳоятда асқотишини ҳам яхши билган. Адиб танқиддан мурод даставвал қалам аҳлига ижодий кўмаклашиш бўлиши кераклигини ёқлайди. Китоб ҳақидаги фикр-мулоҳазаларнинг хусусий бир мактуб ила муаллифга билдирилишини ўтиниб сўрайди: «...янги матбуот ошнолари бўлгон фикрдош, миллатдош соҳиб ал- таҳрир ва ал- қалам қоришларимиздан бу рисоламни имло ва таҳриридаги келишмаган бир хил жойларин айбга санамай, тараҳҳум узасидан афу қилмоқ баробарида лутф-шафқат узасидан хусусий мактуб ила огоҳ қилмоқларин ўтинаман. Чунки бу рисола ни иккинчи таъьиларида ёхуд кўлимда ёзилуб турган ва ёзилган рисолаларимни нуқссиз ўлмогига шояд сабаб ўлур эдилар. (Ал инсон у муштақан мин ал нисён яъни Инсон тили билан ўзига йўл очади - Изох бизники. И.Ё.)

Биз эътибор қаратмоқчи бўлган жиҳат Ҳамзанинг нафақат романда ахлоқий маърифатни улуғлаши балки, қалам аҳли ўртасида ҳам маърифий муносабатларнинг ўрнатилиши, миллат зиёлилари

ижод аҳлига ғамхўр, кечиримли лутф-шафқатли бўлишлигини тилаётганлиги, ҳатто ўтиниб сўраётганлиги масаласидир. Чамаси Ҳамза сал фурсат ўтмай XX асрнинг йигирманчи йилларида матбуотда бошланажак миллий зиёлиларнинг бир-бирларига тош отишларини, ўттизинчи йилларнинг ур-йиқитларини олдиндан сезган адабий иқлимда кутилаётган муқаррар тенденциозликнинг ҳам олдини олишга уринган кўринади.

Адиб романнинг айрим ўринларида китобхоннинг тафаккури ва тасаввур дунёсига ишониб атайлаб тафсилотларни батафсил баён қилишдан тийилади. Ғози савдогар ҳаётлиги даврида оиланинг роҳат ва фароғатда яшаганликлари роман аввалида кенг тарзда тасвирланмаганлигини изоҳлар экан, муллик куйидагиларни қайд этади: «...*рисоламиз аввалида ёзилмаган бўлса ҳам воқеий (кўрилув турган) бир иш учун фикр ва тасаввурингизга иктифо қилуб, (яъни қаноатланиб И.Ё.) сўзни узайтирмаган эдук.*

Ёзувчининг бу каби изоҳларига таяниб, «*Янги саодат*» финалидаги воқеаларнинг тезкорлик билан ривожланиши масаласига ҳам Ҳамза ойдин кўриниб турган масала яъни «*воқеий бир иш*» сифатида қараганлигини таҳмин қилиш мумкин бўлади. Роман хотимасида адиб ғоятда камтарона тарзда китобхонга тўғридан-тўғри мурожаат қилади: «*Эй зоти муҳтарам, дину миллатдош, фикру маслакдош қоришларим! Шояд бу рисолаи ноҷизими камоли диққат ила ўқуб, бир қатор ақл ойнасина солуб, аксин тамом кўргансиз.*

Кўринадики, Ҳамза учун «*китобхон*» шу пайтгача биз тушунган маънодан анча кенг мазмун касб этади. У *биринчидан*, «*зоти муҳтарам*» яъни маърифатли инсонларни, *иккинчидан*, диндош ва миллатдош биродарларини, *учинчидан*, ўзига фикрдош ва маслакдош кишиларни китобхон сифатида тушунади. Зеро «*қориш*» сўзи аслида «*қори*» нинг кўплиги бўлиб, шунчаки ўқувчи эмас, балки «*Куръон*»ни ёд олган киши маъносини англатади. Бинобарин, Ҳамза комил ишонч билан: «*ақл ойнасина солуб, аксин тамом кўргансиз*» дейишга «*қориш*»ларнинг зеҳн ва тафаккурига таянишга тўла ҳақли эди.

Илло, роман ёзилган пайтдаги унинг қарашлари большевойча умумийликка, оммавийликка тамомила зид бўлиб, Ҳамза жамиятдаги ва инсон тийнатидаги жоҳиллик ва омелик касофатига қарши курашда хос кишиларгагина таянган, уларни хушёрликка чорлаган. Миллат тафаккурининг уйғоқлиги деганда ҳам зиёлининг

маърифий-ахлоқий салоҳияти баланд бўлишини тушунган адибдир. Мавжуд ҳаётий ҳолатнинг ўнгланишини том маънодаги маърифатли кишиларнинг ақл-идрок ва заковати, иродасига боғлаб тушунгани учун ҳам воқеа-ҳодисалар моҳиятини англамоқни кўзлаган эди.

Роман қаҳрамони Абдуқаҳҳорда отасидаги ҳайвонийлик ва ўзидаги ёввойилик сифатлари ҳали бирлашиб улгурмаган. Бинобарин, унинг фитрати шайтоний ва рубибий сифатлардан холидир. Шу боис ҳам унинг ҳали жаҳолат пардасини йиртиб, маърифатни восита қилмоқ имкони мавжуд. Романни фикри ожизимиз етгани қадар кузатар эканмиз, Ҳамза Шарқ фалсафасида кенг ўрин олган инсоннинг ўз камчилик ва нуқсонларидан фориғ бўлиб, руҳий покланиши – катарсис таълимотини исломий маърифат билан боғлаб диний-ахлоқий маънода тушунгани аён бўлади. Адиб инсон туйғуларининг тубанлашувидан олийжанобликкача бўлган бир неча даражаларини фарқлайди. Афтидан, қаҳрамонлар тушган ахлоқий вазият-ҳолатлар тасвири орқали китобхонга кечинмаларнинг айни бир персонажда физиологик синтезлашган ҳолда учрашини уқтирмакчи, бунинг бадий ифодаси орқали эса эстетик таъсир этмоқчи бўлади. Шу боис ҳам китобхон қалбига ахлоқий-маърифий мусаффолик бахш этишга уриниш адиб эстетикасининг асосини ташкил этади.

Абдуқаҳҳор типидagi қаҳрамоннинг ўнгланмоғи учун албатта боши тошга тегиши яъни макон ва замонда мувозанат ҳолатидан узоқлашиб, танглик нуқтасига яқинлашиши синергетика таълимоти тили билан айтганда, *бифуркация ҳолатида* бўлиши керак. Муқаррар таназзулга юз тутиши мумкиндай туюлган Абдуқаҳҳор романда ҳайрон қоларли тарзда ўзини тартибга тушириб, янги бир мувозанат ҳолатига кириши ва барқарорлашуви тасвирланади. Ҳамза унинг қалқиб турган нотургун ҳолатларини ички маънавий-руҳий жараёнлари билан тасвирлашга уринади. Романда оддий сабаб оқибат асосига қурилганлик кузатилса-да, Абдуқаҳҳор руҳиятида мураккаб жараёнлар кечганлигини ҳам англаш мумкин. Мухими шундаки, у ўзининг илгариги ҳолатини инкор этиш орқали ўнғланади.

Абдуқаҳҳорнинг *«шармандаю шармисор»* лиги, Тошкентдаги *«хору зор»* лиги, *«дайди»* лиги шунчаки бемехрлик ва уйдан қочиб кетиш эмас. У уят ва андиша туфайли ўз уйдан бош олиб кетадики, оила аъзоларининг ризқ-насибасини қиморга бой

берганлигидан қаттиқ азият чекади, ғофиллик қилганлигидан уялади. Ҳаётда ўз ўрнини топиши лозимлигини тушуна бошлайди, жилла курса оиласининг кейинги ҳаётига зомин бўлмасликни истайди. Умри давомида ўтказган хатоларини такрорламасликка азм этади. Чунки у аста-секин *биринчидан*, мол-давлати қўлдан кетиши сабабларини англай бошлайди. *Иккинчидан*, ватан ва фарзанд соғинчи, *учинчидан*, фуқарат ва ғурбат таъсирида руҳан изтироб чекади. Демокчимизки, Ҳамза роман қахрамонининг қалбидаги азобли оғриқдан бу изтиробларнинг сабаби томон йўл топа олган. Зеро, ўз хатоларидан пушаймон бўлган мўминнинг ғамга ботишида тавбанинг руҳи мавжуддир.

Абдуқаҳҳор узоқ муддат зиддиятли ўй-фикрлар гирдобидан чиқолмай, тараддулланиб юради. Аросатда қолган бу кимсанинг узлатдаги фақирона ҳаёти давомидаги хароб ҳолига узил-кесил чек қўйиши романда икки жиҳатдан асосланади. *Биринчидан*, ғафлат уйқусидаги Абдуқаҳҳорга ҳаётий воқелик моҳияти туш орқали намоён бўлади. Бунда ўзига хос рамзийлик бор. Ёзувчи ўз ҳаётини зоҳирангина кўра оладиган қахрамоннинг қалбидаги зиддиятларни туш воситасида беради. У роман қахрамонини шаҳодат (*моддият*) оламида ҳам ғайб ва малакут (*илоҳиёт*) оламида ҳам олиб қарашга, унинг сифат ва ҳолатларини турли ракурслардан кузатишга уринади. Қахрамоннинг ўнгида рўй бериши мумкин бўлган ва у руҳан интилаётган ҳодисалар Абдуқаҳҳорнинг тушида намоён бўлади. Чунки Ҳамза киши идроки ожизлик қилганида, ҳақиқатни фаҳм-фаросат орқали ҳам илғаб олиши мумкин эканлигини яхши билади.

Тушидаги ҳақиқатлардан қаттиқ таъсирланган қахрамон шу восита туфайли англаб етган маъноларининг қалбини асло тарк этмаслигини тилайди. Ўғли Олимжонни, кизи Хадичани ва мунгли онаси Рузвонни, хафа ва маъюс ҳолда юрган Марямни туш кўрган Абдуқаҳҳорнинг аҳвол-руҳияти тамомила ўзгариб қолади. Ғамлик кўзларида ёш билан йўлларга термулиб, жигар-бағри эзилиб, ғоятда ҳайрон ва паришон бир ҳолларда узун-узун хаёлларга чўмиб қолади. Ҳатто қўлидаги игна, иплари тушиб кетади. Қулоқлари остида хаёлан тушида бўйнига осилиб фарзандлари қилган ўтли нолалалар қайта-қайта жаранглайверади. Соғинч ҳислари раҳм-шафқат билан алмашина боради. У энди чинакам бахт ва бахтсизликни бир-биридан фарқлайдиган кишига айланади. Нажот йўлини топгандай бўлади. Ўз гуноҳларига тавба қилиб ўнглана

бошлайди, эртадан умидланади. Фирокни тарк этмоқ, дийдор сари ошиқмоққа руҳан тайёр туради. Бундай ҳолда қаҳрамоннинг онгида истиқболдаги ҳаёт акс этадигина эмас, у қалбан ҳам ширин бир энтиқишни туя бошлайди. Ҳамза Абдуқаҳҳор қалбини ана шу ички туйғу ифодаси орқали очади. Адиб уни авомликдан маърифат остонасига олиб ўтади.

Иккинчидан, Абдуқаҳҳор ўғли Олимжон билан ҳасратлашган оқшомда илгариги ҳаётига узил-кесил нуқта қўйиш фикрига келади. Ўз ҳаётини қайта қурмоқликни ихтиёр этишига уни оталик меҳри ва солиҳ фарзандидан ифтихор этмоқ табиий майллари етаклайди. Эндиликда унинг қалби тубида пинҳон бўлган майллар истакка айланиб, тўла юзага чиқади. Қаҳрамоннинг феълида янги бир ички кудрат, иродасида қатъият, ҳаракатларида дадиллик пайдо бўлади. Қалб кўзи очилган Абдуқаҳҳор илгариги ошноларидан кўнгил узишликка аҳд қилади. У жисман ҳам руҳан ҳам янги либосларга бурканади.

Абдуқаҳҳор ўзининг ҳали оиласига янгича руҳ бағишлай олишига ишонади. Фарзанд фироқида ўртанган онаизор қалбида шодлик, рафиқи ва аниси рўзғори бўлмиш Марям дилида умид уйғота олади. Қизи Хадичанинг бошини оталик меҳри билан силаб, йиллар давомида кўзларида қотмиш мунгни сидириб ташлайди. Ўғли Олимжон бошлаган улуг ишларнинг ривожига имкон қадар кўмаклаша бошлайди. Адиб бу ҳолни: «...*тавбалар қилуб, дўст-душманни ажратуб, инсоф ва диёнатли, шафқат ва марҳаматли бўлган... шукрлар қилуб, кундан-кунга роҳат ва фароғатда, шод ва хуррамлик била яшамоқда*» - деб таърифлайди. Ёзувчи Абдуқаҳҳорнинг ёмон феъллардан тийила билишида инсон ўзлигини англашини, маърифатни кўради. Роман қаҳрамони бутун умр зарарли хоҳиш-истакларининг қули бўлиб қолмайди. Ҳали фурсат буткул қўлдан бой берилмагани, умрнинг қолган қисмини фойдали ишларга сарфлаш мумкин ва зарурлигини ўз вақтида англайди. Бошқачароқ айтганда Абдуқаҳҳор қилган гуноҳларининг захри имон руҳини шикастлашидан олдин тавба қилишга улгуради. Зеро у ўз гуноҳлари доим кўз ўнгида турадиган, амалларидан пушаймон бўлиб, тавба қиладиган, руҳан эзгуликка интиладиган умидли бандадир.

Демак, Абдуқаҳҳор «*жоҳил ота*»гина эмас, ўз қилмишларига тавбалар қилувчи самимий инсон, солиҳ банда ҳамдир. Унинг исломий фитратда яралган қалбида салимлик аслан мавжуд. «*Янги*

саодат»да гап қалбни ғуборлардан тозалаш ҳақида боради. Узоқ йиллар давомида Абдуқаҳҳор қалбидаги жоҳиллик ўрнини салимлик эгаллашини кўрмасликдай адабиётшунослигимиздаги иллат унинг тақдирига заиф қараш оқибатида келиб чиққанлиги аён бўлади.

Шуни унутмаслик керакки, басират назари очилган Абдуқаҳҳор ҳали дунёвий манфаатлар доирасидаги мўмин холос. Ундан орифликни излашга уриниш тўғри бўлмайди.

Роман қаҳрамонларидан бири бўлган Марям сабр-тоқатли ва бардошли аёл. У факрлик жафоси ўқларига кўксини қалқон қилиб, азоб-укубатларга чидайди. Келажакка умид билан қараб фарзандларини тарбиялайди. Ўқимишли, ақлу фикри комил Марям илм-маърифатни кадрлайди. Ҳамза унинг табиатида йўқолган давлатига комил фарзандлар орқали етишмоқ ҳаваси борлигига ҳам урғу беради.

Марям умид ва қаноат соҳибаси. У ўзига талабгор бўлган айрим бойларнинг таклиф ва даъватларини кескин инкор этади. Бунинг боиси *биринчидан*, юқорида таъкидлаганимиздай истиқболдан умидворлик бўлса, *иккинчидан*, жоҳил эрдан «*юраги титраб*» қолган аёлнинг фарзандлари тақдирини яна бир золим киши кўлига топшириш ва уларни илмдан бебахра қолдирмоқликни қабул қилмаслигидир. *Учинчидан*, Марям қайнонаси Рузвон аяга кучли кўнгли боғланган, унинг тизгинсиз меҳрига шафқат назари билан қарай оладиган аёлдир. Ўн тўрт йил давомида ўғлидан тириклай ажралган мунгли аёлни ёлғиз ташлаб кетмоққа «*жаноби ҳақдан шарм қилуб*» яшайди.

Бинобарин, Марям Аллоҳнинг иродаси ва тақдирнинг ҳукмига ризо бўлган мўминадир. Шу боис ҳам у қаноат билан яшайди, эртадан умидланади, тақдирга қарши исён қилмайди.

Ҳамза Марямнинг фақирона, ғарибона ҳаётини шунчаки баён қилмайди. Кўпинча қаҳрамонни ўз-ўзи билан ёлғиз қолдиради. Китобхонни унинг маънос ва ғамлик қалбида кечган бир олам ҳис-туйғулар, фикрини банд этган тизгинсиз хаёллар оламига етаклайди. Бундай ҳолларда Марям хаёлида ўтмиш ҳаёти манзаралари жонланади. Кўз ўнгида илгариги тўкин ҳаётигина эмас, меҳрибон-мушфиқ ота-онаси ҳам бир-бир ўтади. Айтиш мумкинки, романда адиб маълум маънода адабий монтаж усулидан ҳам фойдаланишга уринган. Баъзан эса, воқеаларни хотира ва тасаввурлар орқали беришга интиланган. Марям тизгинсиз хаёллар

оғушида, хотиралар гирдобида қолганида руҳан эзилади. Ҳатто ҳасратли кўз ёш тўкиб, ҳаяжонини боса олмай қолади. Боши айланиб, кўзи тиниб, қўллари қалтираб, игнаси тушиб кетади, беҳуд бўлади. Мазкур ҳолатни адиб: «...тиззаси устидаги ямоққа эзилуб кетган жигаридан қон тирқираб чиқуб тўкилуб, ялтираб турган ҳасратлари кўз ёшлари бирдан юракларини сакратуб, боши айлануб, чок йўлини қоронғулиқ босуб, қўли қалтираб, игнаси тушуб, беш-ўн минут ўздан кетуб, беҳуд бўлиб қоладиган вақтлари ҳам тез-тез воқе бўлмай турмас эди», - деб манзара-лантиради.

Қаҳрамоннинг муайян вазият-ҳолатларда ўзини тутиши билан боғлиқ бу характерли психологик портрет тасвири орқали Ҳамза Марям ташқи қиёфасида, хатти-ҳаракатларидаги ўзгаришларни тасвирлаб унинг руҳий дунёсини очишга муваффақ бўлади. Тасвир деталларининг батафсил берилиши ёзувчининг Марям характерини имкон қадар тўлақонли ёритишга бўлган интилишига мос бўлиб, адибнинг услубий индивидуаллиги ва маҳоратини яққол намоён этади.

Бундай ҳолларда Марям золим фалақдан норози бўлади. Ота-онасидан айриб етим қолдирган, мол-давлатидан мосуво қилиб, бир пайтлар ўз давлатхонасидан баҳраманд бўлиб юрган кишилар эшигида хору зор айлаб, гўдаклари иқболининг таянчи бўлмиш отасини бераҳм ва золим қилган чархнинг кажрафтору қасоскорлигидан шикоят қилади. Гўё сабр-тоқати тугагандек туюлган ҳолларда ҳам қаҳрамон ўз тақдирдан буткул норизо бўлмайди. У теран эътиқод кишиси сифатида ўз-ўзини таҳлил этади.

Мендан бирор хатолик ўтиб, Аллоҳнинг марҳаматидан бебаҳра қолмадиммикин, - деган хаёлларга боради. Дардига малҳам бўлгувчи ул меҳрибон зотдангина марҳамат ва шафқат кутади. Яратганнинг раҳмдиллиги ва ғамхўрлигига ишонади. Бекасликдаги муштипар ва шикаста кўнгилнинг ожиз бандалардан бири сифатидаги заифона илтижоларини Ҳамза шундай ифода этади: «Ё раббим, санга мани ўзимдангина бир хатолик ўтгандир. Оҳ, чорасиз қолдим, бекас, меҳрибонсиз қолдим, ота-онам бўлсалар эди, мундоғ қора кунларга қолмас эдим. Ё раббим, ўзинг тараҳхум эгаси, ўзинг мушфиқ, ман бир муштипар, шикаста, қанотқуйругим синган ё ар раҳим-ал роҳимин (яъни бандаларига Аллоҳ-таоллоҳнинг раҳмати бўлсин. Изоҳ бизники.И.Ё.) мандек заиф, ожиз бандаларингга ҳам кўпни қаторида бир оз раҳминг келса-чи?

Ё раббим, бир оз марҳамат қил. Тирик етим бўлган увол гўдакларимга шафқат қил»

Марямнинг хилватда қилган оҳ-фиғонлари – жаноби Ҳаққа ёлбориб йиғлашлари бир оз юракни бўшатмоқ илинжидан туғилган, эътиқодидан келиб чиққан. Зеро, адиб талқинича, ҳақиқат субъективдир. Инсон психологияси ҳодисалар сабабини оқибатдан келтириб чиқара олмайди. Руҳият манзараларига мантиқ йўли билан етиб келиш мушкул. Шу боисдан ҳам инсоннинг руҳий дунёси фожиаларини тасвирлашга эътибор қаратиб, кишиларни қайта тарбиялаш мумкинлигига ишонган ёзувчи маълум маънода ўша даврда устивор бўлган тарихий жараёнда ақлнинг етакчилиги ҳақидаги қарашлардан бир қадар четга чиқади.

Ўзи ва оиласи ташвишларидан ортмайдиган Марям характерида ҳиссий ҳолатларнинг қабарик ҳолда тасвирланиши, адибнинг аксарият қахрамонлари, айниқса, «Учрашув» романида ойдин кўринганидек, хаёлий дунёда яшашлари шундай фикрлашимизга туртки беради. «Янги саодат»да эса Ҳамза эстетик ақидасига кўра инсон ҳаёти табиийликда олиб қаралади. Зўрлик ва жабр-зулми маърифат билан енгиб, озод, бахтиёр яшаш мумкинлиги ғояси илгари сурилади. Демак, адибнинг ҳаётга ва жамиятга муносабати тадрижийлик тамойилига асосланади.

Ҳамза романларида қахрамонларнинг сезгию кечинмалари, ҳаракат-кайфиятлари оламига шунинг учун ҳам эътибор кучайтириладики, ёзувчи оламнинг мавжудлигини шахснинг фаоллигига боғлаб талқин этади. У инсоннинг руҳий фаолиятини рационаллик доирасида эмас, балки кўпроқ ирфоний мазмунда англайди. Шу боисдан ҳам кўнгли ёруғ қахрамон Марям пок ниятлар билан руҳан Ҳаққа интилади. Айтиш мумкинки, Марямнинг хилватдаги илтижолари руҳий ва қалбий ибодат ҳамдир. Марям ўз атрофидаги инсонларни севади, уларнинг хизматида бўлишдан оғринмайди. Барчасига меҳр-шафқат назари билан қарайди. Надомат комида қолган онларида билиб-билмай қилган гуноҳларидан фориг бўлишни мақсад қилади. У вазиятнинг ўнгланишига умид боғлайди. Фарзандларини ҳалоллик ва комилликка ундайди. Жаҳолат зулматини ёриб ўтмоқ учун сабот билан дадил интилади. Буларнинг барчаси, Марямнинг чинакам басират соҳибаси – имони бут инсон эканлигини кўрсатади.

Демак, Марямнинг муайян вазиятларда қонли кўз ёшлар тўкиши ҳам шунчаки сентименталлик эмас, балки бебаҳо неъмат

бўлган умрнинг ҳар бир лаҳзасини теран хис қилишдан, бой берилган онлар мазмунини англашдан келиб чиқади. Илло, қаҳрамоннинг зиддиятли ўй-фикрлар гирдобиди қолиб тавбани ихтиёр этмоғи ҳам имон тақозоси бўлиб, пировардида иродани катъийлаштиради. Ироданинг жазми туфайли эса Марям амалий ҳаракатга шўнғийди. У яна ўз зиммасидаги инсоний бурчларини бажаришда давом этади.

Бинобарин, Аллоҳнинг иродасига ризо бўлган собира аёл сифатида намоён бўлади. Ўзининг соғинч изтиробларини, ғам тикани билан мажруҳ бўлган маҳзуна кўнглидаги кечинмаларини фарзандларига сездирмасликка тиришади. Ғариб кўнгиллари очик юз, ширин сўз, мулоим муомала билан юпатади. Уларнинг пешоналарини силаб турфа меҳрибонликлар кўрсатади. Фарзандлар қалбига мунг, ҳасрат, кўзларига маъюслик ғуборлари соя солмаслиги, ўз оталарига бўлган меҳрлари сўнмаслиги тилагида ўртанади.

Марямнинг Олимжон ва Хадичани юпатишидаги мана бундай инсоний меҳрга тўла лирик ҳарорат тафти китобхон қалбиди ҳам акс садо бериб жаранглайди: «...Отам ўрнига Олимжоним, онам ўрнига Хадичахоним! Отангизни соғинганимдан йиғламасман, ғарибчаларим, ўз ватанида мусофирчаларим! Отангиз ўлмасун, саломат бўлсун. Ман бори сизлар соғинурсизлар деб йиғлайман. Аягинанг ўرғулсун, кўзичоқларим. Ман нима қилай, худони иродаси шундоғ бўлса. Шоҳлар бир кун гадо бўлур, бизларга ўхшаб. Гадолар бир кун шоҳ бўлур қолур, болажонларим. Банда деганни сабрдан бошқа чораси йўқ».

Мактаб учун лозим бўлган нарсаларга қўли калталиқ қилган Марям интихосиз фикрлар гирдобиди қолади. У охири муайян қарорга келади. Бисотидаги тўйларга киядиган камзул, кўйлак ва балдоғини сотмоқ ниятида ёшлиқдаги мактабдош дугонаси Ҳалимахоним олдиға боради. Бу ҳаракатини зийрак Олимжондан пинҳон тутайди. Ҳалимахоним ифбатли, дўстига муҳаббатли, илмни кадрловчи, шафқатли аёл. У мактаб учун зарур дастурхон лозиматларини ўз ёнидан беради. Чунки дугонаси қалбини тушунади ва уни мушкул вазиятдан қутқаради. Бу ўринда ҳам Ҳамза халқ дostonларида учровчи адабий қаҳрамоннинг мактаб дўсти анъанавий мотивидан фойдаланади. Чунончи, Ҳалимахон тез-тез Марям ҳузурига чиқиб, руҳий далдалар бериб туради.

Олимжон нотоблигидан хабар топиши ҳамоно хол сўраб чиқади, дугонаси оиласини чорасизлик ташвишидан халос этади.

Романдаги Рузвон ая фарзанд доғида ўртанган аёл, У узун кечаларни турфа фикр-хаёллар билан тонгга улайди. Бедарак кетган ўглини, заифа танининг қуввати ва мадори, кўзининг оқу кораси бўлмиш қарамоғида қолган уч маъсума тақдирини ўйлайди. Марямнинг ҳолини тушуниб, изтироб чекади. Келинининг кўз ёш тўкишларини бир жиҳатдан хотинлар расми деб билса, иккинчи томондан Аллоҳга илтижо қилиб йиғлаб туришни кўнгилни юмшатувчи амаллардан санайди. Шундай бўлса-да, Марямнинг бундай мунгли ҳолда болалар кўз ўнгида бўлиши дуруст эмаслигини англаб, уни дарҳол ташқарига чиқариб юборади. Ҳар иккала неварасини бағрига босади. Ҳатто уларга бироз пўписа ҳам қилган бўлади. Унинг *«жон болаларим»*лаб турган ҳолдаги қалб титроғида бувиларга хос инсоний меҳр-мурувват мужжасам.

Рузвон ая Олимжон мактабда ушланиб қолиб, уйидагиларни огоҳлантира олмаганида уни йўқолиб қолди, деб ўйлаб астойдил ғамга ботади. Маҳаллада юмуш билан банд бўлган Марямга энди нима дейман, деган чуқур андиша ва истиҳола ичида қолади. Паранжисини ёпиниб, бутун кўча-кўйни ахтариб чиқади. Невараси эртага мактабга чиқадиган тунда эса келини билан бирга дастурхон тайёрлайди. Олимжонни ғусул қилдириб, охорли кийимлар кийгизади. Алламаҳалда ётган бўлса-да, субҳидамда уйғониб, ибодатини адо этади. Келини тутқазган дастурхонларни олиб, қабатида невараси билан мактаб сари йўл олади.

Олимжоннинг *«бошим оғрийди»*сидан хабар топиши ҳамоно ибодатини-да унутиб, неварасини бағрига босади. *«Кўзичоғим»*, *«жоним болам»*лаб айланиб - ўргилади. Ҳатто, паришон ҳолга тушган бу кампир кўрқиб кетганидан Олимжонга келиши мумкин бўлган бало-қазолар ўзига уришини тилайди. Унинг нуқул *«онанг ўлсин»*, *«онанг ўлсин»*лаб туриши шундан.

«Даъватнома» мазмунидан огоҳ бўлгач, *«юраклари тешулган»* Рузвон тоғдек ғамлар остида эзилган ожиз кампирдан, дарднинг давосига малҳам изловчи оқила бувига - оиланинг сарварига айланади. Келини ва неварасини имтиҳон хижолатидан кутқаради.

Фақирликда ўсаётган Олимжон етимона боши эгик, маънос табиатли ўғил сифатида шафқатли, марҳаматли бўла боради. Унинг табиатида бундай сифатлар куртак отишига оиладаги тарбия сабабдир. Олимжон ўзидан кичикларга меҳрибон, катталарга

таъзим-тавозедаги одоб-ахлоқи комил фарзанд бўлиб улғая боради. Кўча ўйинларига қўшилмай, мадраса ва диний ибодатгоҳларда сайр этиб юришни одат қилади. Олимжоннинг бу феъли отаси Абдуқаҳҳорни билганларни ҳайратлантирар, ўз истикболига умид уйғотар эди. Олимжон уйда онаси ўқиган китобларни жон қулоғи билан тинглар, уларнинг сирли-сехрли дунёсига маҳлиё бўлар эди.

Хуллас, унда заковат ва фарсат шаклланиб, маърифатга ҳавас уйғонганди. Шу боис у қўшни маҳаллалик ўртоғи Аҳмаджонга эргашиб, жадид мактабига боради. Олимжоннинг хатти-харакатлари, одоб-ахлоқи, саволларга берган маънолик ва ширин жавоблари муаллимнинг диққатини тортади. Муаллимнинг *“Ҳамма болалардан сизга ортуқ муҳаббат билан қарайман”*, *“ўғил қиламан”* қабилдаги илтифотларига мушарраф бўлади. Бу ҳиммат ва марҳаматга сазовор бўлган Олимжон бекаслик ва бечораликни унутгандай бўлади. Бу ҳолатни Ҳамза : *“...хуришид булут орасиндан чиқгондек чехраси бир оз ёришуб, гунча каби гамдан тўкилуб турган лаблари тўрт кунлик ойдек табассумлануб кеткан”*, - дея ташбеҳ воситасида тасвирлайди.

Хурсандлигини уйидагиларга етказишга астойдил шошилаётган, бир олам қувончдан тўлиб-тошган Олимжонни адиб: *“...китобларин бағрига босуб, оёқлари чалишуб уйига югурган”*, ҳолатда бутун руҳий кечинмалари билан чизади. Ўртоғи Аҳмаджонни уйига эргаштириб келиб, онаси ва синглиси йўқлигини билганида Олимжон кўзлари маъюсона жавдирайди. У ҳовли ўртасида ҳайрон ва музтар ҳолатда қолади. Марям ва Ҳадича уйга келгач эса юрагига бир оз қувват кира бошлайди. Онажониси ва синглиси шафқатини ҳис этган онларда Олимжон чексиз ифтихор туяди. Улар меҳмонни ширин сўз ва нон-чой билан сийлашган ва унга марҳамат кўрсатишган лаҳзаларда анча далиллашади. Бу каби инсоний ҳолатлар билан боғлиқ жараёнларни ифода этар экан, Ҳамза ҳам худди Қодирий сингари *“қалам ожиз”*лигини иқрор этади: *“Оҳ, бу тўрт зотни мунча фақирликлар била бир-бирларига қилган меҳр-шафқат ва муҳаббатларини ёзуб чиқмоқга қаламим бутун ожиздур”*, - деб ёзади у.

Ҳамза инсоф, диёнат меҳр, шафқат, мурувват, фуқаропарварлик каби қадриятларни улуғлайди. Бетаъма ва саҳоватпеша муаллимга эҳтиром билан қарайди. Аёлларда мулойим табиатлилиқ ва оқилаликни кўради. Олимжонни: *“миллат гулшанида янги кўнган андалиб”* (яъни булбул),- деб таърифлайди. Буларнинг барчаси

нажот йўлини келажак наслларни илм-маърифатли қилишда кўришдек адиб жадидчилик қарашлари билан боғлиқ. Ҳамза ўлка тараққиёти йўлида миллат болаларига ҳиммат ва марҳамат кўрсатишда муаллимни ибрат қилиб олади. У Туркистон мусулмонларини миллатдошлар деб қараб, ялли тарзда маърифатга даъват этиш концепциясини ҳам романга сингдириб юборади. Оилавий турмушнинг оқилона тарзда бошқарилиши, меҳр-муҳаббат асосига қурилишини ёқлайди.

Кейинчалик Қодирий ҳам ҳар томонлама етук қаҳрамонларни тасвирлашда Ҳамза анъанасини давом қилдириб, Отабек, Анвар образларини яратди. *“Меҳробдан чаён”* романидаги мактабдош дўстлар Анвар ва Насим муносабатлари Олимжон ва унинг ўртоғи Аҳмаджонни, Абдулла Қодирий қаламига мансуб ҳар иккала романдаги аксарият қаҳрамонлар маиший ҳаётидаги бечораҳоллик Ҳамза тасвирлаган Рузвон ая ва Марямнинг ўксук қалбини эсга солади. Кумуш ва Раънодаги фозилалик, бир олам орзулар кучоғида яшашлик Марям табиатига яқин туради. Мохларойимнинг Анварга кўрсатган турфа меҳрибончиликлари замирида Ҳамзанинг жадид муаллими характериға монанд талай муштаракликлар мавжуд. Ҳар иккала адиб насрий меросидаги бундай муштарак жиҳатлар бизнингча, улар ижодий концепциясидаги яқинликдан келиб чиққан.

Эртага мактабга чикишидан беҳад шодланган Олимжон гўзал хаёллар кучоғида анчагача кўзига уйку инмай, алламаҳалда пинакка кетади. У тушида дўсти Аҳмаджонни кўради. Ҳамза унинг бу дамдаги кечинмаларини туш ва реаллик қоришиқлигида чизади. Эрталаб уйига келиб уни уйғотган ўртоғи Аҳмаджонни кўрган қаҳрамон дабдурустдан, туш, хаёл ва ўнгини ажрата олмай қолади. Характер руҳий ҳолатларини тасвирлашда туш кўриш мотивидан фойдаланган Ҳамза шу орқали роман сюжетини ривожлантириш, қаҳрамон руҳияти манзараларининг воқеалар оқимиға ҳамоҳанглигини кўрсатишға интилади. Қаҳрамонлар фикрини банд этган ўй-фикр ва мулоҳазаларға эътибор қаратиш орқали эса адиб романда психологик тасвир унсурларини қўллайди. Қаҳрамонларнинг ўзлиги, инсон сифатидаги моҳиятини очади. Бинобарин, имкон қадар табиий руҳий жараён саналмиш онг оқимини кузатишға ҳам уринади. Қаҳрамон ҳаётининг шаклланиш эволюцияси биринкетинликда хроникали сюжет асосида берилган *“Янги саодат”* да Ҳамза аксарият воқеаларни сабаб-оқибат тартибида жойлаштириб

романда концентрик сюжет унсурларини ҳам қўллайди. Ёзувчи кўпинча қахрамон биографиясининг аввалги босқичларига қайтар экан, бу ҳақда китобхонни огоҳлантириб қўйиш йўлидан боради. Бироқ у эпик ривояда муҳитга бўлган реакциясини ҳам ошқора баён этадики, бундай ахборотлар роман бадииятини ночорлаштириб қўяди. Адиб ретроспектив усулда персонажлар ўтмишини жонлантиришга уринганида бу усулнинг сюжет ички ривожланишини таъминловчи воситага айланишига эриша олмайди. Ундан асосан, сюжет воқеаларининг ривожланишини тўхтатиб қўйишга эҳтиёж сезганида, қисман эса персонажларнинг ўй-хаёллари, изтироб-кечинмалари ёхуд ўз қилмишларини таҳлил этишлари жараёнларини беришда фойдаланади.

Демак, Ҳамза қўллаган ретроспектив чекинишларнинг функцияси ўзига хос бўлиб, ўзбек романи тараққиётининг илк босқичи учун ғоятда ижобий ҳодиса эди. Чунки, адиб насри анъанавий дostonлар ва романтик қиссалар услубидан тубдан фарқ қилиб, ўзига хослик касб этиб бормокда эди. Ҳамза характерларни эволюцияда кўрсатиш йўлидан боради. Айни пайтда уларнинг ички драматик коллизияларига ҳам эътибор қаратади. Воқеа-ҳодисаларнинг персонаж қалбида қолдирган ғуборлари, руҳиятига кўрсатган таъсирини ифодалайди. Эпик воқеаларга лирик ҳарорат бахш эта олади. Ёзувчи бунга эпик воқеликни ҳиссий жараёнлар ҳисобига бойитиш орқали эришади. “Янги саодат”да Ҳамза воқеаларни хотира ва тасаввурлар воситасида бериш, уларни ички кечинмалар призмасидан ўтказиш унсурларини дадил қўллаган. Бунга у ҳикоячиликни ўзидан соқит қилмаган ҳолда, турли ассоциацияларни ҳаётий воқеалар тасвирига имкон қадар пайвандлаш орқали эришади.

Демак, Ҳамза романларини тушунишда адибнинг ривоя усулига хос хусусиятларга алоҳида диққат қилиш талаб этилади. Акс ҳолда бу асарлар спецификасини англаш деярлик мумкин бўлмай қолади.

Ҳамза романда ўзининг илм-маърифат, мактаб-маориф, маданият-ахлоқ халқ ва миллат ҳақидаги қарашларини илгари суради. Унинг қарашлари XX аср бошлари ижтимоий-педогогик фикр тараққиётида ўзига хос ўрин тутди. Зеро, адиб тарбия ва ахлоқ масалаларини роман воқеалари кечаётган даврнинг талаб ва эҳтиёжлари нуқтаи назаридан таҳлил этади. У инсон ҳулқини

анъанавий тарзда яхши ва ёмонга ажратса-да, замонавийликни асосий мезон қилиб олади.

Инсонда намоён бўлувчи эзгулик, олийжаноблик, ёхуд разиллик ва бадбинлик тимсоли бўлган ахлоқий сифатлар кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Улар муайян шароит таъсири остида тарбия характерига кўра шаклланади. Бу жараён шахснинг истак-хоҳишлари, ирода-майиллари тўғри йўналтирилишига бевосита боғлиқ. Демак, ҳамма нарса тарбияга дахлдордир. Ҳамза ахлоқ масаласини ва таълим- тарбия доирасини анча кенг тушунади. У ахлоқнинг нуқсонсиз бўлишини ёқлайди. Уни икки дунё шарафи бўлган илм асосига қуради. Ўқиб ибрат олмоқ яъни фикр тарбияси билан жиддий шуғулланмоқ зарур деб ҳисоблайди. Адиб жисм поклиги ва озодалиги руҳ тарбиясига ҳам сезиларли таъсир қилади, деб билади. Шу боис ҳам романда нозик ҳамда салим фикрлар орқали китобхонда завқ ва ҳавас уйғотиш мумкин деган ақидани илгари суради.

Ҳамза учун Ватан туйғуси энг инсоний, энг мўътабар туйғулардан биридир. Шу боис ҳам адиб Ватанни шунчаки ардоқламайди, унинг дардлари билан яшайди, бахтидан қувониб, фахр-ифтихор туяди. Романда ёзувчи эл-юртнинг истиқболи ҳақида қайғирувчигина эмас, ғам-аламларига дил-дилдан дардкаш фарзанд сифатида намоён бўлади.

"Янги саодат" қаҳрамони Олимжоннинг ўқиб-ўрганишга ҳаваси ҳадсиз. У эрта туриб, таҳорат олиб, масжидда жамоат билан намоз ўқийди. Маҳалла аҳли ҳурматини нуқсиз бажариб, гўзал ахлоқи билан эл назарига тушади. Аҳли муслимнинг субҳдаги пок нафасларидан дуо олади. Эрталаб қаттиқ нон тановул қилмоқликнинг саломатлик учун фойдали эканлиги ҳақидаги Олимжон қарашларида унинг устозларидан эшитган ёхуд китоблардан ўқиган фикрларига амал қилаётганлигини кузатиш мумкин. Ҳамза унинг ҳатто қадам ташлашлари ҳам текис-текис ва оҳиста бўла боргани, салласи ихчам ва чиройлик ўралгани, кичик-кичик қўллари тавозе билан кўксига қўйилиб, кишиларга салом берганигача диққат қаратади. Чамаси адиб қаҳрамоннинг ахлоқ ва одобда нуқсонсизлигига бизни иқрор қилдирмоқ ниятида тасвирда батафсилликка риоя этади.

Жадид мактабини *"бу дунёнинг боқчаси ва жаннати"*, - деб санаган Ҳамза мактабдаги харита ва бинолар тасвиридан тортиб, доска, чўт, стол-стулларгача, ҳатто биноларнинг оқлан-ганию

полланганлигига алоҳида аҳамият қаратади. Шу орқали янги мактабда ҳозирланган саранжом-сарифталик, покизаликни ибрат қилиб кўрсатади. Инсон азиз умрини илм-маърифат ўрганишга сарфлаши кераклигини уқтиради. Кўчаларда бефойда юмушлар билан банд бўлган нодон, ғайратсиз ва жоҳил кимсаларни инсон деб аталмиш шарафли номга номуносиб деб билади.

Роман қаҳрамони Олимжон назарида ўқимаган одамлар: самаварчи, нонвой, қиморбоз, ўғри, кўча супурувчи, ямоқчи, қоравул, мешкобчи, эшакчи, исирикчи, гадой, қаландар каби паст ҳунарлар билан шуғулланишга мажбур. Ўқимаган бойларда мурувват, ҳиммат, инсоф йўқ. Улар кишининг дилига озор етказишадигина эмас, илмсизлик туфайли мол-мулки ва ҳаётини ҳам барбод қиладилар. Аксинча, ўқиган одамлар озода кийиниб юришади. Улар мударрис, мирзо, муаллим, савдогор сифатида иззат-хурмат топишади. Бир қадар ғайратсизроқлари ҳам масжидларда сўфи ё имом бўла олади. Муҳими, улар доимо ширин сўз, гўзал хулқли, мурувватли, ҳимматли кишилардир.

Олимжон ўз атрофидаги одамлар, хусусан жадид муаллим ва ота-онасини қиёслар экан, ибратли ҳаётини хулосалар чиқаради. У ўқиб-ўрганиб “*олим ва мулла*” шунингдек. “*бой киши*” бўлишни мақсад қилади. Бу ишга чин ихлос ва эътиқод билан киришиб сезиларли натижаларга эришади.

Инсон тарбиясининг ҳар жиҳатдан мукамал бўлмоғини истаган Ҳамза миллат болаларини маърифатли қилиш орзусидаги зиёлий эди. Унинг маърифатпарварлик қарашлари Исмоилбек Гаспирли, Маҳмудхўжа Бехбудий, Саидрасул Азизий, Абдулла Авлоний ахлоқий-маърифий қарашларига яқин туради. Ўз илдизлари билан халқ оғзаки ижодининг ҳикоят, ривоят, масал жанрларидан озиқланади. Рабғузийнинг «*Қиссаси Рабғузий*», Юсуф Хос Хожибнинг «*Қутадғу билиғ*», Аҳмад Югнакийнинг «*Ҳибат ул - ҳақойиқ*», Навоийнинг «*Ҳайрат ул-аброр*», Саъдийнинг «*Гулистон*», «*Бўстон*», Пошшоҳўжанин «*Гулзор*» асарларидаги маърифий- дидактик фикрларга туташади. Шунингдек, муайян жиҳатлари билан ҳиндларнинг «*Калила ва Димна*»си ҳамда Кайковуснинг «*Қобуснома*»сини эсга солади. Айниқса, миллат-парварлик ва ватанпарварлик туйғуси балқиб турганлиги жиҳатидан миллий истиқлол армони билан яшаган жадидлар дунёқарашига тўла мос келади.

Зеро, Ҳамза ҳам маърифат - жамиятни маънавий поклайдиган қудратли куч деб билган эди. Унинг қарашлари мутлақо шарқонадир. Олимжон тафаккурининг ўзгариши кишилардан ибрат олиш асосига қурилган. Адиб ўз таълимий қарашларини бадиий либосга ўрашга, жамиятни адабий қаҳрамон нигоҳи билан қузатишга уринади. Олимжоннинг динамик ўсишини ўйловчи ва фикрловчи инсон тақомили тарзида ифода этади. Бу жиҳатдан у шўро даври адабиётининг меҳнат қишиси образидан анча фарқланади. Романда Олимжоннинг ҳаёт ҳақидаги мантиғи дастлаб бир қадар содда ва жўн тарзда тасвирланади. У бахтли ҳаётни ўқиш-ўрганиш орқасидан келувчи фаровонлик тарзидагина тушунади, ёмон хислатларни қоралаш билан кифояланади.

Ҳамза эстетик қарашларига кўра ҳам келгуси авлоднинг истиқболи янги мактабдан таралаётган эзгулик нурларидан баҳрамандлик даражасига бевосита боғлиқ. Қобилият тарбия воситасида шакллантирилади, - деган тезисга асосланган Ҳамза инсон тафаккурини ўстириш тарафдори сифатида кўринади. Роман қаҳрамони Олимжон руҳан ва фикран туйғун бўла борган сари ўзига ва ўзгаларга берган баҳоларида холислик, ҳаққонийлик, аниқлик даражаси ҳам ортиб боради. Ақл-идроқи ва муҳаббат-эътиқоди теранлашаётган Олимжонни улуғлаган Ҳамза аслида тафаккур ва нозик туйғулар соҳиби бўлган инсонни шарафлайди. Мукаррам зот бўлган инсоннинг Ватанга муҳаббати ҳам юксак бўлмоғи лозим деб билади. Миллат руҳидаги ўзгаришларни улкан бир меҳр билан тасвирлайди. Жаҳолатни тараққиётнинг душмани деб билган адиб маориф, фан ва маданият орқали бундай иллатдан буткул қутилиш мумкинлиги ғоясини илғари суради. Миллат тақдирига қайғуриш пировардида Ҳамзанинг ўз халқини маърифатли, маданий тараққиётда кўриш армони билан туташдир. Бу олий тилакка етмоқ учун элимизнинг ҳар бир фуқароси табиатидаги қусурлардан халос бўлиб, ўзини покламоғи керак,- деб билаган адибнинг романдаги қарашларини синфийлик асосида тушунтиришга бўлган уринишлар мутлақо асоссиз эди.

Шубҳасиз, «*Янги саодат*»да ахлоқий-таълимий масалаларни маърифий-дидактик тарзда баён этишдек маърифатпарварлик адабиётига хос хусусиятлар сақланган. Бироқ Ҳамза образларни имкон қадар реаллаштиришга, тасвир жараёнида қаҳрамон руҳиятига алоҳида эътибор беришга ҳаракат қилган. Қаҳрамонлар ҳаётини бутун мураккаблиги билан кенг кўламда ифода этган.

Романга хос муҳим белгилар: (оддий инсоннинг маиший ҳаётини тасвирлаш орқали ижтимоий ҳаёт ҳақидаги ўз эстетик идеалини ифодалаш, конкрет ҳаёт ва кундалик турмуш воқеаларига яқинлашиш, кенг эпикликни мумтоз адабиётга хос субъектив-лирик ҳарорат билан омухталаштириш, инсон қалбининг товланишларини бутун нозикликлари билан жилвалантиришга уриниш, шахс тақдири орқали давр характерини кўрсатиш маҳорати) ни биринчилардан бўлиб тўғри англаган ва амалда муваффақиятли қўллаган эди.

Ғайрат ва шижоат билан ўқиб устозлари таҳсинига сазавор бўлган Олимжоннинг бу лутф-марҳаматдан беҳад шодланганию имтиҳон мажлисига оталарни таклиф қилиб, Абдуқаҳҳор номига берилган «Даъватнома» кўлига теккандан кейинги «юраги титраб, бағри эзилиб» руҳсиз ва маъюсланиб қолган ҳоллари романда ғоятда гўзал тасвирланади. Ҳамза унинг вайрон бўлган ҳасратли дилига қулоқ тутар экан, «Даъватнома» залворини англаган қаҳрамон учун бу «Таънанома» мақомини касб этгани хусусида тўхталиб: «...ўқувдан умиди кесилуб, ғариблик болушига ёстанган Олимжоннинг бекаслик била кируб, етимлик била чиқуб турган совуқ нафаслари» ни-да китобхонга ҳис қилдиришга уринади.

Шаҳарнинг боён ва уламо, куззотларидан тортиб фуқоросигача йиғилган беш-олти юзлик миллат мажлисида имтиҳон топширган Олимжон ўзининг ҳулқ-одоби, билимдонлиги билан бутун издиҳомни мафтун этади. Элнинг таҳсин ва раҳматига сазавор бўлиб, инъомлар олади. Унинг нуқссиз имтиҳон бериши кишиларнинг устоздан мамнун бўлишларига, унинг халқ орасидаги обрў ва эътибори ошишига ҳам сабаб бўлади. Баланд фаросатли, нозик руҳли, илми бақувват Олимжон сал фурсатда муаллимнинг яқин кўмакчисига айланади. Маслак ва матонатини маҳкам тутган қаҳрамон ҳар бир амалини ақл тарозусида ўлчаб қиладиган, бидъат ва хурофотдан асранувчи, қадриятларга эҳтиром билан қаровчи, сўзида собит зиёлига айланади. Ундаги ғайрат ва жасоратни анчадан бери синчковлик билан кузатиб юрган савдогар Абдулрахмонбой ўзига мирзо ва ўғил қилмоқчилигини билдирганида Олимжон онаси Марям ва маънавий падари муаллимнинг ризолигидан кейингина таклифни қабул қилади. Абдулрахмонбой ўқимишли, ҳалол ва тўғри йигит бўлиб ўсган Олимжон орқали ўзининг савдо-тижорат ишларини ривожлантиради. Олимжонга

бўлган муҳаббати ва садоқати, унинг тадбиркорлигига ишончи туфайли ўзининг барча ишларини юргизишни мамнуният билан топширади.

Олимжон тижорат билан шуғилланар экан, вақтли матбуотни ҳам кузатиб боради, Ҳамза романда бундай нашрлар ҳақида тўхталар экан: «...газета, жўрнал, рўмон, адабиёт каби олами инсониятдаги миллият, маданият, ҳаёт, саодат била таништирадургон матбуот», - деб баҳо беради.

Дарҳақиқат, Олимжон Туркистон мусулмонлари мутараққий давлатлардан нисбатан орқада қолишларига сабаб бўлган иллатлар ҳақида фикрлайдиган жадид бўла боради. У хотин-қизларни замонавий илмлар руҳида тарбиялаш, уларни ҳам янги усул мактабларига жалб қилиш кераклигини англаб етади. Хотин-қизларга мўлжалланган эски услубдаги мактабга қатнаётган синглисини истиқболда отин библилик ёки ромчилик, парихонлик сингари хунарлар кутаётганидан қаноат ҳосил қилмайди. Ҳадичани мактабдан олиб қолиб, бўш вақт ажратиб ўзи таълим беради. Янгича фикр-қарашлар, миллий руҳ борасида ўз билганларини муфассал ўргатади. Ҳамза ўлкада хотин-қизлар учун мўлжалланган махсус жадид мактаблари бўлмаган бир шароитда Олимжон каби маърифатли кишилар оила шароитида ҳам ўз қарамоғидаги аёл-қизларни ўқитиб тарбияламоқлари миллат истиқболи учун муҳим аҳамиятга моликдир, деган ғояни илгари суради.

«Янги саодат» асарида Ҳамза алоҳида меҳр билан тасвирлаган, таъбир жоиз бўлса ўз эстетик идеалини тўла сингдирган қахрамонлардан бири жадид муаллимдир. Ҳамза уни китобхонга ҳар жиҳатдан ибрат қилиб кўрсатишга интилади. Дарҳақиқат, муаллим ўз замонасининг етук билимдони. Унда миллат болаларига ўз билимларини етказиш иштиёқи кучли. Муаллим инсон сифатида ҳам етимпарвар ва саҳоватпеша киши. Унинг ғариб ва мискин Олимжон каби элнинг иқтидорли фарзандларини илм-маърифатга даъват этиши шундан. Жадид муаллимга бир кўришдаёқ Олимжондаги гўзал хислатлар маъқул бўлади. Чунки синчков нигоҳи билан ўспириннинг зоҳиридаги фақирликни ҳам, ботинидаги улуғликни ҳам дарҳол илғайди. Кўпчилик олдида болакай хижолат чекмасин учун, дарс машғулотларидан кейин хужрасига чақириб унинг ҳол-аҳволи билан мукамалроқ танишади. Шафқат ва марҳамат кўрсатиш билан Олимжон қалбига

йўл топади. Бундай илтифот шубҳасиз Олимжонни беҳад шодлантиради. Бир умр устозга ва мактабга ҳавасини орттиради.

Устоз янги шогирдидаги ўқиш-ёзишга бўлган ҳавас ва иштиёқнинг баландлигига завқи келиб сабр-бардош билан таҳсил беради. Ундаги ғайрат ва ҳаракатчанликни зинҳор сўндирмасликка астойдил тиришади. Ҳамза уни заминдан узиб буткул романтик пафосга ўраб бериш ниятидан йироқ. Муаллим оёғи ердан узилмаган тирик одам сифатида ифода этилади. Чунончи, у шикаста дил, фақир Олимжон каби талабаларга етимлик аламларини унуттириб самимий меҳрибонлик кўрсатади. Шунинг баробарида мазкур шафқатга зид тарзда муаллим отаси Абдуқаҳҳор номига «*Даъватнома*» бериб ўспириннинг нозик қалбига озор етказиб қўйиши мумкинлигини хаёлига келтирмайди. Вазият мантиғи бўйича бундан хабар топганида эса қаттиқ афсусланади. Бироқ саҳван қилинган ҳаракат туфайли келиб чиққан ҳолат-вазиятни ўнглаш зарур эди. Акс ҳолда озорланган шогирднинг ўзига бўлган ишончидан маҳрум қоларди. Муаллим тадбиркорлик билан иш тутиб, Олимжоннинг хонадонига ташриф буюради. Ширин лутф ва лазиз марҳамат билан унинг қалбини ғам-ғуссалардан фориғ қила олади.

Жадид муаллим ҳамиша ва ҳар қандай вазиятда ҳам иқтидорли шогирдининг муваффақиятларидан астойдил суюнади. Олимжонни ўзига ёрдамчи қилиб олади. Унинг кейинги тақдирига ҳам ўта жиддий масъулият билан ёндошади. Чин маъноси-ла Олимжонни барча шогирдларидан ортиқроқ кўради ва ўғил мақомида муносабатда бўлади. Унинг ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишига астойдил ёрдам беради. Олимжоннинг ҳам жадид муаллимни «*маънавий ота*» санаши бежиз бўлмай, ана шу инсоний меҳр-мурувват, устозларча бағрикенглик уруғларидан унган самимий туйғулар экани шубҳасиз. Роман қаҳрамонларини инсоний муносабатлардаги инжа туйғулар самимиятига йўғириб тасвирлаш романда Ҳамза услубининг ўзига хос жиҳати сифатида намоён бўлади.

Абдурахмонбой ҳам Олимжоннинг садоқат ва матонати, ахлоқий поклиги ва қалбий гўзаллиги, инсоний ғайрат ва жасоратини, амалда кўргач, ёлғизгина қизи Назокатхонимни унга бериб, чин ўғил қилиб олмоқни тилайди. Аслида очиқ юз, ширин сўз Олимжонда қизнинг ҳам кўнгли бор эди. Шу боис бойнинг аёли Шамсибиби ҳам бу ишга монелик қилмайди. Хадича Назокатнинг

акасига ишқи тушганини билар, бу сирдан Марям ҳам огоҳ эди. Шунинг учун она уйланиш борасида ихтиёрни ўғлига беради. Олимжон устози билан бамаслаҳат яқинда хабарини олган отасини топиб келиш учун бир hafta муҳлат сўраб, Қўқондан Тошкентга жўнайди. Отаси уйдан кетганидан ўн икки йил ўтгач, ўн саккиз яшар Олимжон хат мазмуни бўйича Тошкент бозоридан сўраб-суруштириб отасини топади. Олиб келган янги либосларини Абдуқаҳҳорга кийдириб, уни Қўқонга қайтаради. Отасига янги дўкон очиб беради. Олимжоннинг тўйи икки оиланинг ҳамжиҳатлиги остида ўтади. Шу орада Олимжон ота-оналари ва қаттиқ бетоб бўлиб қолган қайинотаси билан маслаҳатлашиб, мактабдош дўсти Аҳмаджонга сингисини никоҳлаб беради. Натижада *бир жиҳатдан* ишбилармон ва садоқатли дўст, *иккинчидан*, савдо-тижорат юмушларига кўмақдош, *учинчидан*, оқил ва доно куёв муаммолари ҳал бўлади. Узоқ ўтмай, Абдурахмонбой мол-давлатини буткул Олимжонга қолдириб, оламдан ўтади.

Ҳамза роман қаҳрамонларининг бундай тўкин ҳаётга етишувлари илм-маърифат туфайли эканлигини нечоғлик таъкидламасин, асар ниҳоясида воқеа-ҳодисалар ривожидида ҳеч қандай зиддиятнинг кўринмаслиги туфайли романда ғоявий-бадиий заифлик, юзакилик, бир қадар сунъийлик юзага келган. Муаллиф баёни орқалигина ривожланувчи сюжетда характер ва воқеалар ўртасидаги муносабат тўла ифодаланмаган ўринларда, ҳодисалар тасвири таъсирчанликдан йироқлашади ҳамда ахборат тусини олади. Мазкур ахборотларда эса муаллифнинг характерларга бўлган кучли симпатияси ошқора кўриниб туради.

«*Учрашув*» романи 1916 йилда ёзилган бўлиб, асар қўлёзмасининг тўла нусхаси ҳозиргача топилган эмас. Бизгача романнинг биринчи қисми етиб келган бўлиб, унинг қўлёзмаси Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 7628/ХII инвентарь рақами билан сақланмоқда. Айрим манбаларда ушбу асар «*Тўрт ишқ*» номи билан тилга олинади.¹⁵ «*Учрашув*» романи композициясининг таркибий қисми сифатида пейзаж муҳим функция бажариб келади. Табиат тасвирлари *биринчидан*, Юсуф қалбини очиш, руҳий ҳолатини ифодалашда ўзига хос фон вазифасини бажарса, *иккинчидан*, параллелизм ҳосил қилади, *учинчидан* эса контраст тасвир

¹⁵ «Учрашув» романи Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Тўла асарлар тўлаими. Беш томликнинг иккинчи томида зълон қилинган. Т., 1988, Б: 434 – 448. (Иккибослар шу нашрдан олинди. И.Е.)

яратишга хизмат қилади. Романда пейзаж тасвирлари персонаж кайфият-интилишларига мос ҳолда берилиб, нозик лирик туйғу уйғотади.

Роман эрта баҳор тасвирига хос рангинлик ва оҳанглар қоришиқлиги билан бошланади. Чунки муаллиф дардли ошиқлар тақдири билан боғлиқ табиий воқеликни гоҳ мамнуният, гоҳ нолакор мунг, гоҳ шукрона, гоҳида эса афсус ва ҳасратли оҳангларда ифода этишни кўзлайди. Ҳамза китобхонни энди ниш урган яшил ўланларнинг турфа жилolari, ёмғирдан кейин ғуборлардан тозаланган барглларнинг ҳолсиз шаббода кучига базўр бардош бериб товланишлари, сувларнинг сузилиб жилдираши, нозик ва хушранг баҳор чечаклари ғунчаларининг марҳаматона табассум баробарида андак хўмрайиб туришлари, шохдан-шоҳга сакраётган кушлар чуғурига хос ҳасрат, мамнуният, шукрона каби оҳанглар тасвири билан таништиради. Роман қаҳрамони – мадраса талабаси Юсуф ақлнинг эмас, балки дилда пинҳон туйғуларнинг етовида. Шунинг учун ҳам тарқоқ фикр-хаёлларини йиғолмай қийналади. Кўнгил чигалини ёзмок тилагида уйига эмас, боққа ташриф буюради. Қалби сокин гўшаларни кўмсаган қаҳрамоннинг кушлар чуғурига қулоқ тутиб, гулларга суқ билан боқиши, ғунчалар ифорини ҳидлаб, уларни авайлаши билан танишган китобхонга унинг кўнглида яширин назокат, майинлик, ошиқона талпинишлар бир қадар ойдинлашгандай бўлади.

Ҳамза романда образ яратишнинг муҳим шартларидан бири бўлган портрет тасвиридан ҳам ўринли фойдаланади. Жумладан, Юсуф зоҳиран китобини варақлаб, ўқишга тутинган ёхуд ариқ сувидан қўлини ювиб, ўт-ўланлар устига сув сепиб ўйнаётган бўлса-да, у ҳамон ўй-хаёллар гирдобиди. Шу боис ҳам яшнаб турган гулга кўнган булбул гулнинг марҳаматсизлигидан чеккан ҳасратли нолалар қаҳрамонни адоқсиз ўйлар гирдобига ташлайди. Натижада, у моддий дунёни деярлик унутиб, ҳаёлот олами билан ёлғиз қолади. Шу ўринда Ҳамза Юсуф билан боғлиқ воқеа-ҳолатлар ифодасини бир нафасга тўхтатиб, Шириннинг портрет тасвирига ўтади. Эндигина ўн олти ёшга қадам қўйган Ширин ўзига пардоз-андоз берган ораста қиз. Оху кўзли, ой юзли, қалам қошли бу гўзал ҳаммактаби Рокия хоним билан дардлашмок, суюкли ёрга талпинган кўнгил ҳасратларини тўкиб, бир оз юпанмок умидида йўлга чиққан.

Демакки, Ширинни ҳам тунлари уйкусини ўғирлаган хаёлидаги ишқ ҳаваси етаклайди. Бир-бирига талпинган икки дилда пинҳон ишқ шеваси шу тариқа ошкор бўла бошлайди. Образлар тасвирида адиб ташқи қиёфага хос айрим штрихлар, ҳатти-ҳаракатлар билан боғлиқ муҳим деталларгагина эътибор қаратади ва батафсил-ликдан тийилади. Ошиқ-маъшуқларнинг ташқи қиёфаси, ўзини тутишлари орқали адиб ҳижронда ўртанган кўнгилларнинг нафақат ташқи қиёфаларини, балки психологик портретини ҳам чизишга уринади.

Ёзувчи инсоний характерларни бир-бирига қарама-қарши кўйиб тасвирлаш йўлидан боради. Бундай контрастлик биринчи навбатда Юсуф ва Шириннинг ахлоқий гўзал ва ўқимишли ёшлар эканлиги, Аброрнинг эса хат танимайдиган, ахлоқан тубан, фасод ҳаёлларга ошно, раҳм-шафқатсиз кимса яъни мақташга лойиқ жамики руҳий жилолардан буткул бегона тарзда тасвирланишида кўзга ташланади. Аброр оилалик бўлишига қарамасдан, Шириннинг ғойибона таъриф-тавсифини эшитгач, унга эришмоқ чорасини излаб қийналади. Унинг учун энг улкан тўсиқ Ширин эл орасида катта нуфузга эга бўлган, ақли ва давлатманд Розикбойнинг сеvimли қизи эканлиги. Чунки Аброрнинг отаси ҳам Розикбойнинг ҳимоясида. Бинобарин, зарнинг ва зўрнинг кучидан фойдаланиб уни қўлга киритмоқ душвор.

Аброр аёл жинсида бир нафаслик лаззатнигина кўради. Иттифоқо ўз ҳаёллари гирдобиде ёлғиз кетиб бораётган Ширинни овлоқда учратиб қолганида рафиқасининг жавобини бериб, Ширинга уйланиш ҳақидаги ёлғон ваъдалар билан уни аврашга уринади. Андишали, зийрак ва оқила қизнинг қалтис вазиятдан қувлик билан чиқиб кетиши мумкинлигини англагач эса, дарҳол ваҳшиёна хирс билан айиқдай гавдасини қизнинг кучоғига отади. Оний бир лаҳзага бўлса-да, ўзини бегона эркакнинг бағрида кўрган ва илк бўса таъмини тотган Ширин юраги дупурлаб, нозик танасида титроқ уйғонади. Кўзлари тиниб, боши айланиб, оёқлари қалтирай бошлайди. У ҳатто борар ерини ҳам унутиб, бемақсад юра бошлайди. Натижада, Шириннинг йўли ўзи тиламагани ҳолда юқорида Юсуф тасвирланган боғдан ўтади. Ҳамза ногаҳоний сайёд уйғотган бундай юрак талпинишлари, ошиқув-тошиқувдан ўзини боса олмай қолиш ҳолатлари, яъни кўнгил ва вужудда бўй кўрсатган табиий инстинктив ҳатти-ҳаракатлар ҳамда туйғулар

оқимини манзаралантиради. Шу орқали Ширин ва Юсуф учрашувларининг табиийлигини ҳам таъминлайди.

Хануз ўзига келолмаган Ширин Юсуфни илк бора учратган лаҳзада уни Аброрнинг шериги бўлса керак, - деб гумон қилади. Аммо оёқлари пойида қоғозлари сочилган маҳзунона, таҳайюрона ҳолда паришон ўтирган Юсуфнинг ўзи сингари севгилиси хаёлига мафтун, унга етишмоқ чорасини тополмай ҳайрон, фикр денгизига ғарқ эканлигини англайди. Чунки Юсуф ҳатто орқасида турган қизни сезмагани сингари, унга заррача илтифот ҳам кўрсатмайди. Бу ҳолга қизиқиб қолган қиз йигитнинг асроридан воқиф бўлмоқ, унинг юзини кўрмоқ, ўзини кўрсатмоқ тилагида Юсуфга яқинлашади. Аммо йигит оёқ товушларини илғамагани сингари, қизнинг дарахт новдаларини силкитгани ва ҳатто олдида ётган қоғозлардан бирини олганини-да пайқамайди. Юсуф ғамгинлиги ва ҳайронлигининг сабаби ана шу қоғозга битилмиш мактуб детали мазмунидан англашилади.

Мурожат прёмидан унумли фойдаланилган мактуб шундай бошланади: *“Салом, эй дилим гулзорининг энг суюқ манзарали еринда кўкармиш лоласи, юрагимнинг муҳаббат фалакидан ёқти веран қуёш шугъласи, жонимдин азизим, шакардан лазизим, муборак исминени айтдим, хотиринг малол ўлмасун! Жоним Шириним, сани бир кун бир пучмоқда ойдек юзингни кўрув била мутлақ ақлдан, хушдан, сабру оромдан бегона бўлдум, асир бўлдум”*. Охирига: *“Бечора ғарибинг Юсуф”*, - деб имзо қўйилган мактубнинг мазмунидан маълум бўлишича, Юсуф Ширинни бир пучмоқда тасодифан кўриб қолиб ақл-хушидан, сабр-бардошидан бегона бўлган экан. Ойу йиллар ўтган сари йигитнинг ишқи кучайиб, бир нафас ҳам Шириннинг дарду ғамидан айро тушмабди. Ҳатто дарсда эканлигида ҳам сабоғини унутиб, унинг фикру хаёли билан машғул эмиш. У ўзини Ширинга нолойиқ санаса-да, тақдири азалнинг бу янглиғ битиги – ишқ савдоси олдида иложсиз. Аммо тангрининг марҳамати ила ўз ҳолининг маъшуқасига маълум бўлмоғи ва Ширин қалбига раҳм-шафқат уруғини эсмоғидан умидвор.

Юсуфнинг қалбида жасорат уйғотиб, *“адабсизлик”* сари етаклаган яъни қўлига қалам тутқазган куч айнан анашу умидворлик ва қизнинг хусну жамоли, ақлу фаросати, матонатига беҳад ишонч туйғусидир. Агар маъшуқа раҳм этмаса ишқ фироқи уни ўлимга маҳқум этажак. Ошиқлик шиддати акс этган мактубнинг ҳарорати сўзлари Ширин қалбига таъсир қилишигина армонларнинг

ушалмоғига боис бўлиши мумкин. Бордию ёр жамолини кўрсатишни тиламаса ёхуд жавоб мактуби битмоқликни истамаса, ақалли бир парча оқ қоғозга қора суртиб жўнатса ҳам майли. Ошиқ уни кўзларига тўтиё айлаб, беармон жон таслим қилмоғи мумкин. Танишганимиздай, ушбу мактуб мумтоз адабиёт анъана ва услубида битилган. Унинг мазмуни эса Шоҳсанамнинг Ғарибга, Мажнуннинг Лайлига мактуби типидagi жанрнинг классик намуналарини эслатади. Адиб реалистик роман бағрига эпистоляр поэзия жанрини имкон қадар “ҳазм” қилдиришга уринади. Ошиқнинг маъшуқага мурожаати орқали эса унинг эътиқоди, покиза ҳис-туйғулари, орзу-армонлари, кечинма-изтиробларини таъсирчан баён этишга, Юсуфнинг инсоний сифатларини кенгрок очишга эришади. Адабий анъаналар руҳидан озик олган ёзувчи мавзуга ўзига хос тарзда ёндошади. Кутилмаган мактубдаги ошиқона дил изҳорларига хос мунг Ширин кўнглини бутунлай ўзгартириб юборади. Буни баён этар экан адиб: “... аввалги руҳи энди хизматини битируб кетди. Бу жасадга бошқа руҳ, бошқа туйғулар кируб ўрнашди, онча мунча қолган сабру тоқат босувларда бус-бутун битди. Кўзи атрофида ишқ чақмоқлари чочрий бошлади. Юрогин тутувга қудрат қолмади”,-деб ёзади.

Ёзувчи Юсуфни Шириннинг назари билан кўради ва: “...ортуқ хуснли, ахлоқли, қошлари туташган, мийиқлари-да тим қоралаб, ўсуброқ учлари қойулгон, оқи оқ, қизили қизил, нуқссизина бир йигит эди”,-дея таърифлайди. Бинобарин, ҳам ташқи, ҳам ички гўзаллик соҳиби бўлган Юсуф Шириннинг идеалидаги латофатли йигит. Юсуфнинг руҳсизлиги, қалбини ваҳм ва кўрқув босганидан, Ширинга ёзган мактубини қандай етказишни билмаслигидан туғилган. Маъшуқасини учратиш умидлари умидсизлик билан алмашина бошлаган кунларда киз ногаҳоний тарзда унинг қаршисидан чиқиб, муҳаббат ва шафқат назари билан термулишини Юсуф дафъатан идрок этолмайди. Чунки Юсуф неча бор маҳбубаси билан хаёлан учрашиб, ўзини унинг кучоғига отар, фурсат ўтиб тасаввурдаги рўёга алданганини англар эди. Бу одатини тарк этмоқ ниятида у саробдан асранишга уринарди. Айни дамда ҳаёл ва реалликни ажратолмай қолган Юсуф қаттиқ зўр бериб паришон хотирасини йиға олади. Шундан кейингина рўпарасидаги Ширинни сезади. Ногаҳоний бахтдан сармаст ошиқ ўз маъшуқасининг оёғига бош уриб, ҳушидан кетади. Ширин ҳам илтифотсиз ошиқнинг ҳаракатларидан туғилган ҳайронлик ҳолатидан қутулиб, Юсуфнинг

мискин бошини кўксига кўйиб турфа меҳрибонликлар кўргузади. Юсуф ҳушига келганида эса Ширинни севиб эркалайди, оёқларини ўпиб йиғлайди.

Аброр амакисининг қизи – рафиқаси Солиҳадан қутилмоқ ҳаракатига тушади. Аммо Солиҳа на қариндошчилик ришталарини узишни, на умид билан бир ёстикқа бош кўйган севикли ҳамдамидан ажралишни, на қизчаси Жамилахонни етим қолдирмоқни истайди. Ўқимишли келин сифатида турмушнинг аччиқ-чучугига чидашга, имкон қадар хушмуомала бўлишга уринади. У аёллик қалби билан эрининг аллакимгадир кўнгили берганини сезса ҳам унга кечиримлилик назари билан қарайди. Бундан ғазабланган Аброр ҳатто хотинини ва қизимни ўлдирсаммикин,-деган хаёлларгача боради. Ширинга хат ёзиб киритиш имконини тополмаган онларида ўзининг саводсизлигидан афсусланади. Аммо бу ўткинчи ҳол Аброрнинг ғайратсиз ва ялқовлиги туфайли тезда унутилади. Ахийри у мусофир ва қашшоқ муллаваччалардан бирига хат ёздириб, Ширинга киритмоқ режасини тузади.

Хаёлини ўғирлаган маъшуқа дардида кундузи тинчи, кечаси оромини йўқотган Юсуф сўнгсиз ўй-хаёллар гирдобиди ўртанади. Зотан, жоҳил кимсалардан ҳам, олисдаги қариндошларидан ҳам нажот умиди йўқ. Иштаҳаси бўғилган ошиқ, кун сайин сомондек сарғайиб боради. Унинг ҳужрани йиғиштирмоқ, супуриб-сидирмоққа ҳам ҳафсаласи йўқ. Ноилож сабоғига бориб келиб нуқул хаёл уммонига ғарқ бўлади, руҳсиз дилига малҳам тополмай ўртанади. Юсуф оғир қайғуга ботган, умидсизланган вазият-ҳолатда қолса-да, боб-бот Ширин билан илк учрашган боғда маъшуқасининг изларини ўпиб йиғлайди.

Юсуфнинг онаси – Салима эрига итоаткор ва меҳр-муҳаббатлик рафиқа. У оқила, собира ва жамила аёл сифатида оилани тадбиркорлик билан бошқарган. Эри савдо ишлари билан йиллаб кетганида ҳам ширин турмушига шукрона билан ифбат ва номусини ардоқлаб яшаган. Кўринадики, Ҳамза аёлнинг иффати, номуси, ғайрат-шижоати масаласида етти ўлчаб бир кесувчи, андишали, меҳнаткаш ва меҳрибон Салимани ибрат қилиб кўрсатиш йўлидан боради. Аксинча, ўғай онаси Сорани эса унинг акси сифатида тасвирлайди. У нафс етовидидаги банда, мараз одатларга мубтало аёллар сирасидан.

Демак, ёшлигида онаси ўлиб, бемеҳр ўғай она тарбиясида қалби ўқиб улғайган Юсуф ва унинг ёлғиз синглиси Ҳалима табиатидаги

мулойимлик, чиройли хулқ-атвор мархум онаизор тарбиясининг самараси. Бинобарин, Юсуфнинг бешафқат ва қизғонч ўғай она билан маъшуқаси Ширин хусусида маслаҳатлашмоғи буткул бефойда. Отасига билдирмоқ андишасидан ҳам бирор умид кутмоқ душвор. Ёлғиз сирдоши бўлган синглиси эса олис шаҳарда. Ақл-фаросатли, боадаб ошнаси Саидхондангина умид қилиш, маслаҳат олиш мумкин. Маслакдош дўстига ихлоси кучли бўлган Юсуф Саидхон ва синглиси Ҳалимахоннинг ўзаро аҳдлашишганидан беҳабар. Романнинг Аброр типигаги қаҳрамонларидан бири Ҳайдарбой бўлиб, унинг бир вақтлар Ҳалимахонга тегажоклик қилишга уринган шахс эканлиги аён бўлади. Ҳалимахон матонатли қиз сифатида Саидхон хужрасига ясан-тусан қилиб келади. Бу мағрур қиз Ҳайдарбойни назар-писанд қилмайди. Севгилисидан йўлига нигорон Саидхон эса Ҳалимахонни беҳад шодлик билан қаршилайди. Унинг юзидаги кўрқув, кўзидаги ёш асарини кўриб, самимий муносабатда бўлади.

Романда инсоний меҳр-шафқат, дўстлик, муҳаббат, ҳижрон, самимият туйғулари улуғланади. Ўқимишли йигитлар Юсуф, Саидхон ва оқила қизлар Ширин, Ҳалимахон тимсоллари илиқ меҳр билан тасвирланади. Уларнинг фазилатлари Салима каби маърифатли, меҳнаткаш ва мушфик аёлларнинг тарбияси туфайли эканлиги таъкидланади. Айни пайтда мазкур қаҳрамонларнинг зидди бўлган Аброр, Ҳайдарбой ва Сора образлари ҳам кенгрок ифода этилади. Руҳият манзаралари анча теран чизилган романда ҳам муаллиф ўзининг қаҳрамонларга бўлган муносабатини яширмайди. Ёқлаётган томонининг бахт-саодатга эришувини нозик кўнгил кишилари эканлиги, фикран ва руҳан соғломлиги билан боғлайди. Аксинча, бахт-саодатга тўсиқ бўлаётган эски турмуш ва жаҳолат исканжасидаги кимсаларни танкид остига олади. Чамаси романга «Учрашув» деб ном танланишини ҳам Ҳамзанинг роман жанрига худди педагогик рисола каби реал ҳаётда тезда амалий аҳамият касб этиши нуқтан назаридан ёндошиши билан боғлаш зарурга ўхшайди.

Шубҳасиз, романда икки жинсга мансуб турли хил тоифа ва характер сифатларига эга бўлган қаҳрамонларнинг учрашув сахналари ифодаланган. Аммо муаллиф бундан-да кенгрок ва теранроқ маънода бадиий асар воситасида китобхонни ҳаёт ҳақиқати билан учраштиришни кўзлаган. Шу маънода Ҳамза ижодий кредоси, хусусан, “*Янги саодат*” романи тажрибасидан

келиб чиқиб, асарнинг давомини тахмин қилиш ёхуд умумий салмоғини белгилаш ҳам мумкин. Назаримизда, Саидхон ва Ҳалимаҳонлар ўзаро қовушиши, Ширин эса Саидхоннинг синглиси бўлиб чиқиши мумкин. Ҳалима худди онаси Салима сингари маърифатли, маданиятли ва меҳнаткаш аёл сифатида камол топади. Ўқимишли Солиҳа тадбиркорлик билан эрини йўлга солиши эҳтимоли йўқ эмас. Юсуф ва Саидхонлар ўз замонасининг илғор зиёлилари бўлиб етишиб, маънавий ва иқтисодий тўкин ҳаётга эришадилар.

Кўринадики, “*Учрашув*” асари қанчалик дидактик характерда бўлмасин, унда роман жанрига хос эпиклик хусусиятлари бир қадар кенгроқ намоён бўлади. Бу ҳол асар сюжетининг “*Янги саодат*”га нисбатан мураккаблаша бориши, персонажлар сонининг кўпайиб, конфликт ва ёрдамчи конфликтнинг чуқурроқ тус олиши, образларнинг индивидуаллаштирилиши, пейзаж ва портрет тасвирларидан баракали фойдаланиш сингари ҳолатларда кузатилади. Хусусан, пейзаж тасвири персонажлар қалбини очиш, руҳий ҳолатини ифодалашда ўзига хос фон вазифасини бажарадигина эмас, балки параллелизм ҳосил қилиб, контраст тасвир яратиш, нозик лирик туйғу уйғотишга хизмат қилдирилади. Муаллиф роман ритмида оҳанглар қоришиқлигини таъминлайди.

Адиб қаҳрамонлар портрети тасвирида ташқи қиёфага хос айрим штрихлар, ҳатти-ҳаракатлар билан боғлиқ муҳим деталларгагина эътибор қаратиш орқали батафсилликдан тийилади. Психологик портретлар чизади ва қаҳрамонларнинг ўй-хаёллар оқимиغا, ўз-ўзини таҳлил этишига диққат қаратади. Воқеа-ҳолатлар ифодасини бир нафасга тўхтатиб туриш ҳамда контраст тасвир яратиш усулларини қўллайди. Реалистик романга эпистоляр поэзиянинг мактуб жанрини “ҳазм” қилдира олади. Персонажлар кўнгил ва вужудида бўй кўрсатган табиий инстинктив ҳатти-ҳаракатлар ҳамда туйғулар оқими ва маҳзунона, таҳайюрона ҳолат-кечинмаларни манзаралантиради.

Ҳамза “роман”лари ХХ аср ўзбек адабиётида мазкур жанрнинг туғилиши, ҳамда жанрларнинг ажрალიши, бадий нутқнинг тасвир ва ифодага йўналтирилишни бошлаб берди. Уларда реал ҳаёт воқелиги инсон орзу-умид ва интилишлари мисолида кўрсатилди. Қолоқлик ва жаҳолатдан қутулиш сабаблари кўрсатилди. Бадий нутқ шаклининг кўповозилик типига ўтила бошланди. Яъни муаллиф, ҳикоячи ва персонаж нутқларининг ўзаро чатишуви юзага

кела бошлади. “Янги саодат” романида воқеа асосан, бош образ атрофида айланади. Конфликт, характер ривож, асар сюжети динамикасининг тараққиёти Олимжон фаолияти билан ҳаракатга келади. Ҳамза воқеаларни ўзаро туташтиришга, баъзан эса уларнинг боришини “*тўхтатиб туриш*”га уринади. Бу эса муаллифнинг йирик бадиий нарға хос имкониятлардан ўз даври китобхони эҳтиёж ва савиясидан келиб чиқиб, имкон қадар фойдаланишга ҳаракат қилганлигини кўрсатади. Шубҳасиз, сюжет чизигининг анча соддалиги, автор баёнига катта ўрин ажратилганлиги, диалог санъатидан етарлича фойдаланилмаганлиги, тил мураккаблиги буткул бартараф қилинмаганлиги сингари айрим камчиликлар муаллифнинг тажрибасизлиги билан боғлиқдир.

“*Учрашув*” (1915–1916) янги давр ўзбек романларининг туғилишида муҳим ўрин тутди. Чунки унда воқеа тасвирининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб туриши (*Роқияхон ҳузури, мадраса, бог, кўча, Саидхон ҳужраси, қаҳрамонлар руҳияти каби*), эпикликнинг кенгайиши, сюжетнинг мураккаблаша бориши, конфликт доирасининг нисбатан чуқурлашиши, персонажлар сонининг ортиши, пейзаж тасвирига ўрин ажратилиши, образларнинг индивидуаллаштирилиши ҳоллари кузатилади. Буларнинг барчаси романда жанр имкониятлари бир қадар кенгрок намоён бўлганлигини кўрсатади. Демак, Ҳамза “*Учрашув*” романи композицион қурилиши, персонажлар портретини яратиш, бадиий тасвирий воситалардан фойдаланиш, услуб равллигини таъминлаш сингари ўринларда романга хос унсурлардан унумли фойдалана олган. Таъкидлаш лозимки, Ҳамза романларини фольклор ва мумтоз ёзма адабиёт аънаналари, маърифатпарварлик адабиёти изланишлари, жадидчилик ҳаракати ҳамда жадид адабиётига хос жиҳатлардан, шунингдек, муаллифнинг педагогик ва дидактик характердаги асарлар ёзиш, публицист ва очеркнавис сифатидаги тажрибаларидан ажратиб тадқиқ қилиш у қадар тўғри бўлмайди.

Абдулла Қодирий (Жулқунбой)нинг “*Жувонбоз*” асари ҳам 1915 йилда ёзилган бўлиб, муаллиф унинг жанрини “*рўмон*” деб белгиланган. Адиб асар воқеалари содир бўлган даврни куёш йили ҳисоби билан: “*ҳамалнинг ўн бешлари*” тарзида белгилайди. Мазкур йил ҳисоби бўйича бир йил ўн икки буржга бўлинган бўлиб, ҳамал буржининг ўн беш мелодий йил ҳисоби бўйича 5 апрелга тўғри келади. Асарнинг илк баҳор кунлари, табиатнинг уйғониш палласи тасвири билан бошланиши бежиз эмас.

Биринчидан, зерикарли фасл бўлган қишдан кейин ҳаволар илиб, баҳор шамоллари кўнгилларда ажиб туйғулар уйғотадиган кунлар ҳатто паррандаю даррандалар ҳам ўз жуфтига талпинадиган даврдир. *Иккинчидан*, “*рўмон*”нинг илк сатрларидаёқ баҳор фасли ўт-ўланларининг хушбўй ифорлари, қушларнинг гўзал нағмалари тасвирланиши “*жаҳолат ва бидъат*” қишидан “*илм-маърифат*” баҳорига ўтиш фурсати етганлигига рамзий ишорадир. Демак, миллат маънавий-руҳий эҳтиёжини теран англаган адиб бадий сўз воситасида ҳасратли дил туғёнларини очади, китобхон фикри ва қалбида журъат, шижоат уйғотмоқликни кўзлайди. Кўринадики, ёзувчи илк ижодидаёқ Туркистоннинг “*энг кир ва қора*” бурчақларига назар ташлаш тамойили пайдо бўлган. “*Тўй*”, “*Аҳволимиз*”, “*Миллатимга бир қарор*”, “*Фикр айлағил*” сингари шеърлари, “*Бахтсиз кув*” фожиасида бўй кўрсатган бу тамойил аста секин насрий асарларига ҳам кўча бошлаган.

Асар қаҳрамони Саъдулланнинг онаси Солиҳа дўппи тикади, эри ва ўғлининг ташвишини чекади. У авома хотинлардан фарқли тарзда, онасидан ўқиш-ёзишни ўрганган, турли йиғинларда халқ қисса ва дostonлари, диний-илоҳий мазмундаги китобларни ўқиб юргани боис “*отун*” номи билан танилган ифбатли, меҳнаткаш ва саводхон аёл. Аммо Абдулла Қодирий унинг маърифатини “*дийдиё китобларни ўқиш*”, -дея таърифлайдики, бу ҳол ёзувчининг замонавий илм-фан ва маорифни ёқлаб, анъанавий китобхонликда ўқиладиган асарлардан қаноатланмаслиги билан изоҳланади.

Оила бошлиғи Рауфбой савдо ишлари билан кетганича, ҳамон дом-дараксиз. Унинг нўғой мактаби талабасига мактуб ёздириб жўнатишидан маълум бўладики, Рауфбой эътиқоди мустаҳкам савдогар, аммо хат-саводсиз одам. Ёшлигидноқ ўз маблағларини иқтисод қилиб кўпайтирган, хотинининг сепини ҳам тижорат ишларига қўшиб, Туркистон шаҳарларида савдо ишларини йўлга қўйган тадбиркор ва ишбилармон киши. У уйда саранжом-саришталик, орасталик бўлишини севадиган талабчан эр. Кексайганида кўрган ёлғиз фарзанди дастлаб мактабда, кейин мадрасада таҳсил олишини истаган бой қалбида ўзининг саводсизлигидан афсусланиш, ўғлининг мулла йигит бўлишидан умидворлик мужассам. У мударрисдан ўғлини койимасликни сўраб экан, фарзандини авайлаши, унинг кўнгли оғришини тиламаслиги, демакки меҳрибон ота эканлиги ҳам аён бўлади. Рауфбой ўғлига банкдаги маблағини олиш ваколатини ҳам берадики, бу ҳол

отанинг Саъдулла ҳатти-ҳаракатларидан беҳабарлиги, нукул мўмай фойда топиш илинжида бўлиб, фарзанд тарбиясини қўлдан чиқарганлигини кўрсатади. Демак, А.Қодирий педагогик концепцияси бўйича, ота-оналар ўз фарзандларини қанчалик ардоқлашмасин, мол-давлатига мағрур бўлиб, тарбия масаласида кўнгилянликка йўл қўймасликлари, боланинг барча ҳатти-ҳаракатларини доимий назорат қилиб боришлари, оила ва мактаб-мадраса таълими ўзаро уйғун бўлмоғи лозим.

Саъдулла йигирма тўртга кирса-да, хануз ақл-хушини йиғиб олмаган йигит. У мадраса таҳсили ва ота-онасини унутиб самовар, улок, такяхона, пивоҳона каби жойларда ўйин-кулгу ва маишатга муккасидан кетган. Тўққиз ёшида мактабга кириб, йигирма ёшида зўрға саводини чиқарган. Тўрт йиллик мадраса таҳсили давомида ҳамон “*Кофия*” – араб тили грамматикасини тузукроқ ўзлаштира олмаган йигит. Саъдулла отаси рўзгорнинг кам-кўстига ишлатиш учун жўнатган пулларни ҳам шу йўлда сарфлаб битиргани етмагандай, янада кўпроқ пул олиш илинжида. Бинобарин, отаси томонидан банкдан пул олиш учун берилган ваколат унинг учун айни муддао эди. Қўлига мўмайгина пул тушган Саъдулла улок, такя, қиморхона, пивоҳона, ресторанларда айш-ишрат билан машғул бўлиб барча пулларини ҳавога сокурадигина эмас, балки уст-бошини ҳам гаровга қўйишга, отасини алдашга, онасидан бекитиб рўзгор анжомларини ўғирлаб сув текинга сотишгача бориб етади. Чапани йигитларнинг “*беодоблик*”ларидан қаттиқ ранжигани боис улардан ўч олишнинг хуфёна режасини тузиб, уч тенгқурининг ҳаётига зомин бўлади ва ўн беш йилга Сибирга сургун қилинади.

Ёзувчи воқеа содир бўлаётган аниқ йил ва шаҳарнинг номини атайлаб сир тутати. Ёшлар ва зиёлиларга таяниб ўлкани ғафлат уйқусидан уйғотмоқ йўлида ғайрат кўрсатиш ниятини кўзлар экан, диндош ва миллатдошларининг аянчли аҳволига ачиниб ёзади: “...*мусулмонлар гайрати билан бир минглаб пивоҳона, беш юзлаб банғихона, бир юзлаб наша, кўкнорихона, эликлаб хуфия қиморхона, ўттузлаб бачалик такя, яна бундин бошқа алланималар, чойхоналар, яна ҳар жума қуни мусулмонлар ўзаро йиғилуб, оқча йиғиб улок чопар эдилар.*” Китобхон кўз ўнгида жаҳолат ва бидъатни воситали тарзда намоён этган адиб мавжуд ҳолга нисбатан пушаймонлик ва орият туйғусини уйғотмоқ, нодонлик зулматини маориф билан нурафшон қилмоқни кўзлайди.

Инсон умрини илм-фан ва хунар ўрганишга сарфлаш орқали тараққиётга ҳамқадам бўлиш лозимлигини уқтиришга уринади.

Демак, мадраса муллаваччалари орасида учрайдиган айрим иллатларнинг бош сабабчиси сифатида ижтимоий ҳаёт ҳодисалари кўрсатилади. Ёзувчи Туркистон ёшларининг бундай ҳатти-ҳаракатларидан каттиқ афсус-надомат чекади. Чунки А.Қодирий наздида шариат аҳқомларида ман қилинган ножоиз амаллар билан шуғулланиш *авваламбор*, аҳли муслимнинг икки дунёсини поймол қилишидир. *Иккинчидан*, беҳисоб маблағларни беҳуда исроф қилишидир. *Учинчидан*, миллатдош ва диндош биродарлар бир-бирининг қонини тўкишгача бориш ҳоллари ўзга миллат вакиллари назарида нафақат кулгули, балки дин ва миллатга нисбатан ҳақоратли ҳамдир.

Қодирийнинг 1915 йилда ёзилган “*Улоқда*” ҳикояси қалбида чавандоз бўлиш орзулари туғён урган ўн икки ёшли Турғун исмли бола тилидан ҳикоя қилинади. Унинг ота-боболари зўр улоқчилар бўлишган. Акаси Маҳкам ҳам улоқнинг ашаддий ишқибози. Яхши от сақлаш, жисмонан бақувват бўлишга интилиш оилавий удум. Зотан шамолдек учқур от нафақат чавандознинг йўлдоши, балки кўш қаноти ва ори ҳамдир. Салим ва Мурод чавандозлар билегининг кучи, чапанилиги билангина эмас, зотдор чопқир отлари билан ҳам эл орасида машҳур. Отни вақтида қашлаш, силаб-сийпаш, эркалатиш, парваришlash лозим. Унга салт миниш, улоқ чопиш каби тадбирларга мос тарзда қуюшқон, эгар, умулдирик уриш керак. Хуллас, туёғидан қулогигача эътиборли бўлиш талаб этилади. Отни қачон суғоришдан тортиб, эркалаб-сийпалашгача билиш, шахсан ғамхўрлик қилиш ўзига хос санъаткорона меҳр-муҳаббатни талаб қилади.

Ёзувчи улоқчи шоввозларнинг пул тикиб ўйнашларига диққат қаратади. Ниҳоят томошабинларни эҳтиёткорликка чорлаган саркорлар халқдан фотиҳа олиб сабрзизлик билан кутилган завқли ўйинни бошлаб беришади. Ғайрат-шижоати жўшган чапани йигитларнинг улоққа чуғурчукдек ёпирилишлари, тортқилашларию ҳар бирининг ўз тақимига босишга уриниб-чиранишлари бир томондан гоятда завқли. Қай бири отининг бошини қўйиб юборган, иккинчиси човига қамчинни шигаб берган, учинчи бирлари юганни бўшатган, аллақайсиси қамчинни тишлаб олган йигитларнинг ён-верига алаҳсишга фурсати йўқ. Ишқибозларнинг бақир-чақирлари эса авжида. Чанг-тўзон ичра улоқни тақимига босиш нашъаси

билангина ёнган издиҳомда ота боласини, ака-укасини танимайди. Боши ёрилиб, кўзи чиққан ёхуд отдан йиқилиб кўли синган билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Иттифоқо содир бўлган фалокат туфайли Эсонбой чавандоз от туёқларининг остида қолиб кетади. Бир муддат тўхтатилиб, отга босириқ бўлган киши аравада уйига жўнатилгач, томоша яна давом этади. Чувиллашган оломон зоҳиран гўё чавандозга ачингандай туюлади. Аммо унинг фурсат ўтмай завқ билан томошага шўнғиши, бир инсон фожиасига нақадар бефарқ ва лоқайд эканлигини ҳам кўрсатади. Шу маънода Эсонбойнинг вафоти хабари Турғунбой фикр-ўйларини алғов-далғов қилиб юбориши билан ҳикояга сўнги нукта қўйилиши инсон фожиаси миқёсининг кўлами қанчалик кенг, мазмунан залворли эканлигини янада кучайтиришга хизмат қилади. Мазкур ҳикоя инсонга эътибор ортанлиги, ҳаётининг воқеликнинг ёрқин деталларда жонли тарзда берилиши, кайфият-ҳолатларнинг таъсирчан ифодаланиши, баён тарзининг қаҳрамон зиммасига юклатилиши, бадий тўқимага образли иборалар сингдирилиши каби талай ютуқлари билан А.Қодирий ижодий тадрижида ўзига хос ўрин тутлади.

***Давр адабий ҳаётида из қолдирган ёзувчилар ҳаёти
ва ижоди тўғрисида мухтасар маълумот
Маҳмудхўжа Бехбудий (1875–1919)***

Бехбудий 1893 йилдаёқ дастлабки янги усул мактабини очган эди. 1903 йилда унинг ташаббуси билан Самарқанд атрофидаги Ҳалвойи, Ражабамин қишлоқларида янги мактаблар ташкил топди. Бехбудий 1899–1900 йилларда ҳаж сафарида, 1903–1904 йилларда Москва, Петербург, 1907 йилда Қозон, Уфа, Нижний Новгород шаҳарларида бўлади. Шу йилнинг 23 августида мусулмонларнинг турмуш маданияти муаммоларига бағишланган курултойда туркустонликлар гуруҳининг бошлиғи сифатида катта нутқ сўзлайди. Жадид мактаблари учун “*Рисолаи асбоби савод*” (1904), “*Рисолаи жузрофия Русий*” (1905), “*Китобат ул атфол*” (1908), “*Амалиёти ислом*” (1908) каби дарсликлар ёзиб маориф соҳасидаги фаолиятини давом қилдирди. У “*Падаркуш*” номли уч парда тўрт кўринишли миллий фожиасини яратиб, (1913) фаолият доирасини адабий ижод ҳисобига янада кенгайтиришга муваффақ бўлди. Ўзи ташкил қилган театр труппасида мазкур асарни сахналаштиради.

Унда бош ролни А.Авлоний ижро этган эди. (Тошкент, 1914 йил, 27 февраль).

Бехбудий ташкил қилган “Самарқанд” газетаси (1913) ва “Ойна” журнали (1914) миллат ва унинг ҳақ-хуқуқлари, тарихи, тил ва адабиёт масалалари, дунё воқеаларига бағишланган мақола ва баҳслари билан маърифат ва маданият тарғиботига катта ҳисса қўшди. Адиб истеъдодининг ёрқин қирраларидан бирини публицистика ташкил қилади. У “Туркистон вилоятининг газети”, “Тараққиёт”, “Тужжор”, “Хурийд”, “Хуррият” сингари газеталар ва “Ойна” журналида: “Туркистон тарихи”, “Ўқувчиларга ёрдам керак”, “Икки эмас, тўрт тил лозим”, “Либос, қиёфат”, “Кийим ва ташаббуҳ масаласи”, “Иттифоқ керак”, “Қозоқ қардошларимизга очиқ хат”, “Туркистон мухторияти”, “Баёни ҳақиқат” сингари юзлаб мақолалари билан иштирок этди. Бехбудий публицистикасида миллат ва ватан, жамият ва ахлоқ масалалари етакчилик қилади. Ижтимоий қарашларида у мухторият (федерация) ва мажлиси муборовот (парламентаризм) тарафдори, рус тили қаторида ўзбек, қирғиз ва қозоқ тилларига расмий тил ҳуқуқининг берилишини ёқловчи сифатида намоён бўлади. Афсуски, унинг вазият тақозосига кўра, эзгу ниятларини шўро ҳукумати идораларида ишлаб амалга ошириш ҳақидаги орзуси ҳам тўла амалга ошмади. Истиклол йилларида Бехбудийнинг “Танланган асарлар”и чоп этилди (1997). А.Алиев, Б.Қосимов, Н.Каримов изланишларида унинг ҳаёти ва ижоди кенг таҳлил этилди.¹⁶

Мунавварқори Абдурашидхонов (1878 – 1931)

Мунавварқори Тошкент ва Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган жадидчилик ҳаракатининг фаолларидан бири. У адиб, муҳаррир ва маърифатпарвар жамоат арбобидир. Мунавварқори 1901 йилда Тошкентдаги ўз ҳовлисида, кейинчалик шаҳарнинг турли даҳаларида жадид мактаблари очди. Мазкур мактаблар учун “Адиби аввал”, “Адиби соний” (1907) номли дарслиklarини яратди. “Тавжид ул- Қуръон”, “Ер юзи” сингари қўлланмалар тузиб, нашр этди. Болаларга мўлжалланган бир қанча шеърӣй ва насрий ҳикоялар ёзди. Тошкентда “Жамияти хайрия” уюшмасини тузди (1909) ва “Турон” номли жамиятни очди. Мунавварқори нашр этган “Хурийд”газетаси (1906) дастлабки ўзбек матбуоти

¹⁶ Алиев А. Маҳмудўжа Бехбудий. Т., 1994; Қосимов Б. Маслақдошлар. Т., 1994; Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т., “Маънавият”, 2002; Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Т., “Ўзбекистон”, 2008.

нашрларидан бири эди. У кейинчалик “Нажот”, “Кенгаш” газеталарида бош муҳаррир, “Садои Туркистон”да эса бўлим бошлиғи сифатида хизмат қилган.

Мунавварқори 1917 йил февраль инқилобидан кейин Туркистонда демократик миллий давлатчиликни тузиш ғоясини илгари суради. Кўконда ташкил топган Туркистон мухториятини қўллаб-қувватлайди. Туркистон халқ дорулфунунига асос солади ва унинг ректори этиб сайланади. (1918 йил апрель) Унинг сазъ-ҳаракати билан дорулмуаллимин иш бошлайди. (1918 йил 2 июнь). Шу йили “Турк ўчоғи” илмий-маърифий жамияти ташкил этилади. Мунавварқори “Миллий иттиҳод”, ва “Миллий истиқлол” яширин ташкилотларига раҳбарлик қилди. У 1929 йилда қамоққа олиниб, 1931 йилда истибдод қурбони бўлди. Миллий истиқлол йилларида унинг номи қайта тикланиб, асарларини чоп этиш ва ўрганиш учун кенг имкониятлар эшиги очилди.

Миллий истиқлол йилларида Мунавварқорининг “Хотираларим” (2001), “Танланган асарлар” (2003) асарлари чоп этилди. Айрим тарих китобларида унинг ҳаёти ва фаолиятига салмоқли ўрин ажратилди¹⁷.

Абдулла Авлоний (1878 – 1934)

Авлоний миллий маданиятимизнинг машҳур вакилларида бири, маърифатпарвар шоир, драматург, журналист, олим, давлат ва жамоат арбобидир. У Тошкент жадидчилик ҳаракатининг фаолларидан бири сифатида танилди. Янги усулдаги мактаблар очиб, ўзи дарс бери ва дарсликлар ёзди. Авлоний асос солган мактаб гуманистик ва эркин тарбия асосига қурилди. Дунёвий илм-фан асосларини ўргатиш, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига аралаша олиш қобилиятига эга ёшларни тарбиялаш мақсадларига хизмат қилди. “Жамияти хайрия” эса боқувчисини йўқотган ва етим болаларга яқиндан ёрдам бериш ҳамда ўқитиш мақсадларига хизмат қилди. Авлоний ўз даврининг таниқли маърифатпарварлари билан ҳамкорликда “Нашриёт”, “Мактаб” ширкатларини тузди. “Тараққий”, “Шухрат”, “Осиё”, “Турон” газеталарини чиқарди.

¹⁷ Зиё Саид Танланган асарлар. Т., 1974; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1-китоб. (Туркистон чор Россияси мустамакочилиги даврида), Т., 2000; Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустамакочилик учун кураш. Т., 2001; Фалсафа қомусий лугат. Т., 2004; Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т., “Маънавият”, 2002; Қаримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Т., “Ўзбекистон”, 2008.

У тузган ахлоқий-дидактик мазмундаги “*Туркий гулистон ёхуд ахлоқ*” дарслиги (1913) тарбия ва ахлоқ масалалари XX аср бошлари талаб-эҳтиёжлари нуқтаи назаридан илк бор таҳлил қилингани боис ижтимоий-педагогик фикр тараққиётида алоҳида ўрин эгаллади. Замонавийлик асос қилиб олинган мазкур дарсликда хулқлар анъанавий тарзда яхши ва ёмонга ажратилади. Муаллиф фикр-мулоҳазалари Гиппократ, Платон, Аристотель, Саъдий Шерозий, Бедил каби алломаларнинг қарашлари билан асосланди. Мутафаккирнинг фикрича, ахлоқ эзгулик ёхуд разилликнинг алоҳида инсонда намоён бўлиш шаклидир. Демак ҳар бир хулқ эзгулик ва олижанобликнинг ёки аксинча разиллик ва бадбинликнинг тимсолидир. Маълум бир шароит ва тарбия таъсирида яхши ёки ёмон хулқ шаклланади. Бинобарин, тарбия она қорнидан бошланиб, умрнинг охиригача давом этади. Тарбия: “*ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё садоқат ё фалокат масаласидур*”. Таъкидлаш жоизки, тарбия масаласини Авлоний фақатгина ахлоқ масаласи билан чегаралаб қўймай, кенгроқ маънода тушунади. Шу боис ҳам: “*Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидур. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопоннинг устуни қўюб, астарини ювиб овора бўлмоқ кабидурки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур*”,-деб жисм ва руҳнинг узвий бирлиги ҳақида сўзлайди.

Авлонийнинг ижтимоий сиёсий ва адабий-эстетик қарашлари бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, унинг фикрича, виждон ақл ва тафаккур мезони, ватан туйғуси эса энг инсоний ва энг мўътабар туйғулардан биридир. Шунинг учун ҳам ватанни шунчаки севиш мумкин эмас. Унинг дарди билан яшамоқ, унинг бахтидан қувонмоқ, у билан фахрланмоқ лозим. Ватан онадек муқаддас. Бинобарин, уни қадрлаш, эъозлаш, унинг шодлик ва қувончига шерик бўлиш, ғам-ҳасратини баҳам кўриш фарзанднинг бурчидир. “*Жабр қилувчининг ёқаси ҳеч қачон жазо қўлидан қутула олмас*”,-дея қатъий ишонч билан сўзлаган Авлоний дунёнинг асосини адолат, озодлик ва бахтли ҳаёт қуриш ҳуқиқини қўлга киритиш ташкил этади деб билган. У тил ва адабиёт масалаларига ҳам алоҳида диққат қаратади. Авлонийнинг фикрича, тил ва маданиятга муҳаббат ҳар бир кишининг халқига бўлган муҳаббатидир. Мутафаккир: “*Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон оинаси ҳаёти – тил ва адабиётидур*”,-деб ёзади.

Абдулла Авлонийнинг *“Тошкент тонги”* (1978), *“Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”* (1992), *“Ўсон миллат”* (1993) каби бир қатор асарлари чоп этилган. Б.Қосимов, Н.Каримов ва У.Долимов тадқиқотларида унинг ҳаёти ва ижоди муайян даражада ўрганилган¹⁸.

Саидрасул Саидазизов – Азизий (1866–1933)

У ўз даврида маърифатпарвар, шоир, таржимон сифатида танилган. Саидрасул Саидазизов Тошкентдаги Махмуд дастурхончи мадрасасида таҳсил кўрган ва рус-тузем мактабини тугатган (1900). У ўзи ўқиган мадрасада мударрислик қилиш баробарида рус-тузем мактаби ўқитувчилар семинариясида *“Шарқия муаллими”* бўлиб ишлаган. 1910 йилда Москва ва Петербург шаҳарларига саёҳат қилиб, таассуротларини *“Туркистон вилоят-тининг газети”* саҳифаларида чоп эттирган. Саидрасул Саидазизов В.В.Бартольд, А.Н.Самайлович, С.М.Граменицкий каби рус зиёлилари билан дўстона муносабатда бўлган. Азизий ўзбек, тожик ва араб тилларида ижод қилган. Унинг ғазал, фард, рубоий, тарих ва бошқа жанрлардаги асарлари шуҳрат қозонган. Тошкентда очган янги усулдаги маҳаллий мактабларини рус-тузем мактабларидаги таълим-тарбия методикаси асосида ишланган дастур ва дарсликлар билан таъминлаган. Жумладан, 1902 йилда чоп этилган *“Устози аввал”* дарслиги кейинчалик 17 марта нашр қилинганлигини мисол келтириш мумкин. Шоирнинг ғазаллари ишқий мавзуда бўлиб, бошқа жанрларидаги шеърый асарларида илм-маърифат, одоб-ахлоқ масалалари улуғланган. Азизий И.А.Крилов, Л.Н.Толстойнинг болалар дидига мос асарларини ўзбек тилига илк бор шеърый таржима қилган. Адабиётшунос олимлар Ж.Шарипов, Ш.Юсупов, Б.Қосимов, У.Долимов тадқиқотларида Азизий ижоди атрофлича ўрганилган¹⁹.

Муҳаммадшариф Эгамберди ўғли – Сўфизода (1880–1937)

Сўфизода XX аср бошлари янги ўзбек адабиётининг истеъдодли вакилларида бири, маърифатпарвар мураббий эди. У муайян муддат Истанбул дорулфунунида таҳсил олган. Миср, Тифлис, Боку, Арабистон, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон каби дунё мамлакатларини кўрган. Бир оз вақт Афғонистон маориф

¹⁸ Қосимов Б. Абдулла Авлоний. Т., 1979; Қосимов Б. Излай-излай тошганим. Т., 1983; Қосимов Б., Долимов У. Маърифат даргалари. Т., 1990; Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Т., “Ўзбекистон”, 2008.

¹⁹ Шарипов Ж. Баъдий таржималар ва мохир таржимонлар. Т., 1972; Юсупов Ш. Фуркат йўлларида. Т., 1984; Қосимов Б., Долимов У. Маърифат даргалари. Т., 1990 ва б.

вазирлигида ишлаган. Сўфизоданинг жаҳонгашталиги аслида исёнкорона руҳдаги кескин ҳажвий асарлари учун таъқиб қилинганлиги билан боғлиқ. Аммо у нисбатан мутараққий давлатларни кўриб, ўлкадаги қоқоқлик сабабларини англади ва уларни бартараф этиш йўлида куч-қуввати, салоҳиятини сафарбар эта олди. Сўфизода Қўқон, Чуст, Қўнғирот шаҳарларида бўлган пайтларида мактаб-маориф ишлари билан шуғулланди, янги мактаблар очиб, ўқитувчилик қилди. *“Етимлар уйи”* (*“Дорулай-том”*) ва катталар учун кечки курслар очди. Жаҳон бўйлаб саёҳат қилган йилларида эса Кавказ ва Оренбург матбуотида қатнашди, шунингдек Тошкентда нашр этиладиган *“Туркистон вилоятининг газети”*, *“Садои Туркистон”* газеталарининг фаолларидан бири бўлди. Афғонистонда эса *“Хабар зиёси”* (*“Сирож ул-ахбор”*)даги форсий шеърлари Ҳабибуллаҳон назарига тушиб, янги усул мактаблар очишга, Омонуллаҳон даврида эса масъул лавозимларда ишлашга эришди. 1919 йилдан Ўзбекистонга қайтган Сўфизода ҳаёти нотинч кечади. У турли тазйиқларга учради ва 1937 йилда қатоғон қилинди. Сўфизода ижоди Муқимий, Фурқат ва Муҳйи таъсирида шаклланган. Қўқон адабий муҳитида поэтик маҳорати сайқал топган. У асосан, ҳажвий шоир сифатида танилган ва маърифатпарварлик ғояларини илгари сурган. Шоирнинг *“Тароналар”* (1968), *“Ажзий, Сўфизода, Ибрат”* (*Танланган асарлар*, 1999) сингари асарлари чоп этилган. Адабиётшунос олимлар Миён Бузрук Солиҳов, Б.Қосимов, У.Долимов тадқиқотларида Сўфизода ҳаёти ва ижоди ўрганилган²⁰.

Давр адабиётини ўрганишнинг умумий тамойиллари

1900 – 1918 йиллар адабиёти собиқ шўролар даврида ноҳолис ўрганилди. Айниқса ўтган асрнинг 40-йилларидан эътиборан ўзбек ва рус тилларида бир неча бор яратилган бир жилдли ва кўп жилдли *“тарих”*ларда, шунингдек, олти жилдлик *“Кўпмиллатли совет адабиёти тарихи”*, кўпжилдлик *“Жаҳон халқлари адабиёти тарихи”* сингари тўпламларда ўзбек адабиёти умумшўро адабиёти тарихининг таркибий қисми сифатида тадқиқ ва тарғиб этилди. Гарчан ўрта мактаб ва олий ўқув юртларида у мустақил фан сифатида ўқитилган бўлса-да, адабий ҳодисалар методологик нуқтаи назардан нотўғри тамойиллар асосида ёритилди. Жумладан,

²⁰ Солиҳов Миён Бузрук. Сўфизода ва унинг ижоди. Т., 1934; Қосимов Б., Долимов У. Маърифат даргалари. Т., 1990.

партиявийлик, синфийлик, мафкуравийликка зўр берилгани ҳолда, чинакам маънодаги миллийлик фақатгина шакл ҳодисаси сифатидагина эътироф этилди.

Адабиётнинг ички босқичларини даврлаштиришда 1905 йил инқилоби ёхуд 1917 йил октябрь тўнтариши каби ижтимоий ҳодисалар қатъий чегаралар сифатида белгилаб қўйилди. Жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиёти тамомила инкор этилди. Бунинг натижасида миллий адабиётдаги улкан янгиланишларнинг аср бошидаги чинакам илдизларини кўрсатиш имкони бўлмади. Тараққийпарвар зиёлилар шахсияти ва ижоди гоҳ камситилди, гоҳида эса бутунлай инкор этилди. Бехбудий, Чўлпон, Фитрат каби сиймолар ҳақидаги бор ҳақиқатнинг халқдан сир тутилганлиги, Абдулла Қодирий кутлуғ номи “*нисбий эркинлик*” шабадалари эсан даврдан сўнггина қисман тилга олина бошлаганлиги каби мисолар фикримизни тасдиқлайди. Ўзбек шўро адабиёти тарихига кирган барча адиблар ҳаёти, ижтимоий фаолияти ва ижоди, демакки миллий адабиётимизнинг шўро ҳокимияти йилларидаги яхлит тарихи яқраган тарзда кўрсатилиб, сохталаштирилиб келинди. Чунки ижодкорнинг ҳукмрон тузум ва яққаҳоқим мафкурага бўлган муносабати ва садоқатига бўлган алоҳида эътибор, адабий ҳодисаларнинг сиёсатлаштирилиши айнан шуни тақозо этар эди.

Бугунги кунда мазкур давр адабий ҳодисалари ҳаққонийлик, инсонпарварлик, халқчиллик, маъно серқатламлиги, поэтик жозибадорлик каби тамойиллар асосида баҳолашни тақозо этади. Бу тарихий зарурат 80-йилларнинг охири ва 90-йиллардаёқ англаб етилди. Аксарият ижтимоий фанларда бўлганидек, адабиёт тарихига муносабатда миллий-эстетик ҳодисаларни қайта идрок этиш эҳтиёжи улкан заруриятга айланди. Миллий истиқлол йилларига келиб тарихга ва тарихий меросга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Аждодлар руҳи олдидаги қарздорлик ҳисси ва масъулияти кучайди. Жадид адабиёти намोёндалари ҳаёти ҳақидаги бор ҳақиқатни баралла айтиш, уларнинг ижодий мероси билан халқимизни кенгроқ таништириш, адабиётимизнинг мазкур даври хусусидаги янгича қарашлар ва жаҳон тажрибасида синалган концепцияларни илгари суриш ҳаракати ўзининг ижобий натижаларини берди. Аммо, баъзан тарихнинг бурилиш паллаларида кечадиган айрим салбий майллар, яъни “*дунёқараш*”га қараб ижодкорларни саралаш тамойили ҳам кўзга ташланди.

Шуниси қувончлики, тез фурсатда илмий-адабий жамоатчилик адабий жараён ҳодисаларини ғоятда вазминлик билан баҳолаш, адабиётимиз тарихини ички динамикаси бўйича ҳолисона идрок этиш ва кўрсатиш йўлига чиқиб олди. Умумтаълим мактаблари ва Олий ўқув юртлари учун яратилган адабиёт дастурлари ва дарсликлари тамомила янгиланди. Демакки, XX аср ўзбек адабиёти 90-йилларнинг охирига келибгина кўп асрлик адабиётимиз тарихининг алоҳида янги босқичи сифатида миллий манфаатлар нуқтаи назаридан яхлит ўрганила бошланди. Мазкур монографик тадқиқотда бу борада сўнгги йилларда эришилган ютуқлардан ижодий фойдаланилди.

Шундай қилиб, жадид насри ижтимоий воқелик ва инсон тафаккуридаги янгиланишларнинг кўлами бадиий тасвирда катта ҳажмдаги жанрга эҳтиёжни кучайтирганини ўз вақтида англади. Ўзбек адабиётида илк бор реалистик қисса, ҳикоя, очерк ва эссе-диалог жанрларининг намуналарини яратди. Мазкур жанрлардаги асарларда жадидчилик ҳаракатининг дастурлари ифодаланди. Воқелик қаҳрамон нигоҳи билан кузатилиб, драматургиянинг баҳс-мунозара услуби насрга дадил олиб кирилди. Мирмуҳсин Шермухамедов бидъат одатларни воситали тарзда кўрсатди. У масалалар моҳиятига инсоний муносабатлар, инсоннинг ўз-ўзини тафтиш этиши нуқтаи назаридан ёндошишга уринди.

Ёзувчи реал дунёдаги туйғу-кечинмалар билан тушдаги кайфият-ҳолатлар ўртасидаги универсал алоқа ҳамда таъсирга эътибор қаратди. Очилдибойнинг ўтмиши ва келажагини ягона психик актга бирлаштиришга интилди. Қаҳрамон фаолиятининг англашилмаган кўзғовчиларини туш таъсирида туғилган аффе́ктив ҳолат орқали турли ракурслардан далиллади. Персонажларни автор нутқи воситасида бериб, мумтоз ёзма адабиётга хос ҳикоячилик ва қиссахонлик шаклидан фойдаланди. Реал ҳаётий масалалар каторида, инсон ва унинг кўнгил оламига диққат қаратиб, ижтимоий ва маънавий-руҳий жараёнларни эпик планда психологик далиллашга уринди.

Чўлпоннинг маърифий-дидактик ҳикояларида диалог, руҳий ҳолат ва кечинмалар тасвирига муайян даражада ўрин берилди. Аммо, баёнчилик ва публицистик руҳ сақланиб қолди. Натижада муайян даражада бадиийлик сусайиб ғоявий-маърифий дидактика етакчилик қилади. Персонаж маънавий интилишлари билан руҳияти ўртасидаги зиддиятга эътибор қаратиш орқали ижтимоий

муҳит инкор этилди. “*Дўхтур Муҳаммадиёр*” каби ҳаёлий ҳикояларида адиб қаҳрамонни шахсий ва ижтимоий туйғулар оғушида ошкора ташвиқийлик ва даъват руҳида ифода этди. Туркистон тарихи ва бугуни XX аср маданиятининг даражаси нуқтаи назаридан ҳаққоний баҳоланди. Ҳикояда сюжет вақти реал белгиланмади, ижтимоий-ижодий заруратдан келиб чиқиб, фаол шахс тақдири орқали илғор ижтимоий идеаллар тасдиқланди. Ёзувчининг ғоявий-маърифий мақсадини ўтказиш тилаги характер мантиқига амал қилишдан кўра, бадиий фантазияга таянишни келтириб чиқарди. Идеаллик ва реалликнинг яхлит бутунлик даражасига чиқишига имкон бермади. Чўлпон халқ эртақ ва афсоналари, мумтоз адабиёт ҳикоятлари руҳидан буткул узоқлашмади. Қаҳрамон ҳаёти-саргузаштларини хроникал тарзда батафсил баён қилиб, ҳаётий қамров кенглиги, сюжет ва композициясининг бир қадар мураккаблаша боришига эришди.

Ҳамза “*Янги саодат*” романида реал ҳаётий воқеалар фонидан инсоннинг руҳий олами фожиаларига диққат қаратди. Асарини оддий халқ тушуниши осон бўлиши учун содда услубда баён қилди. Илм-маърифат билан кишиларни қайта тарбиялаш мумкин деб ҳисоблаб, ижтимоий муносабатларга етарлича аҳамият қаратмади. Маърифатсизликни танқид қилди. Айни пайтда меҳр-шафқат, оқиллик, сабр-тоқат, бардош, қаноат баробарида қаҳрамонлар қалбидаги кечинмаларни ишонарли чизди. Романда пейзаж ва портрет тасвири, туш мотиви каби усуллардан фойдаланишга ҳаракат қилди. Аммо характерларни жонли мулоқотда кўрсатишдан кўра баёнчиликка кўпроқ берилди. Муаллиф китобхон адабий савиясини назарда тутиб, қаҳрамонлар тақдирини халқ эртақлардаги сингари ҳаётий зиддиятларсиз яқунлади. Даврнинг реал талабидан келиб чиқиб, ўз фикр-қарашларини ташвиқий равишда илгари сурди. Натижада, воқеа устунлиги образларнинг бир қадар хиралашувини ҳам келтириб чиқарди.

Муҳими, Ҳамза Шарқ анъанавий жанрларда янги давр ижтимоий-эстетик талабларига жавоб бериш мушкуллигини ўзбек романнавислари ичида биринчилардан бўлиб англади. Китобхоннинг тафаккури ва тасаввур дунёсига ишониб, романнинг айрим ўринларида атайлаб тафсилотларни батафсил баён қилишдан тийилди. Роман қаҳрамони изтиробларининг сабабини пушаймонлик руҳига йўғириб тасвирлади. Улар қалбини ички туйғу ифодаси орқали очди ва авомликдан маърифатга етаклади. Инсон

қалбини ғуборлардан тозалаш ҳақида сўзлади. Қаҳрамонни ўз-ўзи билан ёлғиз қолдириб, китобхонни унинг маънос ва ғамлик қалбида кечган бир олам ҳис-туйғулар, фикрини банд этган тизгинсиз ҳаёллар оламига етаклади. Адабий монтаж усулидан фойдаланишга, воқеаларни хотира ва тасаввурлар орқали беришга интилди. Психологик портрет тасвири орқали персонажнинг руҳий дунёсини очди. Адибнинг услубий индивидуаллиги ва маҳорати тасвир деталлари батафсиллигида кўринди.

Характер ҳиссий ҳолатларининг қабарик тасвирланиши, аксарият қаҳрамонлар ҳаёлий дунёда яшашлари адиб инсоннинг руҳий фаолиятини рационаллик доирасида эмас, балки кўпроқ ирфоний мазмунда англаганлигини кўрсатади. Характер руҳий ҳолатларини тасвирлашда туш кўриш мотивидан фойдаланиш, психологик тасвир унсурларини қўллаш қаҳрамонларнинг ўзлиги, инсон сифатидаги моҳиятини очиш, руҳияти манзараларининг воқеалар оқимида ҳамроҳлигини кўрсатиш, роман сюжетини ривожлантириш имконини берган. Адиб романда имкон қадар онг оқимини кузатишга, хроникали, концентрик ва ретроспектив сюжет унсурларини қўллашга уринган. Характерларни эволюцияда кўрсатиш баробарида, уларнинг ички драматик коллизияларига ҳам эътибор қаратган. Эпик воқеликни ҳиссий жараёнлар ҳисобига бойитган. Воқеаларни хотира ва тасаввурлар воситасида бериш, уларни ички кечинмалар призмасидан ўтказиш унсурларини дадил қўллаган. Ҳикоячиликни ўзидан соқит қилмаган ҳолда, турли ассоциацияларни ҳаётий воқеалар тасвирига имкон қадар пайвандлай олган. Шу боис ҳам бу асарлар спецификасини англашда адибнинг ривоя усулига хос хусусиятларга алоҳида диққат қилиш талаб этилади. Ҳамза романга хос муҳим белгиларни тўғри англади ва амалда муваффақиятли қўллади. Персонажларни ҳам романтик, ҳам тирик одам сифатида ифода этди. Ёзувчи услубининг ўзига хос жиҳати қаҳрамонларни инсоний муносабатлардаги инжа туйғулар самимиятига йўғириб тасвирлашда кўринади.

“Учрашув” романида пейзаж персонажлар қалбини очиш, руҳий ҳолатини ифодалашда ўзига хос фон, параллелизм ҳосил қилиш ва контраст тасвир яратиш воситаси каби муҳим функцияларни бажариб келган. Персонаж кайфият-интилишларига мос ҳолда берилиб, нозик лирик туйғу уйғота олган. Психологик портрет чизиш, инсоний характерларни контраст усули орқали тасвирлаш, реалистик роман бағрига эпистоляр поэзия жанрини

киритиб, мурожат прёмидан унумли фойдаланиш, жараёнларни образ нигоҳи билан кўриш, ҳаёл ва реалликни қоришиқликда ифода этиш руҳият манзаралари ифодаси теранлигини таъминлаган.

У дидактика бағрига роман жанрига хос эпиклик хусусиятларини сингдира олган. Персонажлар кўнгил ва вужудида бўй кўрсатган табиий инстинктив ҳатти-ҳаракатлар ҳамда туйғулар оқими ва маҳзунона, таҳайюрона ҳолат-кечинмаларни манзаралантирган. Ҳамза романларини фольклор ва мумтоз ёзма адабиёт анъаналари, маърифатпарварлик адабиёти изланишлари, жадидчилик ҳаракати ҳамда жадид адабиётига хос жиҳатлардан, шунингдек, муаллифнинг педагогик ва дидактик характердаги асарлар ёзиш, публицист ва очеркнавис сифатидаги тажрибаларидан ажратиш мумкин эмас.

Қодирий ўз ҳикояларида рамзий ишора, сир тутиш приёмларидан баракали фойдаланиб, китобхон кўз ўнгида жаҳолат ва бидъатни воситали тарзда намоён этган. Инсон фожиаси миқёсини кўламдор, мазмунини залворли, ҳаётий воқеликни ёрқин деталларда жонли тарзда бера олган. Кайфият-ҳолатларни таъсирчан ифодалаб, баён тарзини қаҳрамон зиммасига юклаган. Бадний тўқимага образли ибораларни сингдира олган.

Умуман, XX аср бошлари ўзбек насри эндигина шаклланиш даврини бошидан кечираётган, ижтимоий ҳаёт таъсиридан унча узоқлашмаган, Шарқу Ғарб илғор анъаналарини ўзлаштиришнинг илк босқичида эди. Шунинг учун ҳам унда дидактизм унсурлари сероб ва реализм ўзини тўла-тўқис намоён эта олмайди.

Адабий алоқалар ва бадиий таржима

Бу даврда Фитратнинг форсий тилда 1910 йилда эълон қилинган *“Мунозара”* асари Ҳожи Муин Шукрулло ўғли томонидан турк (ўзбек) тилига полковник Ягелло томонидан эса рус тилига таржима қилинди. Фитрат Маҳмуд Қошғарий *«Девони луғотит турк»* асарининг тушутириш матнларини арабчадан ўзбекчага таржима қилиб, ундаги лирик парчаларга шарҳлар ёзди. Саидрасул Азизий эса И.А.Крилов, Л.Н.Толстойнинг болалар дидига мос асарларини ўзбек тилига илк бор шеърӣ таржима қилди.

ДАВР МАДАНИЙ ҲАЁТИ ВА АДАБИЙ ЖАРАЁН (1918 – 1929 йиллар)

Маданий ҳаёт

XX асрнинг 1918–1929-йиллари кескин синфий ва сиёсий-мафкуравий курашлар, дунёқарашлар турфалиги билан характерланади. Амалдаги сиёсат ва комфирқа ишидан ташқарида туришга уринган “*Халқ дорулфунуни*”, туркий элни миллий туғ остида бирлашишга даъват этган “*Турк сўзи*” сингари газеталар атрофига бирлашган Вадуд Маҳмуд, Шокир Мухторий, Салимхон Тиллахонов, Муҳаммад Саид каби зиёлилар “*миллатчилик мафкураси намоёндалари*” сифатида таъкибга учради. Чўлпон ва Фитрат ўзларининг “*ғоявий хато*”ларини эътироф этишга мажбур этилди. Боту, Элбек, Ғайратий сингари айрим шоирлар уларнинг ғоявий-эстетик принципларини қоралаб асарлар яратиш йўлидан бордилар. Натижада, бадий жихатдан анча ночор, реал ҳаётни тасдиқловчи, яланғоч риторика ва ваъзхонликдан иборат шеърлар ҳам майдонга кела бошлади. “*Миллий иттиҳод тараққий фирқаси*” каби сиёсий ташкилотлар буткул бартараф этиди. “*Чизатой гурунги*” адабий ташкилоти эса “*ғоявий оғмачи*”ликда айбланди. Ҳукмрон сиёсатга зид фикрловчи кишилар адабий жараёндан сиқиб чиқарила бошланди. Ўзбекистон маданиятчиларининг 1927 йилда бўлиб ўтган III қурултойи миллатпарвар зиёлиларнинг интилишларига узил-кесил нуқта қўйди.

Адабий меросга муносабат масаласида классик адабиётнинг мазмунинигина эмас, ҳатто шаклини ҳам инкор этиш (Ю.Латиф)га уринишлар кузатилди. Маданий меросни инкор этиш тамойили Ж.Бойбўлатовнинг “*Ўзбек адабиёти ва чизатойчилик*”(1929) асарида ниҳоятда авж нуқтасига чиқди. Муаллиф классик меросни “*ахлатлар*” сифатида баҳолашгача бориб етди. Пролетар адабиётини яратиш учун кураш майдонига чиққан бундай шахслар мумтоз адабиётимизни ялписига яроқсизга чиқаришди. Аммо ўз давридаёқ Фитрат, Отажон Ҳошим каби мунаққидлар меросга нисбатан бундай нотўғри қарашларга кескин зарба бердилар. Улар ҳам масала моҳиятига синфийлик тамойилидан ёндошишга мажбур бўлдилар. Шунга қарамаздан, маданий мерос масаласида “*демократик ва социалистик унсурларни излаш*” методологик тамойили устувор бўлган ўша давр учун, халқчил намуналарни ўрганиш зарурлиги ҳақидаги фикрнинг ўзи ҳам ғоятда муҳим эди.

Зотан 1925 йилдан эътиборан бадий адабиёт пролетар ғоялари атрофида уюштириш ва бирлаштиришга, демакки сиёсатлаштиришга мажбур этилди. Синфийлик, партиявийлик тамойиллари устувор саналиши расман белгилаб қўйилди. Бадий камчиликлар ҳам ғоявий хато сифатида талқин қилина бошланди. Ёзувчиларга: йўловчилар, ёндашувчилар, эргашувчилар, ўнглалар, сўзлар сингари турли сиёсий ёрликлар тақиш авж олди. Натижада, адабий ҳаракат барча адабий оқимларни инкор этиш ҳисобига янги ташкилий шакл касб эта бошлади. Ҳатто шўро ҳукумати бадий адабиёт жиловини ўз қўлига олиш ва таъсир қудратини ўз мақсадлари сари йўналтириш учун 1926 йилда тузган “Қизил қалам” ҳам қўйилган натижа бермагани сабабли 1930 йилда ўз фаолиятини тугатди. К.Тригулов томонидан Ойбекка: “*нажот ёки ҳалокат*” ёхуд Элбекка “*қаламингни синдириб ташла*” қабилида пўписа қилиниши адабий жараёнга буйруқбозлик усуллари кириб келганлигини кўрсатар эди.

Адабий жараёнда ижод аҳлини қандайдир гуруҳларга бўлган ҳолда ишончсизлик билан муносабатда бўлиш тамойили аслида пролетар ёзувчилар уюшмаларининг назарий концепцияларидан куч олди. Давр адабий ҳаётида вульгар социологизм ва шахсга сиғинишни келтириб чиқарди. Моҳият эътибори билан олиб қаралганда, юзлаб миллат зиёлиларининг аянчли тақдири ана шу мудҳиш қараш ва муносабатлар билан боғлиқ тарзда ҳал этилган. Демак, Туркистон ҳаётидаги жиддий ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-сиёсий нуқсонлар Фитрат ва Чўлпон асарларида баъзан умидсизлик, тушкунлик янги тузум идеалларига ишончсизлик мотивларини келтириб чиқарганлиги мутлақо тасодифий ҳол эмас эди.

Айни пайтда шўро ҳукумати маориф ва маданият соҳасида бир қатор тадбирларни амалга оширди. Жумладан, Ўрта Осиё Давлат университети, Туркистон Давлат нашриёти ташкил этилди ва шўро матбуоти қарор топди. Кўпчилик адибларимиз «*Иштирокион*», «*Қизил байроқ*», «*Туркистон*», «*Янги Фарғона*», «*Янги Шарқ*», «*Инқилоб*», «*Муштум*», «*Аланга*», «*Маориф ва ўқитувчи*» сингари газета ва журналларда фаол қатнашдилар. Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Ҳамза, Авлоний сингари адибларимиз янги адабиёт ривожига, унинг адабий-эстетик тамойилларини ишлаб чиқишга баракали ҳисса қўшдилар. Таъкидлаш жонзика, ҳар бир ижодкор ўзига хос тадриж йўлини босиб ўтди.

Таассуфки, 20-йиллардаёқ адабиётимизда коммунистик ғоялар билан йўғирилган асарларнинг кенг ёйила бошлаганлиги, қўллаб-қувватланганлиги большевиклар мафкураси ва адабий сиёсатининг ўзбек адабиётига таъсири натижаси эди. Жумладан, Ҳамза ижодида инқилобий шеърлар пайдо бўлди. Ҳатто, 20-йиллар адабиётига даҳрий (атеистик) тамойиллар кириб кела бошлади. Бундай асарлар нафақат Ҳамза, балки Фитрат ижодида ҳам пайдо бўлди. Шунга қарамасдан, 20-йиллар ўзбек адабиётида жадидчилик анъаналари, бадий асарларда ўзликни англаш, маърифатчилик, инсон эрки, юрт истиклоли ғоялари янгича тарзда ифодалана бошлади. Янгича шеърини шакллар билан бир қаторда етук реалистик ҳикоя, қисса, роман, драма намуналари ҳам пайдо бўлди. Ҳамза ва Чўлпон лирикаси ўзбек шеърини ривожига ўзига хос бир босқич бўлди. Шоирларимиз шеър тузилиши, оҳанги, ифода воситалари борасида новаторона изланишлар олиб бордилар. Ўша даврда яратилган «Уйғониш», «Булоқлар», «Тонг сирлари», «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Абдулфайзхон», «Паранжи сирлари» сингари асарлар адабиётимизнинг Чўлпон, Қодирий, Фитрат сингари намоёндалари мафкуравий-сиёсий тарафкашликлардан юксак турганлигини, шеърини, наср, драматургияда шахсий майллардан устун турувчи ҳаққоний, холис, юксак бадий асарлар пайдо бўлганлигини кўрсатади. Мазкур асарларда ижтимоий воқеликнинг ички зиддиятлари очиб берилади, умуминсоний қадриятлар ўз ифодасини топади.

Бу давр адабиётининг муҳим хусусиятларидан бири тарихий мавзунинг етакчи ўрин олганилигидир. Бу бежиз эмас эди, албатта. Тарихий жараённинг бурилиш нуқталарида ўтмиш тарихдан ибратли сабоқлар чиқариб олишга бўлган эҳтиёж туфайли юзага чиққан ҳодиса эди. Бадий асарларимизда психологик таҳлил ва тарихийлик тамойиллари қарор топди. 20-йиллар адабиётининг энг муҳим ютуғи шундаки, бадий асарларда инсонни тушуниш, шахс, қаҳрамон характери-саҳиясини, қалбини очиш санъати бобига ўзбек адабиёти жаҳон янги адабиёти даражасига кўтарилди.

Матбуот

20-йилларда публицистика соҳасида бадий очерк ва фельетон жанрлари юзага келди. А.Қодирий, Ғ.Ғулум, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор, Комил Алиев, Санжар Сиддик, Аъзам Айюблар ўзбек фельетонининг дастлабки намуналарини яратдилар. Ўша давр

матбуотини биз Фитрат ижоди мисолида кузатишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Агар эътибор берилса, Фитрат 1923-1924 йилларда Москва ва Ленинград шаҳарларида яшаса-да «Учкун», «Бухоро ҳаёти» («Бухарская жизнь») журналларида фаол қаташган. У Москвадан қайтгач, илмий-бадний ижодни давом эттирган. «Инқилоб» журнали тахририятига аъзо бўлган. «Бармоқ шеърӣ тизими ва унинг адабиётдаги ўрни» ва бошқа адабиёт назариясининг долзарб масалаларига бағишланган маърузалар қилган. Фитрат Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Навоий, Бобур, Солих, Турди, Машраб сингари мумтоз адабиёт намоёндалари, шунингдек, форс-тожик классиклари Фирдавсий, Умар Ҳайём, Бедил ва бошқа кўплаб шоирлар ижоди ҳақида тадқиқотлар, мақолалар эълон қилган.

Фитратнинг тилшунослик, адабиётшунослик, адабий танқид, адабиёт тарихи, мусиқа назарияси ва тарихи, тарих, этнография, фольклор, диншунослик каби соҳалар бўйича олиб борган тадқиқотлари алоҳида қимматга моликдир. Маълумки, Фитрат ижоди ҳақида бир қатор рисоалар, мақолалар эълон қилинди, диссертациялар ёқланди. Асарлари янгидан саҳналаштирилди. О.Шарафиддинов, Б.Қосимов, А.Алиев, Н.Каримов, Ҳ.Болтабоев, И.Ғаниев, У.Жўракулов, Н.Даурбоева, Г.Раҳимова ва бошқа олимлар Фитрат ҳаёти ва ижоди юзасидан тадқиқотлар олиб бордилар.

Колумбия дорулфунуни профессори Э.Олворснинг фикрига кўра, Фитратдаги илмга рағбат 1900 йилдан, унинг ўн тўрт ёшлигидан бошланган. Мазкур фикрни Ҳ.Болтабоев, И.Ғаниев сингари фитратшунослар ҳам эътироф этадилар. Фитратнинг илоҳиёт тарихи ва назариясини пухта билишлиги кейинги ўн йилликларда яратилган адабиёт тарихига оид ишларида, айниқса, тасаввуф тарихи билан боғлиқ мақолаларида ўз ижобий самаралирини кўрсатади. Унинг «Або Муслим», «Мавлуду шариф», «Меъроҷ», «Қиёмат» каби асарлари ҳам диний ҳақиқатлар ва ривоятлар асосида яратилди.

Фитратнинг «Мирзо Бедил» (1920) мақоласи, «Бедил. Бир мажлисда» (1923) бадиҳасида шарқнинг улуғ алломаси Бедилнинг таржимаи ҳоли, фалсафаси, тасаввуфга муносабати, файласуф ёзган асарларнинг таснифи, шоир сифатидаги услуби, форсий ғазалларининг шарҳи берилади. Бедил дунёқарашининг асослари тушунтирилади. Соҳир олим ижодини денгизга қиёс қилган Фитрат

унинг минг турланувчи жилвалари кўзни қамаштиришидан улкан ҳайрат туяди.

«*Қутадағу билиг*» (1925) номли мақоласида қадимий туркий китобнинг Фарғонадан топилган учинчи нусхаси тарихий-илмий қиммати ҳақида фикр юритилади. Олим «*Навоийнинг форсий шоирлиги ҳам унинг форсий девони тўғрисида*» номли мақоласида Навоийнинг форсчадан нечоғлик билимдонлиги борасида ҳатто улуғ Бобур шоҳ билан ҳам баҳсга киришади, Навоийга нисбатан берилиб келинган форсча девоннинг ҳижрий XI асрда яшаган Муҳаммад Муҳсин қаламига мансуб эканлигини асосли далиллар билан исбот этади.

Фитрат «*Бармоқ шеър тизими*» (1924) номли маърузасида қадимги турк шеърляти учун асосий вазн ўлчовларидан бири бўлган, ҳозирги замон турк шеърлятида ҳам фаол қўлланилаётган бармоқ шеър тизимининг тарихи, бугуни, истиқболлари ҳақида қимматли фикрлар билидирилган. Тадқиқотчи ўша даврнинг айрим олимлари томонидан бармоқ шеър тизимининг гўёки XX аср бошларида арузни ислоҳ қилиш натижасида туғилганлиги ҳақидаги ғайриилмий хулосаларини инкор қилади. У 1927-1928 йилларда жаҳон тарихида туркий адабиётнинг тамал тошини қўйган Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Болсаоғуний, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий ва унинг мактабига мансуб Сулаймон Боқирғоний, Камол Шайх, Шамс Ўзгандий, Убайдий, Худойдод, Факирий, Машраб каби тасаввуф шоирлари, Лутфий, Навоий, Бобур каби улуғ қалам аҳллари ижоди билан машғул бўлди. 1928 йилда тузилган «*Ўзбек адабиёти намуналари*» мажмуасига Рабғўзий, Дурбек, Отойи, Лутфий, Ҳусайн Бойқаро каби шоирларнинг ижод намуналарини ҳам киритди. Ўзбек адабиётининг XVI асргача бўлган тарихини акс эттирувчи ниҳоятда бой ва улкан даврда яратилган адабий материалларни қамраб олишга астойдил уринди. Олимнинг «*Аҳмад Яссавий*» (1927), «*Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар*» (1928), «*XVI асрдан сўнгра ўзбек адабиётига бир қараши*» (1929), «*Машраб*» (1930) ва бошқа мақолалари ғоятда қимматлидир.

Бу мақолаларда Фитрат тасаввуф назарияси ва мазкур маслакнинг тарихи, моҳияти, тармоқлари ҳақида маълумотлар беради. Ўз олдида турган ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар кўламини аниқлайди. Баъзан қиёсий таҳлиллар йўлидан бориб Навоийнинг «*Хама*»си иккинчи дoston бўлган «*Фарҳод ва Ширин*»

ни Шарқ оламида кенг ёйилган сюжетлар билан чоғиштиради. Оғзаки ва ёзма адабиёт муносабатларига диққат қаратади. Мазкур изланишларнинг бир қисми кейинчалик яратилган «*Форс шоири Умар Ҳайём*» (1929), «*Абулқосим Фирдавсий*» (1936), «*Ўзбек адабиёти намуналари*» 2-қитоб каби рисола ва мажмуаларнинг тайёрланишига замин бўлди. Уларнинг бир қисмигина нашр этилган бўлса-да, шундай тадқиқотлар тайёрланишининг ўзи ҳам улкан аҳамиятга молик бўлган изланишларнинг умумлаштирилиши эди.

Юқорида танишганимиздай, биргина Фитрат ижоди мисолида ҳам ўша давр матбуотида чоп этилган ўзбек адабиётшунослиги, фольклоршунослиги, диншунослиги, адабиёт ва санъат назарияси ҳамда тарихи ҳақидаги мақолалар ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Бу йилларда “*Инқилоб қуёши*”, “*Ал ислоҳ*”, «*Иштирокиюн*», «*Инқилоб*», «*Қизил байроқ*», «*Туркситон*», «*Янги Фарғона*», «*Янги Шарқ*», «*Муштум*», «*Аланга*», «*Маориф ва ўқитувчи*», “*Тонг*”, “*Ойна*” сингари кўплаб газета ва журналлар чоп этилган. Қуйида уларнинг айримлари ҳақида мухтасар маълумот берамиз.

“*Инқилоб қуёши*” – оммавий-сиёсий газетаси Ёш хиваликлар томонидан 1920 йилдан чоп қилинган. Бу газета 1939 йилнинг 2-ярмидан “*Хоразм ҳақиқати*” номида нашр этилган.

“*Ал ислоҳ*” – туркистонлик жадидлар ва сўл уламолар журнали бўлиб, 1915–1918 йилларда Тошкентда тошбосмада нашр қилинган. Журналнинг фаолияти беш сони чиққач тўхтатилган.

«*Иштирокиюн*» – газетасининг дастлабки сони 1918 йилнинг 21 июнида Тошкентда 800 нусхада чоп этилган. У дастлаб ҳафтасига уч марта чиққан бўлса, 1919 йилнинг мартдан кундалик газетага айланган. Унинг саҳифаларида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Хуршид ва бошқа ижодкорлар фаол иштирок этишган. У 1920 йилнинг 12 декабридан “*Қизил байроқ*” номида чиқа бошлаган. Кейинчалик “*Совет Ўзбекистони*” номида чоп этилган.

«*Инқилоб*» – адабий, сиёсий-оммавий ойлик журнал. У 1920 йилнинг 1 февралидан 1924 йилнинг октябригача мунтазам нашр этилган. Унга дастлаб Назир Тўрақулов, кейинчалик 1922 йилнинг августидан Усмонхон Эшонхўжаев муҳаррирлик қилишган.

Ўша йилларда фаолият юритган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва илмий-адабий ташкилот (жамият)лар орасида “*Чигатой гурунги*” ва “*Қизил қалам*” алоҳида ажралиб турар эди.

«*Чигатой гурунги*» – Туркистон жадидлари томонидан ташкил этилган маданий-маърифий ва илмий-адабий ташкилот бўлиб, 1919–1921 йилларда фаолият юритган. Ташкилотни тузишга сиёсатга аралашмаслик, маданий қурилишга хизмат қилиш шарти билан рухсат олинган. У Фитрат бошчилигида Тошкентда тузилган. Ташкилотнинг номланиши XIII – XIV асрларда мавжуд бўлган Чигатой улуси ва XVI – XVII асрлардаги эски ўзбек тили маъноларида қўлланилган “*Чигатой тили*” каби атама ва истилоҳлар билан боғлиқдир. Чунки Абдурауф Фитрат мазкур ташкилотга ном танлашда Туркистон худудида яшаган туркий халқларга дахлдор меросни ўрганишга эътибор қаратган эди.

«*Чигатой гурунги*» туркий халқлар маданияти, санъати, адабиёти, тарихи, тил ва имлоси каби соҳаларни жиддий ўрганишга киришган. Ўзбек тилининг софлиги учун курашиш, янги ўзбек миллий маданиятини барпо этиш йўлида самарали фаолият кўрсатган. У “*Тил ва имло*”, “*Адабиёт*”, “*Санъат ва театр*” сингари бир неча шўъбалардан иборат бўлган. “*Тил ва имло*” шўъбасига дастлаб Чўлпон, кейинроқ Элбек раҳбарлик қилишган. Ашурали Зоҳирий, Элбек, Шорасул Зуннун, Шокиржон Раҳимий, Қаюм Рамазон, Ғози Олим Юнусов сингари олимларнинг тилшуносликка оид ишлари Фитрат томонидан белгиланган дастур асосида амалга оширилган. Жумладан, 1919 йилда араб алифбоси ислоҳ қилиниб янги алифбо яратилган. 1921 йилнинг январида эса Тил ва имло қурултойи ўтказилган.

Маълумки, Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси 1919 йилда Фитрат, Назир Тўрақулов ва Лазиз Азиззодадан иборат ҳайъат тузиб, тарихий меросни ўрганиш зарурлигига эътибор қаратган эди. Шунинг учун ҳам «*Чигатой гурунги*» тарих соҳасидаги ишини манбашуносликдан бошлаган. Бухоро, Самарқанд ва Фарғона водийсига илмий сафарлар уюштирган Натижада кўплаб ноёб кўлэзмалар топилиб, Тошкентга келтирилган.

«*Чигатой гурунги*» адабиёт ва санъат соҳасида ҳам муҳим ишларни амалга оширган. Фитрат, Чўлпон, Боту, Элбек қаламига мансуб “*Ўзбек ёш шоирлари*” (1922) тўплами, Фитратнинг “*Темур сағанаси*”, “*Ўғузхон*”, “*Або Муслим*”, “*Қоон*” сингари драматик асарларини эшлашнинг ўзиёқ бу ҳақда муайян тасаввурлар беради.

Улар ўз гоёларини “Янги Шарқ”, “Учқун” газеталари, “Тонг” журнали орқали ифодалашган. “Чигатой гурунги” номли махсус журналининг биринчи сони чоп қилинган, журнал таъқиқланган. Ташкилот фаолияти 1921 йилнинг бошларида тўхтатилган.²¹

«Қизил қалам» – 1926 йилнинг августида Шокир Сулаймон раислигида Самарқандда ташкил этилган адабий жамиятдир. Мазкур жамият фаолиятида Отажон Ҳошим, Боту, Зиё Саид, Сотти Ҳусайн, Олтой, Анқабой, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Ойдин сингари файласуф, адабиётшунос, шоир ва носирлар иштирок этишган. 1926 йилнинг охирида жамиятнинг Фарғона ва Наманган вилоят бўлимлари очилган. Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий сингари “кекса” авлод вакилларининг қарашларидан фарқли ўларок, жамиятнинг мақсади Ўзбекистонда барпо этилаётган янги тузумга хайрихоҳ ижодкор ёшларни ўз атрофига тўплаб тарбиялашдан ибрат бўлган.

“Қизил қалам” мажмуасининг 1- китоби (1928) нашр этилгандан сўнг жамиятнинг катта ва ёш аъзолари ўртасида ихтилоф пайдо бўлган. Натижада 1929 йилда жамиятнинг бошқарув органи қайта кўрилиб, Зиё Саид унга раҳбар этиб тайинланган. Шу вақтдан эътиборан жамиятнинг органи сифатида “Аланга” журнали нашр этилган. 1929 йилда “Қизил қалам” мажмуасининг 2-китоби босилган. Мажмуанинг ҳар иккала китобида А.Самойловичнинг “Навой тўғрисида Европа олимлари”, Чўлпоннинг таржима, Отажон Ҳошимнинг адабий мерос ва жаҳид адабиёти, Шокир Сулаймоннинг Ҳамзанинг сўнги кунлари тўғрисидаги мақолалари чоп этилган. Жамият Озарбайжон ва Татаристондаги “Қизил қалам” жамиятлари ҳамда ВАПП (Бутун Россия пролетар ёзувчилари уюшмаси) билан ижодий алоқада бўлган. 1930 йилда Боту, Рамзий (Маннон Ромиз) ва Олтойнинг қамоққа олиниши билан жамият тарқалиб кетган.

Бадиий наср

Чўлпон 20-йилларда “Килеўпатра”, “Ойдин кечаларда”, “Қор кўйнида лола”, “Новвой қиз каби бир қатор ҳикоялар, шунингдек “Йўл эсдалиги” сафарномасини ёзди. “Килеўпатра” ҳикояси “Билим ўчоғи” журналининг 1923 йил 2–3 кўшма сониде босилган. Чўлпоннинг “Килеўпатра уйқуси” номли сочма шеърида мазкур

²¹ Қаранг: Қаримов Н. XX аср адабиёти манзаралари, Т., “Ўзбекистон”, 2008; Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 9-жилд, Т., 2005.

хикоя тизма шаклга солинган. Маълумки, Миср Клеопатраси хокимиятни қўлга киритиш йўлида хусни ва латофатини ишга солган. У Кай Юлий Цезар, лашкарбоши Антонийларнинг маъшуқаси бўлган. Бу мағрур аёлнининг фожиали тақдири, сиёсат бобидаги найранглари, қалб туғёнлари У.Шекспир, Б.Шоу, А.Пушкин, Т.Готьега, рассомлардан Д.Тьеполо, П.Рубенс эътиборини ҳам ўзига жалб этган.

Гўзалликда тенгсиз Нил маликасининг вафо ва садоқати Мусофир йигитга бир қадар эриш туюлади. Чунки қалбада мавж урган тизгинсиз алам билан муҳаббат боғидан чечаклар узмоқ асл санамларнинг иши эмас. Илло, ташқи майинлик бағрига жо бўлган мутакаббирлик, ёвузлик ва мустабидликни дафъатан англай олмай, меҳру вафо кутиб завол топган ошиқларнинг юзлари қайғу-ҳасратдан қанчалик сўлган ва сарғайган экан. Зотан, асл ниятини пинҳон тутган бешафқат малика гўзаллигига махлиё бўлган ошиқларинигина эмас, балки ўз-ўзини-да алдаган, ҳаловатини йўқотган эди. Аслида Фиравннинг ҳашаматли саройлари, хурмозор боғлари, беҳисоб пирамидалари, маъбудалари нақадар гўзал. Аммо ўша нафислигу латифлик ҳам зоҳирдагина намоён. Маҳобатли ҳайкалнинг фақат бошигина одам, аммо танаси шер бўлганидек, осмонўпар эҳромлар билан хароб қишлоқлар ҳам ёнма-ён. Илондек буралиб-тошиб оқаётган Нил нақадар жўшқин кўринмасин, гўзал малак Клеопатра дийдорига етмоқ илинжида оҳ чеккан қанча-қанча шахзодалар унинг тимсоҳларига ем бўлишган. Дарҳақиқат, дунёга кўрқув ва хавф солган Миср бағрида не-не сирлар яширин. Бинобарин, Мусофир йигит кўз ёшларидан пайдо бўлган “*севги гули*”нинг туюб бўлмас даражадаги ифорлари ғоятда табиий, ҳаётбахш, самимий ва бокиралиги билан маҳбуба кўнглига қайноқ харорат, тотли осойишталик, роҳат-фароғат бағишлай олади. Шу боис ҳам Клеопатранинг севги ўйинларидан кескин фарқланади.

Ойдин кечада хаёлан Клеопатра билан суҳбатлашган Мусофир йигит ўз бағридаги гулларни Миср маликасига тақдим этмоқ тилайди. Зеро, у чин севгидан бебаҳра дилга ҳам муҳаббат атрини олиб кирмоқ ниятидаги ошиқдир. Аммо кўнгилининг гизли пучмоқларида асралгучи бу гулни нигоҳлари қатига хиёнат, такаббурлик яширинган Миср маликасига бермоқ мумкин эмас. Чунки бу севги чечаги жайдари гул эмас. Гоҳида аччиқ ва гоҳида умидли кўз ёшлари-ла экилиб, кўз ёшларини кўп эмгани боис мўътабар ҳамда мангу сўлмасдир. Ошиқларини аёвсиз маҳв этган,

газабнок ва хиёнаткор Миср маликаси муҳаббатга ташна ҳамда меҳрга зор. Аммо у ўз чиркин эҳтиросларининг қули. Клеопатра ҳузуридаги иродаси мустаҳкам йигит эса садоқат тимсоли сифатида инсонлик эркию қадр-қимматини асрай олади. Шу боис ҳам Клеопатранинг маликалик салобати, беқиёс гўзаллиги, жўшқин эҳтиросларига алданмайди. Зотан, хиёнат ва муҳаббат олов ҳамда сув каби бири иккинчисининг зидди. Бинобарин, Нил маликаси чинакам севиш ва севилишга муносиб эмас. Демак, жисмоний эҳтиросларидан баланд туриб, қалб амрига кулоқ тутган кишигина севги боғидан сўлмас чечаклар узмоққа муносибдир.

Бегона малакдан дили оғриган Мусофирнинг кўнгил кўзлари Амударё бўйларига тикилган. Қалби Аму соҳилларида макон тутган ўз Клеопатрасига томон талпинади. Миср диёрига табиий, ҳаётбахш, самимий, бокира, қайноқ хароратли ва роҳатбахш туйғулар улашган йигит ўз диёрига – ёрига томон ошиқади. Чунки унинг Нил бўйларидан йиққан гулдастаси Ватандаги ёрга аталган. Демак, чин ва соф севги, вафо ва садоқат икки қалбнинг кўнгил мулки. Кўз қорачиқларида асраб-авайланадиган бу эзгу туйғу шоҳу гадога баробар. Лахзалик эҳтиросу ҳаваснинг қурбони бўлган кимса эса чин софлигию бокиралигини мангуга йўқотгай. Агар тахту салтанат ваҳшати Клеопатранинг бахтига тўсиқ бўлган бўлса, йигит кўпириб тошаётган Аму тошқинлари билан олишишга мажбур.

Назаримизда, Чўлпон мазкур ҳикоя финалида йўл айрилишида қолган Мусофирнинг *“етим қолган гўли”* ҳақида сўзларкан, образнинг ассоциативлиги ва рамзий-мажозийлигини орттириш ҳисобига севгини ҳаёлот қадар мутлақлаштиради. Айни пайтда адиб интим туйғуларини жиловлаб, ижтимоий дардлар оғушида қолишга мажбур бўлган ўз ҳолига ишора қилаётгандай туюлади. Англашиладики, Чўлпон рамзлар остига ботиний маъноларни жойлайди ва мазмунни нафақат замонаси, балки ўз руҳиятида кечган ўй-фикрлар билан ҳам боғлайди. Мавжуд реалликдан қониқмаган адиб борлиқни ҳис-хаёллари билан тўйинган гўзаллик оламида бадий акс эттиришга майл билдиради. Бошқачарок айтганда, моҳият эътибори билан мумтоз романтик адабиёт анъаналарига эргашади.

“Йўл эсдалиги” *“Билим ўчоғи”* журналининг 1922 йил 1- сонидан босилган. Сарлавҳанинг пастига *“1921 йил 27 май”* санаси қўйилган. Таъкидлаш лозимки, адиб ижодида йўл хотиралари

жанрига мансуб “*Вайроналар орасида*”, “*Чимкент хатлари*” сингари публицистик асарлар ҳам мавжудлиги сафарнома Чўлпон ёқтирган жанрлардан бири бўлганлигини кўрсатади. “*Йўл эсдалиги*” сафарномаси маърифий қиммат касб этиши баробарида, туйғу ва кечинмаларга йўғирилганлиги боис китобхонни ижодкорнинг муайян даврдаги рухий-психологик кечинмаларидан ҳам огоҳ этади. Наср ва назмнинг ўзаро мутаносиб тарзда уйғунлашганлиги, адиб ахборот-мулоҳазалари – ижодкорнинг самимий дардлари лиро-эпик йўсинда ифодаланганлиги билан характерланади.

Носир тотли умидлар билан сафарга отланса-да, кузатиб кўювчи самимий ва меҳрибон кишиси йўқлиги, энг яқин деб билган дўстлари ҳам совуққани хайрлашишгани боис, ғоятда ўксик ҳамда тушкун рухий ҳолат, эзгин кайфият билан йўлга чиқади. Гарчанд бундай кайфиятнинг пайдо бўлиши бир жиҳатдан ўрганган макондан айрилиш билан боғлиқ бўлса-да, аслида анчадан бери Чўлпон ўзини ёлғиз, толиққан сезарди. У “*кенг кўкнинг юмшоқ кўрпалари устида ағанагон*” кезларда яъни борлиққа сингиб кетгулик даражада хаёлотнинг гўзал кучоғида ором олишни хуш кўрарди. Умидсизликдан қийналган, эзилган лаҳзаларда хаёлий гўзалликлар кучоғидан юпанч топарди. Зотан носир хаёлангина кўнгил талпинишларига ҳамдам бўлиб, ёлғизлик ва ётлик туйғулари исканжасидан қутула оларди.

Шунинг учун ҳам автомобил олачуқ ва капалар оралаб қоронғилик қаърига сингиб бораркан, у зулмат ваҳимасини қувишга уриниб, йироқ-йироқларда милтилаган чироқларга термулади. Кўнгилнинг олис пучмоқларида порлаган умид ва йўқсилларнинг ночор кулбасида йилтиллаган чироқлар ўртасида ажиб бир ўхшашлик туяди. Аммо тобора куюклашиб бораётган қоронғилик даҳшати кўнгилни хаёлий юксакликлардан ер бағрига туширар даражада кучаяди. Шунда маъшуқа ёдигина бутун фикр ва хаёлни йиғишга, юпанч топишга кўмаклашади. Бу ўриндаги маъшуқа ким? Чўлпон “*севгимнинг исми*” деб атаётган зот ҳар бир мўмин банда дилидаги Аллоҳми?

Сафарнинг иккинчи куни. Эрта тонг. Кўкда на қиздирғувчи қуёш, на қора булутлар бор. Чучмал бир вазият. Аммо субҳидамда сабо таратган гул исларидан уйғонган Чўлпонни тунги телбавор кайфият-ҳолат тарк этган. У атрофни хаёл аралаш лоқайдгина кузатиб бораркан, машина бепоён кенгликлар, майсазор далалар ичра ястанган қип-қизил лолақизғалдоқлар денгизи оралаб ўтади. У

ўзини гўё хаёл етмас даражадаги кенглик ва ҳаётбахш қизилликка йўғрилган нафислик бағрига сингиб кетгандай сезади. Лолалардан ясалган денгиз бутун борлигини чулғаб тортқилаганида табиатнинг бу эҳсонини эзгулик нишонаси деб билган Чўлпоннинг оппоқ ва покиза умидлари яна жонланади: “*Оҳ, агар бир булбул бўлса эди-да, гул тенгизининг қизил тўлқунларига қўнуб ишқимнинг оғир бир нағмасини сайраса эди*”, - дея ўтли дил изтиробларини изҳор этади. Чўлпон ишқи яшнаб турган гуллар билан боғлиқ эканлиги унинг ҳаётбахшлигини кўрсатади. Аммо нечун у оғир нағмаларни ўз бағрига олган? Нечун уни баралла ошкор этмоқлик душвор? Азалдан ўтли оҳ чекмоқ ошиқлар шеvasи эканлиги боисми? Назаримизда, ёзувчи Ватан адирларию боғларида турфа гулларнинг гўзал денгизлари ҳамиша нафис чайқалиб туриши, саррин саболар гул атрини таратишини астойдил тилаган, аммо айни дамда қўнгли алланечук оғир изтироблардан ўртанган.

Нихоят Чўлпон Жиззах шаҳридан чиқиб, тоғ тизмалари оралаб боришаётганлиги ҳақида ахборот беради. Май ойининг охириги кунлари бўлгани боис тоғлар тўқ қўқ тусда. Бироқ Жиззах шаҳрини носир: “*Вафо кўрмаган ошиқнинг кўнглидай бузғунлиққа учрагон*”, - дея таърифлайди. Назаримизда, адиб бу ўринда Бухоро амирининг Сирдарё водийсидаги сўнгги таянчи бўлган Жиззах мудофааси (1866 – 1868 йиллар)да Англия ҳукумати ва Туркия султони ёрдам беришни рад этганлиги, Қўқон ҳукмдори Худоёрхон ўз ҳомийси Бухоро амирига нисбатан хоинона иш тутганлигининг фожиали оқибатларини назарда тутди. Ички низолардан кутула олмаган, умумий душманга қарши иттифоқ бўлолмаган ўзбек хонлари, шахсий хусумати юрт манфаатидан устун келиб боши қовушмаган бек ва сардорларидан нолийди. Ватан тақдири ва халқ иродасининг ифодачиси сифатида талон-торож қилинган Жиззах, муқаддас юрт озодлиги учун ҳаёт-мамонт жангида қурбон бўлган мард ва жасур жангчилар тақдирига ачиниш туйғуларини изҳор этади.

Чўлпоннинг олислардан чиройлик кўринган тоғлар яқинлашган сари тобора салобатли ва сервиқор бўла боришини “*севгим каби чиройлик*”, “*ваҳимдай ўсган*” дейиши бежиз эмас. Чамаси Чўлпон бизни ўз дардларини руҳиятига яқинлашиб тушуниш ва бу жараёнда кўрқинч туйғусининг ўсганлигига эътибор қаратишга ундаётган кўринади. Бизнингча, Чўлпон ўз хаёлларини реал ҳақиқатлар тўсганлигини англагани ҳолда, тоғнинг юксалишини тўсган куч нима эканлигини билолмай ўртанишига ҳам алоҳида

эътибор бериш лозим. Тоғнинг юксалишига кўнглидан жавоб тополмай, сўроғига жавобни табиатдан излаган Чўлпон интуитив тарзда бўлса-да, чекли объектларни билишга, шу орқали чексизлик сирларини англашга интилган кўринади.

Чунки хаёлий юксакликларга кўтарилмоқни истаб, кўзни ўйнатар қадар юксалгач, тоғларнинг ўсишдан тўхташи аслида ҳар нарса фазо ва вақтда ўз ибтидоси ва интиҳоси яъни аниқ чегараларига эга эканлиги билан боғлиқдир. Бинобарин, Чўлпоннинг айни ҳолат-кечинмаларигина эмас, уни қийнаган ечими мушкул дардлар ҳам интиҳосиз эмас. Ҳаракат ва ўзгариш мавжуд экан, нарсалар каби ҳодиса ва жараёнлар ҳам чеклидир. Англашиладики, оламнинг фазо ва вақтда бениҳоялиги аслида унинг зиддиятдан иборатлиги билан боғлиқ. Демак, бизни қуршаб олган дунё билан тинимсиз алоқада бўлган барча нарса ва ҳодисалар чеклилик ва чексизликнинг бирлигидан иборат.

Чўлпон тоғ чўққиларидаги қоп-қора баҳайбат қуруқ тошни энг юзи қора алвастига, теграсидаги майда тошчаларни эса унинг қисмларига ўхшатади. Чунки, бу маскан қанотлари кучли, кўзлари ўткир, йирткич лочинлар макони. Бу ўринда носир рамзий усулда шаҳид ва қурбон истаб консираган даврга, унинг жаллодларига ишора қилинаётганлигини англаш, Чўлпоннинг қўрқинчдан титраган кўнглини тушуниш мумкин бўлади. Илло “*гўзал қуш*”нинг эндиликда хаёлий юксакликларда бўлмаса ҳам сорлар, чўзахотлар ва лочинлар галасидан пастроқда эканлиги, ҳамон гуруллаб учиши Чўлпон умидларининг буткул сўнмаганлигини кўрсатади ва китобхон кўнглига юпанч бағишлайди.

Тоғлар ёнидан ўтиб боришаркан, кўкатлар орасидан визиллаб учиб чиққан бир капалак учиб келиб машина деразаси ёнидаги ип устига кўнади. Ана шу оддийгина ҳодиса Чўлпон руҳиятига ниҳоятда кучли таъсир қилади. Чунки у капалакни ғоятда гўзаллиги учунгина эмас, балки гуллар билан тиллашадиган, уларнинг юзларидан бўса оладиган эркин ва озод мавжудот эканлиги учун ҳам севади. Носирнинг наздида капалак ҳам ўзи сингари севги дардига йўлиққан. Демак, у икки дардли дилни бирлаштирмоқ тилагида учиб келган. Чўлпоннинг хаёлида капалак гўё тилланган ва сайрагандай, ниҳоятда ўйноқи эртак сўйлагандай туюлади. Гўё у гуллар билан ўпишганидан ҳикоя қиларди. Беихтиёр тарзда Чўлпон хаёллари эртак сеҳрида тоғ чўққиларидан тола сари инади. Энди капалак ва шоир руҳи бирлашиб, эркин парвоз эта бошлайди. Тотли

туйғулар етовидаги Чўлпон айна лаҳзаларда ижоднинг шоирона беғубор нашъаси билан капалакка қарата: “*Қурбонинг бўлай, Кел, бир ўтайин.*”,-дея хитоб қилади. У ҳамон илҳом лаҳзалари қўйнида экан, ўз “*қизил лола*”си юзларига юмшоқ иринларини босмоқни тилайди. Севимли маконида эркидан маҳрум бир ошиқ сифатида бунинг имконсизлигини англаб, капалақдан уялиб бош эгади. Бинобарин, хижолатдан боши эгилган ошиқ руҳияти яна маҳзун ва музтар ҳолат касб этади.

Қуёш ўз ётоғига бош ургунича йўл босган Чўлпонга борлик фақат ошиқ ва маъшуқа муносабатларидан иборатдай туюлади. Жумладан, Қуёш улуг ва ҳайбатли тоғларнинг севган гўзали. Бу маҳбубанинг жилмайишига бардоши етмаган тоғлар кўз ёш тўкади – эрийди. Натижада пастда дарё пайдо бўлади. Унинг Зарафшон аталиши ҳам зинҳор бежиз эмас. “*Зарафшон*” сўзи аслида тоғ – ошиқнинг кўз ёшлари яъни “*зар*”ни “*афшон*” этгувчи – сочувчи демакдир. Улкан дарёни пайдо этган “*кўз ёшлари*” ҳам севимли маҳбуба – денгизга интилган ошиқлардир. Ҳайбатли уммон кучоғига етолган дарё сувлари бахтли, ерга сингиб йўқликка юз тутганлари эса бахтсиздир. Зотан, ошиқ аҳли азал-азалдан бахтли ё бахтсиз бўлади.

Кўринадики, Чўлпоннинг наздида юксак тоғлар ва шарқирок дарёлар ошиқ – куёш ишқ. Қорлар ва сувлар ошиқ – денгиз ишқ. Чунки йиғламоқ, эзилмоқ, оқмоқ, чопмоқ, ўзини ҳалокат кучоғига отмоқ, гоҳида тилакка етмоқ, гоҳида эса йўқлик саҳросида адашмоқ ошиқларга, мағрурлик, кулмоқ ва қочмоқ эса машуқаларга хосдир. Демак, унинг кўз ўнгида намоён бўлган эрка ва ўйноқи Зарафшон ҳам не-не тўсиқларни писанд қилмай денгиз сари шошади. Мақсади аниқ бўлган дарёнинг бу ҳаракатида: “*Кўп танларни ағдарарлик улуг куч*” мужассам.

Шубҳасиз, бу ўринда Чўлпон қочган маъшуқасини қувиб бораётган ошиқ сифатида эзгу умидларининг ушалиши ёхуд шу йўлда йўқлик бағрига сингиб битишини теран англаганлигига ишора қилмоқда. Айна пайтда у бутун оламни доимий ҳаракат ва ўзгаришда деб билади. Ҳаракат тушунчасини нафақат борлик, балки кишилик жамияти ва инсон қалбида содир бўлаётган барча ўзгариш ва жараёнлар билан узвий боғлайди. Ҳар қандай ҳаракатнинг манбаини борлиқнинг ўзидан ахтаради. Ҳаракат мутлақлиги умумий хусусият эканлигини тушуниш билан чекланмай, унинг нисбийлигини конкрет шаклларда намоён бўлиши билан изоҳ-

лайди. Ҳаракат шакллари ўртасида қатъий кетма-кетлик (субординация) боғлиқлиги мавжудлигини диалектик алоқадор-ликда тушунади.

Демак, табиат ҳодисалари, ёлғизлик, ижтимоий эркинликка тўсиқ бўлаётган тарихий-сиёсий вазият билан йўлсизликдан қийналаётган носир руҳиятининг ўзаро таъсири сабаб Чўлпон кайфият-ҳолатлари тинимсиз ўзгариб туради. Чунки унинг мақсади аниқ. Тафаккури эса юрт тақдири, миллат ва унинг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий муносабатлар билан банд. У адолатли асосга қурилган озод жамият яратиш орзусини рўёбга чиқариш йўлида тинимсиз ҳаракат ва изланишда. Гарчан ваҳми нечоғлик ўсган бўлмасин, севгиси чиройли эканлиги боис қалбида “*зуриллаган*” кушнинг “*кўп танларни ағдарарлик*” Зарафшоннинг кудрати янглиғ енгилмас ва улуғ куч мужжасам.

Йироқ йўлдан келган сайёҳ тили билан ошкор этолмаган дардларини комил ишонч билан: “*Меним қаламим айтқандир... Ўқунг!... Меним дostonларимни, “Олтун дафтар”ни*”, - дейиши бежиз эмас. Афтидан, адиб асар ички табиатига кўра воқеабанд сюжетга эга эмаслиги, унда лирик унсурлар бисёрлиги, воқелик лирик субъект руҳияти орқали ифодаланиши дан келиб чиқиб, асар жанрини *насрий дoston* деб белгилаган кўринади. Ҳақиқатан ҳам, унда сайёҳ руҳиятидаги ҳис-туйғулар ва ўй-фикрлар кураши етакчилик қилади. Серқатлам рамзий-мажозий ифодага кенг ўрин берилади ва лирик-романтик руҳ диққатни тортади. Буларнинг барчаси, асарда Чўлпон насрида аксарият ҳолларда кузатилган лирик тафаккур, шоирона нозиклик анча қабарик тарзда намоён бўлганлигини кўрсатади. Шунга қарамасдан, адабиётшунослигимизда “*Йўл эсдалиги*” нинг жанрини шартли тарзда бўлса-да “*сафарнома*” деб аташ шаклланган.

Агар биз унинг “*Олтун дафтар*”ни ишониб топшираётган ҳолатига диққат қилсак: “*Қалтирагон бармоқлар, қўллар*”ни кўрамиз. Ўз истак-тилакларини англатмоқ ниятидаги носир зохиран қаралганда “*Йўл эсдалиги*” деб оддийгина номланган саккиз бўлимдан иборат ўзига хос мозаиканинг сўнгги фаслига нечун “*Чин бирлик*” деб ном қўйди экан. Бизнингча, шоир қалами айтган ҳақиқатларни англаган китобхонгина Чўлпоннинг иссиқ ва тотли лабларидан бўса олиб, у билан маънавий- руҳий бутунликка эришади. Яъни чин бирлик ҳолати содир бўлади.

Демак, Чўлпон ўз ёлғизлигини миллатдошлари қалбига эл-юрт ишқини жойлаб бартараф қилмоқдек некбин умид ва ишонч билан асарга сўнгги нуқта қўйган. Шундан кейингина унинг қалби шаффоф нурларга тўлган, бардамлик ва бақувватлик касб этган. Уни сафарга чиққан пайтдаги ўксик, тушқун руҳий ҳолат ва эзгин кайфият буткул тарк этган. Зотан унинг чун ёниб куйган, бошини зўр ишга бериб қўйган Чўлпон бизга тушда ҳам, ўнгда ҳам, йўлда ҳам хаёлини тарк этмаган “*гўзал*” хабарини етказиб муддаоси ҳосил бўлган эди.

А.Қодирий 20-йилларда “*Калвак Маҳзумнинг хотира дафтари*дан”, “*Тошпўлат тажсанг нима дейди?*”, “*Ширвон хола нима дейди?*”, “*Тинч иш*”, “*Жинлар базми*”, “*Отам ва большевик*”, “*Эски мактабдан қутулиш*” сингари қатор ҳикояларини ёзди. Ёзувчининг “*Калвак Маҳзумнинг хотира дафтари*дан” (1923 – 1927) қиссаси қаҳрамони Тошкент шахрининг забардаст уламо-ларидан бири – Мирзасалимсоқ Охунднинг ёлғиз ўғли Калвак Маҳзумдир.

Мирзасалимсоқ Охунд Бухоро мадрасаларида таҳсил олган, Макка ва Мадинани зиёрат қилган ҳожи, ўз замонасининг машҳур уламоларидан биридир. Мадрасанинг бош мударриси лавозимида узоқ йиллар меҳнат қилган Охунднинг шогирдлари орасидан кўплаб козию мударрис, маҳалла имомию мактабдор муаллимлар етишиб чиққан. Унинг умр йўлдоши Маҳзинабону ҳам покдомон, диёнатли аёл. Оила узоқ йиллар бефарзандлик ғам-андуҳини чекиб, Аллоҳдан солиҳ фарзанд тилайди. Ниҳоят, зори-тазаррулар ижобат бўлиб, Охунд қирқ беш ёшга етганида ўғиллик бўлади. Калвак Маҳзум ёшлигида “*кўзикиб*” ҳақимларнинг маслаҳати билан “*даволанган*”, икки йил бешиқда ётиб боши: “*кесак қисқан қовундак*” – қийшиқ, кўзи: “*қассобдан эт олуб, баққол бирлан муомала қилатурган*”– ғилай, қорни: “*говлаган тарбуздек*”– беўхшов ва инжиқ табиатли бола бўлиб ўсади. Боз устига чечакнинг асоратидан унинг юзи: “*...гўёки ҳусни Юсуф бизда хотима топди... Агар сиз бир ҳовуч тариқни юзимга қаратиб сепсангиз-да бир, дона ерга тушса биз минават*” қабилида ғалвирак ва чандиқ бўлиб қолади.

Маҳзум ота-онасининг меҳрибон кучоғида “*Қозғозда асралган қантдек*” авайлаб парвариш қилиниб, намозинигина эмас, ҳатто нафл рўзаларини ҳам қанда қилмайдиган, ёмонликдан парҳез қилувчи кимса сифатида диний-илоҳий руҳда тарбияланади.

Жумладан: “Алифбе”, “Абжад”, “Ҳафтияк”, “Қуръон”, Сўфи Оллоёвнинг “Саботул-оҷизин”, “Тухфатут-толибин”, “Маслакул-муттақин”, “Муродул-орифин” номли китоблари, шунингдек, буюк форс шоири Хўжа Ҳофиз Шерозий “Девон”ини ёд олганида у ўн олти-ўн етти ёшларида эди.

Демакки, у оила муҳотида мактаб таълимини тугаллайди. Унинг асосий ўрганган мавзу ва ғоялари: илмнинг аввали Худони таниш ва охири унинг буйруқларига итоат этиш. Одамнинг тўғри эътиқодда бўлиши унинг инсонлигини белгиловчи ягона омилдир қабилдаги – ақоид, дин, илоҳиёт масалалари эди. Шунингдек, Маҳзум тил, ҳисоб ва шеърятга ҳам ошино бўлади. Шундан кейин мадраса таҳсилга киришиб, дастлаб “Кофия” – араб тили грамматикасини ўрганиш билан машғул бўлади. Кейинчалик эса, икки йил мобайнида “Шамсия”, “Мухтасарул - виқоя”, “Шарҳул виқоя” каби арабча дарсликлардан мантик илмини чуқур ўрганади.

Тенгдошлари орасида энг ғайратли талаба ҳисобланувчи Маҳзумнинг дастлабки беш йиллик таҳсили давомида фақат араб тили грамматикасини ўзлаштириши, дунёвий илмлардан мутлақо беҳабарлиги туфайли кулгули аҳволга тушиши мисолида муаллиф жадид мактаблари билан эски мактаб ва мадрасаларни қиёслайди. Натижада, адиб тиббиёт, фалакиёт, география сингари замонавий илмларни ҳам чуқурроқ ўрганиш, уларни инкор этиш ҳолларига чек қўйиш тарафдори сифатида майдонга чиқади. Ёзувчи оғзи ошга етмасдан, боши тошга теккан Маҳзумнинг ташвиш ва тўпалонларга тўла уйланиш ва ажралиш тарихини батафсил тасвирлайди. Бу орқали мадраса талабалари ўртасидаги айрим қабих ишлар ва ижтимоий ҳаётда хотин-қизларнинг эрксизлиги, уларга нисбатан жоҳилона муносабат масалаларини ҳам кўтариб чиқади. Ёшларимизга замонавий илм-фанни ўргатиш тарафдори бўлган адиб Тошкент шаҳрига ўқишга юборилган ўғли Хўжа Муҳаммад Боғийни қайтариб юборишга ёрдам беришини сўраб мурожаат қилган бухоролик деҳқон Мулла Аброрхўжа сингари азбаройи бугунги маншатинигина ўйлайдиган кимсаларни кескин қоралайди. Охунднинг ўпка шамоллашига ҳақимлар даво тополмаслиги мисолида эса ўлкада тиббиётнинг ночор аҳволда эканлиги рўй-рост кўрсатилади.

Расмий ҳукуматдорларнинг фуқарога зулмидан беҳад ранжиган Маҳзум мулла Аброрхўжага ёзган мактубида: “...ул ҳаромзодалар андак сабабини айтиб дарҳол қамоққа олмоқдин ҳам тоймаслар”, -

дея нолийди. Махзум шўро маҳкамалари маъмурларининг фуқарога нисбатан бюрократик муносабати эски давлатчилик қоида ва низомларидан кескин фарқланмаслигидан беҳад ранжийди. Қиссининг “Қавоидул –умаро” фаслида Худоёрхоннинг бек ва бекзодалари, Николай подшоҳнинг тўралари билан оддий фуқаро ўртасида хитой девори мавжудлиги хусусида сўз боради. Дарҳақиқат, яқин ўтмишда куйи табақадан юз ўгирган амалдорлардан халқ кўрқар ва ғоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўларди. Чунки бу амалдорлар фуқарога илтифот назари билан боқмас, зинҳор ҳамсухбат бўлмас эдилар. Зарурат юзасидан қабулга кириш учун ариздор неча кунлаб сарсон-саргардон бўлса ҳам, бу ҳол давлатчилик илми, арбобнинг сиёсати саналарди. Ёзувчи Норбўта-хон, Олимхон, Умархон, Ботирхон, Маъдалихон, Шералихон, Худоёрхон ва Маллахон сингари ҳукмдорлар хусусида тўхта-ларкан: “...фуқарога мундоғ зулми раво кўрмас эдилар”,-дея таъкидлайди. Эски амирларнинг вазифалари таомилга асосан: мамлакат фуқароларидан таноб ва закот солиғи олиш, юрт мудофааси учун аскар сақлаш, халқ осойишталигини таъминлаш, мадраса вақфларига дахл қилмаслик, шаръий урф-одатлари маросимларни назорат қилувчи махсус лавозим таъсис этиб маош билан таъминлаш каби масалалардан иборат бўлганлиги фактининг ўзи бу фикрнинг ҳақиқат эканлигини тасдиқлайди.

Мадраса вақфидан келадиган даромад ҳисобига яшайдиган Махзум оқила ва покдомон бир бевага уйлангач, маҳалла имомлигига ўтгунигача бўлган даврда иқтисодий жиҳатдан мушкул аҳволда яшайди. У отаси вафотидан уч йил ўтгачгина, Аллоҳнинг мавжудлиги ва бирлигидан хабар берувчи илм – “Ақоид” ни тамомлайди. Бир ўғил ва бир қизчаси ёшлигидаёқ вафот этганида, меҳрибон волидасидан ажралганида ёхуд камбағаллик, очлик ва замон ҳодисаларини англаёлмай қаттиқ изтироб чекиш оқибатида мияси зўриқиб бош оғриғи касалига чалинганида ҳам Махзум Аллоҳ ёдини дилда сақловчи, Яратганнинг марҳаматидан умидвор мўмин сифатида кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам бошига тушган кулфатларни Аллоҳнинг иродасидан деб билади Учинчи фарзанди Ўлмасбиби яшаб кетганида эса, умри билан берган экан, - дея шукрона қилади. Демакки, эндиликда у Аллоҳ таолога имон келтирган, унинг қудрати ва ҳикматини тафаккур қилиб, ҳар бир ишни унинг ихтиёрига ҳавола қилувчи, исломга хилоф иллатлардан, хурофотлардан холи – руҳан ва маънан пок уламога

айланади. Аммо ўгли йўқлигидан кўнгли ўксиган дамларида бирорта ёшроқ аёлга уйлансаммикин деган ҳаёлларга ҳам борадики, бу ҳол Абдулла Қодирий уни имкон қадар тирик одам сифатида чизишга уринганлигини кўрсатади.

Аммо замон ўзгариб, “эски зиёли”лар мадрасалардан ҳайдалади ва вақф ерлари мусодара қилинади. Маҳзум аввало мадрасадан, кейинчалик эса маҳалла имомлигидан ҳам маҳрум бўлади. Ишсизликдан қийналган етакчи қаҳрамон хотинининг чархи ва ўзининг дуохонлигидан келадиған арзимас даромадгагина яшайди. У бирор маҳқамада мирзалик қилишга ҳам рози. Аммо ҳукуматнинг “синфийлик” қарашлари бунга имкон бермайди. Айрим собиқ имомларнинг йўлини топиб янги ҳукумат ишига ўтиб олишгани арзимаған маошига данғиллама иморатлар қуришаётганини кўрганида бу бедаволардан нафратланади. Замона зўрниги бўлған даврнинг уламози сифатида етарлича эътибор топмаған ва йўқчиликдан қийналған кезларида у ўзини толесиз кимса деб ҳам ҳисоблайди. Қисса қаҳрамоннинг айнан ана шу дилгир кайфияти руҳида битилған. Маҳзумнинг болалик хотираларига шўнғиши аслида унинг ўтған умрини теранроқ англашга интилиши, замонасини тушунишга уриниши ва меҳр-оқибат соғинчидан туғилған ҳолат-кайфияти билан боғлиқ жараён. Бинобарин, Маҳзум фикр кишиси. Илло, унинг кўчама-кўча, гузарма-гузар кезиб юриши дунё ишларини кўриб, фикр-мулоҳаза қилишдан ўзга ҳолат эмас.

Назаримизда, мусулмонларнинг аянчли аҳволи ёрқин тасвирланиши жиҳатидан учта муҳим ҳолатга диққат қаратиш лозим кўринади. *Биринчи ҳолат* Абжал сариқ образининг ғоятда характерли чизилғанлигидир. У шаҳар милициясига ишга ўтиб, ҳарбий кийим кийған, елкасига милтиқ осған бўлса-да, ўз эътиқодига содик ва буни ошкор этишдан кўрқиб яшайди. Маҳзум олдида тирикчилик тошдан қаттиқ даврда замонга ҳамқадам бўлишга мажбур эканлига иқрор бўлади. *Иккинчи характерли ҳолат шундан иборатки*, ҳукумат ишига аралашған маҳаллий амалдорлардан бири жон таслим қилар чоғида, маҳфий тарзда бўлса-да, жаноза ўқитиб кўмишни васият қилади. Эртасига Оврўпача удумлар билан кўмилиши лозим бўлған ўлик учун азбаройи эҳтиёткорлик юзасидан қўшни маҳалладан чақиртирилған имом – Калвак Маҳзум ушбу фарз амални адо этади. *Учинчи ҳолат* эса Маҳзумнинг хуфтон намози олдидан намозхонлар олдида оят ва ҳадислардан мисол келтириб, мулкдорларнинг ерларини эвасиз

тасарруф этиш гуноҳлигидан сўзлаши билан боғлиқдир. Чунки у амри маъруфнинг *“Ер ислоҳоти”* сиёсатига зид эканлигини дафъатан англаб етмайди. Сарсон-саргардонлик, кўрқув исканжасида ўртанган қаҳрамон сал бўлмаса, инқилоб душмани сифатида маломатга қолиб жазога тортилиши мумкин эди. Қонундан беҳабар имом тунов кунги жаноза соҳиби – туман милиция бошлиғининг марҳамати билангина омон қолаар экан, эътиқод эркинлиги-да таъқиқланган замонага дучор бўлганлигидан қаттиқ таассуф қилади. Масжид ва хонақоҳларда ҳам ҳукуматнинг махфий кишилари борлигини англаб экан, балою офатлардан асранмоқ учун зинҳор амри маъруф айтмасликка қарор қилади.

*“Мусҳафи Усманий”*нинг 1923 йилда Ўрта Осиё мусулмонлари ихтиёрига берилганлигидан хабардорлиги боис Каломи шариф зиёратини кўнглига туккан Махзум *“Турон”* кутубхонасига ташир буюради. Қироатхонадаги саранжом-саришталик, орасталик, одамларнинг курсида ўтириб газета ва китоблар ўқиши, уларга текин хизмат кўрсатилиши, деворларда суратлар борлиги унга тилсимотдек туюлиб, ҳайрону саросима ҳолатида қолади. Аёл ва эркекнинг ёнма-ён ишлаши Махзумга тийиксизлик ва нопоклик бўлиб туюлади. Афсуски, у пўлат сандиқларда сақланаётган Мусҳаф зиёратига мушарраф бўлолмайди. Шунингдек у: Бурхониддин ал-Марғинонийнинг фикҳга бағишланган машхур *“Ҳидоя”* асарига Убайдулла ибн Маъсуд ал-Маҳбубий ёзган шарҳ – *“Шарҳул виқоя”*, Абдурахмон Жомийнинг араб тили грамматикасига оид *“Шарҳи мулло Жомий”*, Сўфи Оллоёрнинг фикҳга доир *“Маслаки муттақин”*, Сулаймон ибн Язурунинг Муҳаммад пайғамбар ва авлиёларнинг ҳаётларидан нақл ва ривоят қилувчи *“Жалойили ҳайрот”*, Фулом Хусайн ибн Саид Муҳаммад қаламига мансуб сихр, дуо ва кароматга оид *“Канзили Хусайн”*, шу мавзуда битилган *“Нурномаи шариф”*, Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг тасаввуфга бағишланган *“Кимёи саодат”* сингари дин, илоҳиёт тасаввуф ва тилшунослик масалалари ўрганилган аксарият асарлар йўқлигидан ниҳоятда таассуф ва надомат чекади.

Натижада, Махзум илм-фан ва дунёвий масалалардан баҳс этувчи барча асарларни *“нопок китоблар”* ва *“қуруқ қоғозлар”*, қироатхонани *“налид бир жой”*, *“шайтонхона”*, унинг ходимларини эса *“мақсад-муддаосиз ислоҳотчилар”* деб билади. Беҳад қаҳр-ғазаби алангаланиб, янги китобларни ағдар-тўнтар

қилиб, кўчага чиқариб ташлаш ҳаёлига ҳам боради. Чунки унинг наздида “*фитна замон*”нинг мазкур китоблари мусулмонларни йўлдан оздиради. Жумладан, Маҳзумнинг мантиқига кўра: тўққиз яшар шоир бола – Абдулҳамид Чўлпон уламолар ва андижонлик Миркомилбойнинг золим ва зикналигини танқид қилиб газетага ахлоқсизлигу ёлғончиликдан иборат бемаъни ва шайтоний шеър ёзган. Тошпўлат тажанг эса феъл-атворини баён этаркан: ичкилик ичиши, ўғирликка қўл уриши, ҳукумат пешволарини ҳақорат қилиши, фақирликка сабр қилмаслиги, уламоларни ёмон сўзлар билан ёдлаб юзини ерга қаратиши, саллани қисқартириши, ноҳақ қон тўкишига иқроқ бўлган. Бинобарин, у очикдан-очик динсиздир.

Маҳзум охирақт илмларини эгаллаган зиёли бўлса-да, Германиядаги иқтисодий инқироз, Туркия инқилоби, Япония зилзиласи сингари етти иқлимда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни эшитди. У 1917 йил тўнтаришлари ва большевикларнинг давлат тепасига келиши билан боғлиқ ҳодисалар кўплаб кирғинбаротлар билан боғлиқ эканлигини билиб олади. Ўзбек тилининг давлат тили мақомида эканлигидан тортиб, дўкон очиш учун ҳокимиятдан бериладиган рухсатномани олиш мушкуллигию аъзолик бадалининг нархи ошиб кетганлиги ҳақидаги хабарларгача воқиғ бўлади. Таъқидлаш лозимки, бундай янгиликлар Маҳзумнинг онгида фақат ахборот сифатидагина мавжуд. Шунинг учун ҳам ижтимоий аҳамиятга молик саналмайди ва ғоя сифатида ҳам қабул қилинмайди. Унинг қалбини маънавий-руҳий ҳолатининг узвий қисмига айланган диний-илоҳий ғоялар, шаръий ҳукмларга хос меъзонлар эгаллаган. Маҳзум тийнатида миллий-генетик хусусиятлар ҳукмрон. У шарқона ахлоқий нормаларни имкон қадар ўзлаштирган. Айнан шу куч қаҳрамонни ҳатти-ҳаракатга даъват этади ва фаолиятини рағбатлантирувчи дастурни белгилаб беради. Маҳзумнинг шалтоқ ишларга аралашиб қолиши, аҳли аёлига оғир тан жароҳати етказиши, қаҳр-ғазаби алангаланиб, жаҳид китобларини кўчага чиқариб ташлаш ҳаёлига бориши каби ҳолатлар шунини кўрсатадики, у ҳамиша ҳам ўзини тўла идора эта олмайди.

Кўнгли бир оз хотиржам бўлган фурсатларда газеталарда ёзилган мақолаларни мутолаа қилиб турадиган Маҳзум иттифоқо “*Қишлоққа юзингни ўйир!*”, - деган шиорни ўқиб, дабдурустан маъносини англамайди. У бирор қишлоқдан каромат соҳиби ёхуд масҳарабоз чиққанми. Қишлоққа кино келдими. Шаҳарлик

арокхўрлар бечораҳол қишлоқ аҳли хузурида маишат қилишдан уялмайдиларми. Инсоф ва диёнат аҳли қишлоқ фуқаросига ёрдам бермокни тиладими каби турфа мулоҳазаларга боради. Мазкур масалани ҳозирда шаҳарлик элликбошига отбоқалик қилаётган омадсиз жадидлардан бири – собиқ мактабдор домла Маҳзумга тушунтириб беради. Маълум бўлишича ҳокимиятни кўлга олган катта-кичик амалдорлар ҳамда ёш комсомоллар барча шаҳар ва вилоятларни обод қилишга киришиб янги мактаблар очишган. Аксарият йигит қизларни ўқишга жалб этишган. Йўл ва кўприклар, кино ва театрлар қуриб, етим-есирларга кийим-бош ва озиқ-овқат беришган. Энди қишлоқларга мактаб-маориф тарқатиш навбати етган экан.

Аслида шаҳарда бойларнинг бутун давлати тортиб олиниб, мулла-эшонлар оёқ ости қилинган ва таҳқирланган эди. Янги мактаблардаги таълим-тарбия жараёнида миллий қадриятлар ҳамиша ҳам инобатга олинмасди. Мактаб маблағларини ўзлаштириш, солиқ солишда кўрқитиш усулидан фойдаланиш, адолатсизлик орқасидан шахсий бойлик тўплашга ружу қўйиш ҳоллари кузатиларди. Зоҳиран батрақлар ва ёшларга эътибор кучайгандек туюлса-да, сайловлар амалда таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик ва шахснинг ижтимоий келиб чиқиши асосида ўтказиларди. Мазкур ҳолларнинг эндиликда қишлоқни ҳам қамраб олишидан қаттиқ ташвишга тушган Маҳзум: *“Сигирларга хўкуз ва хўкузларга бузоқ деб ном берингиз!” Отлиқ кишини эшакка ва эшакли кишини отга миндингиз!”*- дея кесатади. У жасорат билан *“шаккокона”* мулоҳаза юритаркан, инқирозга юз тутган қишлоқлар ҳамда бечораҳол кишиларга инсоф ва диёнат назари билан қараш, уларга чинакамига ёрдам қўлини чўзиш тарафдори сифатида намоён бўлади.

Маҳзумнинг *“Қишлоққа қопингни ўғир”*,-дея кесатиши бежиз эмас. Зотан, шўро ҳукумати 1918–1921 йилларда ҳарбий коммунизм (развёрстка) сиёсатини юргизиб, инқилобни душманлардан асраш учун деҳқонларни талади. Деҳқон етиштирган маҳсулотга паст нарх қўйиб, қишлоқларга *“Озиқ отрядлари”* юбориб, рўзғоридан ортиқ маҳсулотининг ҳаммасини сув-текинга *“сотиб олди”*. Бундай талончилик амалда ички бозорни йўққа чиқариб, очарчилик бошланишига олиб келди. Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) даврида эса деҳқон аҳли бирмунча жонланди. Аммо 1925 йиллардан эътиборан шаҳардаги завод фабрикаларнинг, фирма

ташкилотларининг минглаб ишчи ходимлари қишлоқ фуқароларига илм-хунар ўргатиш, кадрлар тайёрлаш учун кишлокларга юборилади.

Мазкур тадбир аслида эски зиёлилар ва ишбилармонларни ишдан четлатиб, уларнинг ўрнига ишчи-деҳқон синфига мансуб кишиларни қўйиш сиёсий компанияси эди. “Қишлоққа юзингни ўғир!”, “Ишлаб чиқаришга юзингни ўғир!” шиорлари билан амалга оширилган тадбир оқибатида ёрдам бериш ниқоби остида ҳашарчилар деҳқон аҳлини яна бир марта талаб қайтишган. Бунга ишора қилган ёзувчи: “Сиз ўқуғучининг бир озгина фикри салимингиз бўлса ўзингиз ҳам иқрор этарсиз... Сўз бир мантиқ устида айтилса киши ҳеч вақт дард қолмайди”, -дея таъкидлайди. Аён бўладики, Абдулла Қодирий “Шаккок” ва “Думбул” шартли имзолари ортига яшириниши эҳтиёткорлик юзасидан бўлиб, адиб юқоридаги шиорни майдонга ташлашдан илгари уни амалга тадбиқ этиш учун муайян замин ҳозирлаш, шахсий ва синфий манфаатлардан юксак туриш лозимлиги ҳақидаги соғлом фикрни илгари сурган. Тарихга бир томонлама ёндошиш ҳолларини 20-йилларнинг аниқ фактлари билан бадиий далиллар экан, китобхонга ишонч назари билан қараган.

Абдулла Қодирий XX аср ҳажвиётини кескинлик ва ўткирлик ҳисобига янада бойитди. “Ҳар замон жамиятнинг қитиғини излаш”дан чарчамаган ёрқин ҳажвий истеъдод соҳиби сифатида яланғоч ташвиқийликдан холи бўлган баркамол ҳажвий асарлар ярата олди. Ўзининг маърифатпарварлик ва жаҳидчилик қарашларини “характер кулғуси” яратишга йўналтириб, жамиятнинг ижтимоий-маънавий асосларини холис ва теран бадиий таҳлил этди. Енгил ҳазил, нимтабассум, киноя-кесатик, пичинг каби кулгининг хилма-хил товланишлари билан халқимиз турмушини холис тарзда моддийлаштирдигина эмас, балки персонажлар қисмати ва характери моҳиятини бутун зиддиятларию мураккабликлари билан турли ракурслардан очиб бера олди. Персонажларни имкон қадар табиий хусусиятларига кўра, аниқ вазият ва маънавий-руҳий ҳолати тақозосидан келиб чиқиб, ўй-фикрларию ҳаракатлари билан ифода этишга яъни ички мантиғига асосан тасвирлашга уринди. Абдулла Қодирий алоҳида ҳажвий қаҳрамонни: нафратомуз, фожеий, кулгули, ибратли ҳолатларда ўз табиий майллари, вазият ва шароит ҳукми, дунёқарашига мувофиқ тарзда тасвирлади.

Демак, у ёхуд бу образ моҳияти, асарнинг етакчи пафосини англашда характер ва ҳаракат мантиғи биздан ранг-баранг ифодалар гармониясини назарда тутишни талаб этади. Бинобарин, *“Қалвак Маҳзумнинг хотира дафтарида”*, *“Тошпўлат тажсанг нима дейди?”* асарлари маъно жиҳатидан серқатлам бўлиб, ҳақиқий маъно матннинг ботинида мужассамлашади. Тараққиётга тўсик бўлиб келаётган иллатлар гоҳ енгил кулги, гоҳ аччиқ ҳажв, гоҳида фожейи, баъзан эса ибратомуз асосда юмористик, сатирик, трагик ва дидактик планда очилиб, ижтимоий-ахлоқий хулосалар чиқарилади. Бинобарин, асарда А.Қодирий эстетик идеали ҳам тасвирланган зоҳирий воқеликда эмас, аксинча ифодаларнинг акс ҳолати орқали намоён бўлади.

Ёзувчи Маҳзумни: *“... кўбдан ҳақиқий ҳаёт билан алоқаси узилган, мадраса хурофоти билан мияси ғовлагон ҳолис бир маҳалла имоми”*, -дея таърифлайди. Демак, унга муносабатда қуйидаги учта жиҳатга эътибор қаратиш лозим. *Биринчиси*, анчадан бери чинакам ҳаётдан узилганлик, *иккинчиси*, хурофотга қаттиқ ишонч, *учинчиси* холислик. Абдулла Қодирий Тошпўлат ҳақида тўхталиб: *“... ишсиз, бири бит, бити сирка бўлмаган ва шу фақирлик орқасида ўғирлик ва фаҳшият денгизида сузиб, тажсангланган ҳолис бир чапани”*, -деб ёзади. Демак, унинг психологик жиҳатдан тажанглиги ва барча ҳатти-ҳаракатларини ишсизлик, муҳтожлик ва фақирлик келтириб чиқарган. Чапани ва холислиги эса табиий инсоний белгиларидир. Англашиладики, бу иккала характер ўз ирода йўналишининг етакчи жиҳатлари нуқтаи назаридан бир-биридан фарқланади. Шубҳасиз, асар воқеаларини ҳикоя қилиш, ҳодисаларга муносабат билдириш асносида мазкур фарқ яққол кузатилади.

Жумладан, Маҳзум комик характердаги ҳалимтабиат зиёли, Тошпўлат эса мунгли ҳамда фожейи қисматиға қарши исёнкор, чапани, шижоатли ва танти косиб, гаранг ва аламзада инсон сифатида намоён бўлишади. Аммо ҳар иккаласининг ҳам холис кишилар эканлиги қаламга олинаётган даврнинг мураккаб ички зиддиятларидан тортиб, табиий инсоний қувончу ташвишларгача бўлган тасвир лавҳалари объективлигини таъминлайди. Ёзувчи маориф ва маданият асосларини даставвал инсон қалби ва онгида, кейинчалик эса жамиятда барқарор этиш тарафдори. Шу боис ҳам Маҳзум характерининг генетик илдизлари, шахсиятиға хос ношуд-нотавонлик, соддалик, атрофини куршаган муҳити, турфа саргузаштлари орқали хурофот туфайли келиб чиқадиган жисмоний ва

рухий кемтикларни гоҳ мунгли, гоҳ энгил юмор оҳангида бутун рухий драматизми билан рўйи-рост тасвирлайди. Бу ҳол асар миллат онгини тозартириш, жамиятни поклаш давр талаби эканлигини теран англаган ижодкор қалбининг ички эҳтиёжи маҳсули эканлигини кўрсатади. Ёзувчи ва унинг қаҳрамонларини айнанлаштириш фикридан йироқ бўлсак-да, Абдулла Қодирий ҳажвий асарларини унинг эътиқоди ва ижод психологияси билан боғлиқ тарзда тадқиқ этиш, ҳажвий қаҳрамонлар воситасида ёзувчининг дарди ҳам ифодаланганини англаш имконини беришини таъкидлашимиз лозим. Тағмаёнони ҳис этишдан англандиган бу дард миллат руҳиятига ғоятда яқинлиги билан эътиборга моликдир.

Жумладан, ижтимоий ҳаётда барқарор бўлаётган ўзгаришларни “ҳазм” қила олмаслик туфайли аксарият ҳолларда Маҳзум кулгили аҳволга тушиб қолади. Тажоҳиул-орифин усулидан фойдаланган адиб гўё Маҳзум учун тушунарсиз ва ғайритабиийдек туюлган шундай ҳодисалардан ҳам сўз очадик, бундай лавҳалар замирига қувлик билан ижтимоий-сиёсий мазмун юклайди. Халқнинг улкан маданий меросдан маҳрум этилгани, миллий қадриятлар топталгани, эътиқод эркинлиги жиловлангани, бюрократия кучайгани, ислохотларнинг шошма-шошарлик билан амалга оширилаётгани, синфий душман излаш авж олгани сингари талай қалтис фикрларни имо-ишора, эътироф ва қистирма гап, киноя-кесатик, истехзолар орқали моҳирона тарзда айтишга муваффақ бўлади. Абдулла Қодирийга ўша давр сиёсатининг мунофиқона ҳаракатларини ошкор этишда, яъни кулгулилик замирига аччиқ ҳаётий ҳақиқатларни жойлашда Маҳзумнинг айнан калвак табиат киши эканлиги ниҳоятда қўл келади.

Бу ҳол носир аввало ҳажв тигини хурофот илдиэларини фош этишга, кенг маънода эса шўро ижтимоий воқелиги ва партиявий яккаҳоқимликка, конкрет тарихий фактларга қаратганлигини ҳам кўрсатади. Агар шундай деб қаралса, Маҳзум ҳажв объекти эмас, балки ўз таҳликали ҳаёти, аянчли тақдирига ачиниш ва ҳамдардлик уйғотадиган даврнинг қурбонига айланади. Демак, қиссанинг ифода услубида ҳам серқатламлилиқ кузатилади. Чунончи, кулгининг кўплаб турларидан тортиб, ўткир сиёсий памфлетга хос публицистик талқинларгача қўлланилганлиги аён бўлади. Шунинг учун қиссадаги ҳангомаларнинг изоҳ ҳамда шарҳлари билан боғлиқ аччиқ пичинг, киноя ва заҳарханда иборалар шунчаки кулги

қўзғабгина қолмай, жиддий фикр-мулоҳазалар ҳам туғдиради. Хотира ва таассуротлар шаклида, қадимги халқ насри услубига кулгили тақлид тарзида ёзилган бу асар давр сиёсатига нисбатан ўткир ва кескин айбнома сифатида жаранглайди.

Англашиладики, қиссада амалдаги ахлоқий нормаларнинг тўла такомиллашмаганлиги, дунёқараши муайян даражада бирёқлама тарзда шаклланган – “*ақли қосири бовар қилмаган*” шахснинг объектив шарт-шароитга ҳамқадам бўлмаслигигина эмас, балки жамият ҳодисалари ҳам танқидий нигоҳ билан кузатилади. Тасвирда фош этишнинг қочирик, истехзо, пичинг, киноя, кесатик, захарханда усулларидан фойдаланиб кулги яратилади. Тасвир жараёнида ҳажвийлик аниқ мақсадга йўналтирилганлиги, муболағали тарзда ифодаланганлиги туфайли образ маълум маънода шартли суръатда ҳам тасаввур қилинади. Англашиладики, қисса 20-йилларда борар йўли, қилар ишидан адашган халқни гумроҳлик исканжасидан халос этиш, замонавий тараққиётга ҳамқадам бўлиш, ахлоқий қадриятларни улуғлаш руҳида ёзилган.

“*Тошпўлат тажанг нима дейди? (1924–1927)*” ҳикояси Абдулла Қодирий юртдан узоқда эканлигида яъни Москва шаҳрида таҳсил олаётган пайтда ёзила бошланган ва “*Муштум*” журналига йўллаб турилган. Ёзувчи камтарона тарзда асарни “*нонуштага бир икки оғиз эзмалик*” тарикасида битганлигини билдирса-да, уни “*яхшиларнинг сўзи*”, - деб атайди. Диёри бақр яъни “*бузилмаган мамлакат*”дан йироқда, ватан соғинчи билан яшаётганлигидан сўзлар экан, ҳикояни қаҳрамон тилидан баён қилганлигини уқтиради. Киноя билан: “*Ёмоннинг яхшиси бўлиб юргандан яхшининг ёмони ҳам бўлиб кўрайин, дедим.*”,-дея таъкидлайди. Демакки ҳикоя қаҳрамонлари “*яхшилар*”, у ҳажв тифини қаратган кимсалар эса “*ёмонлар*” эканлиги ойдинлашади. Бинобарин, муаллиф изоҳидан адиб соғинган ва жон-жон деб учиб боришга шай бўлган маскан чиндан-да “*Диёри бақрми?*”, ҳақиқатан ҳам у “*эзмалик*” қиялпими? - деган саволлар туғилади.

Зоҳиран қаралганда, Тошпўлат тажанг етти марта турмага кириб чиққан, чойхонаю пивоходанан бери келмайдиган, тайинли иши йўқ чилимкаш ва нашаванд киши. Бир қарашда у эски мактабнинг жисмоний жазолаш, қуруқ ёдлатишга асосланган ўқитиш услуби, айрим чаласавод муаллимларидан нолигандай туюлади. Бироқ, айнан шу илм даргоҳларида у “*Хафтияк*” ва “*Чаҳор китоб*” каби мактаб дарсликлари ҳамда Сўфи Оллоёр

ҳикматларини ёд олган. Аллоҳга ҳамду сано, ислом рукнлари, қисман тасаввуф ва фикҳга оид мавзуларни имкон қадар ўзлаштирган. Коинотнигина эмас, инсонни ҳам яратиб муқаррам этган Аллоҳни азиз тутиб, Имоми Аъзамни пир санагувчи имони бут, ақли салим, диёнатли мусулмон сифатида камол топган.

Қаҳрамоннинг: *“Овахтасида ёта-ёта ёнбошлар тешилиб кетди, ука! Муни қара-муни: шу чандиқларингни ҳаммаси турма-часиники! Вой адолатчангга айтай, Некалай!”*-дея ёзғириши бежиз эмас. Чунки у ростгўйлиги, ўз-ўзича адолат ўрнатишга урингани учун ноҳақ қамалган. Бинобарин, *“Очликдан ит гажиган ошиқдек”* бўлиб қолган Тошпўлатнинг беҳад жаҳлдор бўлиб қолишига иқтисодий ночорлик ва йўлсизлик сабаб. У Николай подшо даврида ўлкада пивахона, ароқ-вино маҳсулотлари савдоси юришган-лигидан гўё оғзидан бол томиб гапиради. Бу орқали ёзувчи Туркистонда миллий қадриятларга путур ета бошлаган даврнинг асл илдиэларига ишора қилади. Шунинг натижаси ўлароқ, ёшлар орасида ҳамон ичкиликбозлик авжида эканлигидан надомат чекади.

Маълумки, 1921-1922 йилларда Туркистонда ўтказилган *“Ер-сув ислоҳоти”* баҳонаси билан маҳаллий ер эгаларининг мусодара қилинган унумдор ерларидан катта қисми Самарадан кўчириб келтирилган мужикларга бўлиб берилади. Бу ўлка аҳолиснинг миллий манфаатларини топташ эди. Шунинг учун ҳам Абдулла Қодирий ўз қаҳрамони тилидан киноявий тарзда: *“Ман санга айтсам, дехқончилиги учун самарска мужукка сира тўғри келадигани бўлмайди”*, - дейди. 1925 йилдан эътиборан эса шўро ҳукумати косиб-хунармандларга катта-катта солиқлар солиб, уларнинг касбини синдиради. Косибларнинг бир қисми дехқончилик тилини билмагани ҳолда давлатдан ер олиб батракчилик қилишга мажбур бўлишади. Табиийки бу юмушни эплай олмайдилар. Оқибатда, саноат ва кишлок хўжалигига катта зарар етказиладигина эмас, балки ишсизлик ҳам беҳад даражада кўпаяди.

Демак, Тошпўлат ўз ота касби бўзчилик касод бўлгач, кўча-кўйда сарсон-саргардон бўлиб қолган ишсизлардан бири. Бинобарин, тайинли ишн бўлмаган камбағал фуқаронинг беҳисоб солиқларни тўлашга мажбур этилиши унинг наздида лўттивозлик ва майнавозлик бўлиб кўриниши бежиз эмас. Тошпўлатнинг бор бисоти битта бабоқ хўрозию беданасидан иборат. У эгнидаги чопонини сотиб, оёғидаги этигини гаровга қўйишга мажбурлигига карамасдан, тиланчилик қилаётган бева кампирга бор будини

хайри-худойи қила олади. Ўзбекнинг етмиш икки уруғидан мардикор бозорига йиғилган гавжум оломонни тасвирлар экан адиб: “одамзоднинг юзтаси тўққуз пул”, -дея киноя қилиш орқали камбағалчиликнинг оммавий тус олганлиги, инсон зотига эътибор йўқлигини ҳаққоний тасвирлайди. Аммо шу тумонат орасидан ҳам ўз қахрамонини ночорга қайишадиган, инсон фожиасига юраги ачишадиган муслим сифатидаги гўзал қиёфаси билан ёрқин кўрсата олади. Йўқчилик азобини тортаётган касалманд деҳқоннинг аҳволига ачинган Тошпўлат чиндан-да мард йигит сифатида намоён бўлади. Илло у диндош биродарига марҳамат назари билан қараб, кун бўйи ишлаб топган даромадини ҳеч оғринмай унинг кўлига тутқаз олади.

Тошпўлат тоға янги ҳукумат ва унинг олифта мансабдорлари юриш-туришларию амалларидан асло қониқмайди. У 1924 йилда пул ўзгариб, бениҳоя кадрсизланганлиги, театр сахналарида миллий удумларга ёт томошалар кўрсатилаётганлиги, атеистик тарғибот бошланганлигини “иши бузуқ” кимсаларнинг хатти-ҳаракатлари натижаси деб баҳолайди. Журъатсиз уламолардан кўнгли қайтиб, дин-диёнатни унутганларга нисбатан: “*наҳ калласини шартта олуб, ичагини салла қилар эдим*”, - дейишиданок, кўрқув туйғусидан йироқ қахрамоннинг чапани табиати ва шарият химоячиси сифатида намоён бўлиши ойдинлашади. Шунинг учун ҳам у Ҳоқим сутчи каби НКВД ходимларининг фирка паноҳида шахсий бойлик тўплашга ружу қўйганлиги ёхуд калта дум ит (Сакибедум) номини олган Ҳошим дўкончининг тўртта гўдаги билан хотинини ҳайдаб, ёш қизга уйланиши сингари нохуш ҳоллардан ҳазар қилади: “*...оёгим тегиб кетса азбаройи Худо оёгимни уч қайта ювиб ташлайман. Худой ҳаққи бетаҳорат қилади.*”, -дея ижирганиб сўзлайди.

Камбағалнинг бошини силамайдиган ўз маблағига лоақал биронта мактаб, мачит ёхуд мадраса бино этмайдиган “*кажава қорин*” Тошкент бойлари: Бувадахон тўра, Азимбой кўмир, Соиб махсим, Азим шайтон, Мирхолик қийшиқ, Матишукур, Юсуф хўжа, Шоолим чўлоқ, Азиз яканчи ва адолатсиз солиқчи Нўмон бужур сингариларни аёвсиз фош қилади. Тошпўлат кеккайган ва жоҳил амалдорларни кўрганида қаҳри қаттиқ ҳамда исёнкор кишига айланади. Ёзувчи янги шаҳарнинг орасталиги билан эски шаҳарнинг чанг ва ифлос қиёфасини қиёслар экан, мусулмонларнинг тараққиётдан орқада қолганликларини манзаралантириш

билангина чекланмайди. Шарқона ахлоқни ёқлаган қаҳрамон орқали ичкиликбозлик ва хирсхоналарга макон бўлган Оврупоча шаҳар ахлоқсизлигини ҳам кескин қоралайди.

Мамлакат фуқаросини ҳар қадамда омадсизлик қаршилайди. Нукул фойда кетидан қувиш оқибатсизликнинг урчишига олиб келади. Жумладан, Тошпўлат уч кунлаб иш тополмайди ва суткалаб оч-наҳор юради. Паришон бир аҳволда қолиб кемонинида сотиб ейишга мажбур бўлади. Чунки бўйин эгиб меҳнат биржасига мурожаат этиб ҳам бирор натижа чиқара олмайди. Амиркон пахта экиб, фабрикачи бойлардан қарзга ботган Салим каби уқувсиз, серфарзанд оилаларнинг аҳволи эса ғоятда ночор. Камбағалга ёрдам бериш учун ҳашарга келган, ўзбекона меҳроқибатли одамлар ҳам меҳнат биржаси томонидан хат қилиниб, солиққа тортилади. Сарикўл каби қишлоқ мусулмонлари унумдор ерларидан зўрлаб кўчирилиб, ўрнига рус мужиклари жойлаштирилади. Ҳукумат қарорига қарши чиқиш мутлақо имконсизлигини билган Тошпўлат тажанг: *“Энасининг маҳрига тушкан бўлса олаурсин.”*, -дея норозилигини изҳор қилади. Хуллас, ҳамманинг қилмишини *“тафтиш”* этган Тошпўлатнинг уч юз олтмиш уч томири жунбушга келади. У ўлкадаги аҳвол ҳақида: *“Ўзимиз айни одамизод фарзандининг ғариби эканмиз”*, -деган шафқатсиз хулоса чиқаради.

Аммо: *“Шошмоқ шайтоннинг иши”*, - деб билган қаҳрамон асло умидсизланмайди. Усти ялтироқ, ичи қалтироқ ҳукумат раҳбарларининг диққатини ҳақиқий аҳволга қаратмоқ орқали вазиятни ўнглашни кўзлайди. У қуруқ гап ёхуд насиҳатбозлик билан бирор натижага эришиб бўлмаслигини ҳам билади. Эски зиёлиларни сиёсат майдонидан четлаштириб, батрақларга алоҳида аҳамият қаратаётган ҳукуматни қосиб-хунарсанднинг ҳолидан ҳам огоҳ этмоққа қасд қилади. Вақтли матбуот ширин ёлғонларидан қаноат туймагани учун ҳам *“Ўғил бола гап”* – чин ҳақиқатни айтишга бел боғлайди. Англашиладики, Абдулла Қодирий Москвада бўлса-да, руҳан миллат, ватан ва халқ ташвишлари билан яшаган. Муҳими, носир бузилган ўлка ташвишларини рўйи-рост кўрсатишга муваффақ бўлган. Шубҳасиз, ҳукуматни муқаррар ижтимоий-ахлоқий фалокатлардан огоҳ этишга журъат этиш бу кучлар нисбати тенг бўлмаган курашга отланмоқ билан баробар иш – ёзувчининг мислсиз жасорати эди.

Тошпўлатнинг ҳаётдаги янгиликлар моҳиятини етарлича англай олмаслиги, турмуш чигалликларига тайинли жавоблар тополмай, фиғон чекишию кулгили ва танг ахволга тушиб қолиши бир жиҳатдан маърифатсизлик билан боғлиқдир. Аммо унинг 20-йиллар драматик ҳодисалари, зиддиятли муаммолари қаршисида нажот йўлини тополмай феъли айниши билан боғлиқ рухий ҳолат-лавҳаларда акс этган мунг тўла нолишлар, қаҳрли оҳлару киноя-кесатиклар чинакам маънода *“камбағалчиликни чиқаргон”*лардан норозилиқдир. Бинобарин, Абдулла Қодирий кулги ва истехзолари замирига улкан ҳақиқатлар драмаси яширинган. Фақир ва мискин фуқаронинг қисматига ҳамдардлик мужассамлашган. Қисса тенгсизлик, адолатсизлик ҳукм сурган оқибатсиз замона, инсон ғайрат-шижоатини йўналтиришга ночор муҳитга – 20-йиллар ўзбек турмушига нисбатан мунгли ва истехзоли айбномадир.

“Ширвон хола нима дейди?” ҳикоясида А.Қодирий Ширвон хола тилидан Бувҳамфа момога қарата: *“...муслмон фарзандини сон-савақдан чиқариб”* қўювчи большевистик фикр ва янгича мактабга ўлим тилайди. Чунки қаҳрамоннинг назарида шариат оёқ ости бўлмоқда. Жумладан, аёллар ичиш, чекиш, яллачилик қилиш каби нохуш одатларни ўрганишмоқда. Бинобарин, 20-йилларда Ширвон холанинг миллий қадриятлар поймол бўлишидан ташвишга тушишида реал асослар мавжуд эди.

Абдулла Қодирийнинг *“Ўткан кунлар”* ва *“Меҳробдан чаён”* романлари ёзилгани ва чоп этилганидан бери узок давр ўтди. Шунга қарамаздан, услуб соддалиги, миллий ўзига хослик жиҳатидан олиб қаралса, Қодирий белгилаб берган услуб миллий романчилигимиз учун хануз юксаклигича турибди. Адиб *«Ўткан кунлар»*²² романида *«муслмонобод»* таъбири билан аталувчи юртдаги азалий қадриятларнинг айниши, ўзаро аҳиллик йўқолиб, низолар авжга чиққани ҳақида сўзлар экан, эл-юрт бошида инсоф, диёнатли, фуқоропарвар ва холис одамлар туриши нажот манбаидир,-деган концепцияни илгари суради. *«Тошкентга инсофли бир бек белгиланса, меним учун кифоя»*, деган ниҳоятда бетаъма, халқ манфаатини кўзловчи Юсуфбек хожининг Кумушбиби таъбири билан айтганда *«Нур ичига кўмилгандек»* бўлиб кўринган сиймосини, *«Ойим»*, деб хитоб қилгандаги мулойим, беозор ва муассир сўзини. *“...ўғлим, бизни халқнинг ҳолига йиғлашни ҳам билмайсан, кулишни ҳам!”*- деган вазият-

²² Қаранг: Абдулла Қодирий. *Ўтган кунлар*. Роман. Т.: 1975 .

ҳолатлардаги донишмандона салмоқдарлигини, “...*Фуқоранинг тагин қандоқ кўргиликлари бор экан, ўғлим*” сўзларни ёзганидаги серташвиш қалбини «*кўзимизнинг нури, белимизнинг қуввати, ҳаётимизнинг меваси ... умид нишонамиз, ҳаёт қувончимиз, орзумиз, ҳавасимиз*» каби фарзанд адоғидаги оталик қиёфасини, эс-хушли фарзанди билан ифтихор этишга ҳақли бўлса-да, Отабек орқали эл олдида хижолат чекмаслигидан мамнунлик билан тийила олган ҳолатдаги руҳий тўлқинларини том маънодаги миллийликдан, шарқоналикдан ажратиб тушиниш мумкин эмас.

Таъбига мувофиқ қиз топилмагани, эрнинг ҳам хотин таъбига мос бўлиши лозимлигини теран англагани учун ҳануз уйланмай юрган Отабек меҳр-муҳаббатли турмушни ёқлайди. Шу боис Кумушнинг қадрини аршларгача кўтарганида Офтобойим унга нисбатан чексиз муҳаббат, паёнсиз эҳтиром сезади. Ҳатто йиғлагиси ва куёви юзидан ўпгиси келади. Кутидор таъбири билан айтганда: “...*ҳар тўғрида ҳам етук бир йиғит ... чин йиғит*” қаршисида Мусулмонкул ҳам завқланиб: «*дов юрагинг бор экан, йиғит*» – дейишга мажбур бўлади. Зеро, унинг ўзи ҳам фавқулодда жасурлиги билан тарихда эътироф этилган. Қодирий тасвирида қалби фаришталар кўнглидек тоза икки жон, икки юрак бахтига раҳна солган турмушнинг рукин ва асосида турувчи одатлар маъқул ва машруъ эмаслиги мантиқий асосланади. Отабекнинг “*Авлиётада қахрамонона шаҳид бўлиши*” билан Ёдгорбекнинг очлик йиллар миёнасидаги вафоти, фарзандларининг икки кутбга ажраб кетишлиги ҳақидаги хабарларда бутун-бутун авлодлар тақдири мужассамлангандек туюлади.

«*Меҳробдан чаён*»²³ романида Мирзо Анвар тилидан Фузулийнинг ушбу мисраси келтирилади: «*Даҳр бир бозордир, ҳар ким матоин арз этар*». Романнинг ҳар бир қахрамони ўз бисотини қовлаб, бор матосини бозорга солади. Ёзувчи шу орқали жамият қиёфасини аниқ кўрсатишга муваффақ бўлади. Муаллиф жамият иллатлари ҳақида сўзлар экан: «...*Жамият ҳам бир касал билан оғридими, унинг ҳар бир табақа, ёки синфига, яна тўғриси фардига шу касал сироят қилмай қўймайди*», - деб ёзади. «*Анвар кўзини доғлаганлар*» сафидаги Абдураҳмон ҳам муфти Калоншоҳ таъсири остида ҳаракат қилишга мажбур. Султоналининг қўшниси Қаримбой эса бир тилло эвазига ёлгон гувоҳлик беришга-да тайёр. Фақирликка бардош беролмаган ямоқчи ўз хотинини уриб, сўкар

²³ Қаранг: Абдулла Қодирий. *Меҳробдан чаён*. Т.: Ўқитувчи, 1978.

экан, жамиятга бўлган кекини хотинидан олгандай бўлади. Мударриснинг шикоятчи, закотчининг таъмагир ва худбин бўлишида ҳам маълум маънода замонасозлик интилишлари кузатилади. Кўнгли, руҳи қариган, қалби ўксук, ёруғ оламдан ҳеч нарса тиламай тинчгина яшашу ўлимни кутиб яшаётган Тойир ака фожиаси ҳам бечораҳоликка бориб тақалади.

Ёзувчи истибдод салобатини бўй-басти билан кўрсатишга астойдил интилганлигини таъкидлар эканмиз, уларнинг табиий хислатлари ҳам характер шаклланишига таъсир этганлигини инкор этмоқчи эмасмиз. Бу борада Қодирий масала моҳиятига анча теранроқ ёндошади. Муаллиф ижодий концепциясида инсоф масаласига алоҳида диққат қаратилади. Ўрдада шунча фитна-фасодларга сабабчи бўлган мирзабошилик мансабининг фуқаро ва косиб учун заррача қизиғи йўқ. Уларга ким мирзабоши бўлишидан кўра унинг инсофли бўлишлиги кўпроқ аҳамият касб этади. Беғубор болалик хотираларига кўнглида тизгинсиз бир муҳаббат асраётган Анвар қоронғу уйда гулхан атрофида ўтириб иссиқ-иссиқ чойдан хўплар экан, шоирона, дарвешона ҳаётни орзу қилади. Аслида унинг болалигида эслашга лойиқ бирор муҳим жиҳат бормиди? –деб ўйлаб қоласан. Оилада фарзанд туғилганида ҳатто унга ном қўйишгада фурсат топа олмаган, ҳатто бундан заррача севинмаган Салим бўёқчи оиласи орзу ҳаваслар кучоғида яшайдими? Ҳатто доя чақиришу, кўни кўшнига суюнчи чиқаришдан ҳам чўчиётган бу оила мисолида кўшниларнинг аҳволи ҳам аён бўлади. Тирикчиликдан бўшамай, бавосир касалига йўлиқиб дунёни тарк этган эр, қирқ ёшда қаримсиқ бўлиб қолган аёл – Анорбиби. Тирикчилик илинжида юрак фалажидан вафот этган она. Бу Анварнинг ёзувчи айтмоқчи «мавридсиз» *лайлақлар ичида бемаҳал гуррак*» эканлигини яққол кўрсатади.

Солиқлар эвазига Назмидек истеъдодли кизи ҳам тортиб олиниб, хонга тортиқ қилинган ота ёки ночор рўзгорига Анварни сиғиштирмаётган почча, закотчидан жабр кўрган Сафар бўзчи тақдирлари жамият асосларининг носозлигига бориб тақалади. Шунингдек, қалби инсоф ва диёнат билан лиммо-лим тўлган Мохларойим, Нигорҳоним, Рузвон, Тўхтабиби, Оғача ойм, Нодира каби аёллар образлари чинаккам маънода носир эстетик идеалларини ташийди. «*Шеърий бир ҳусн*» соҳибаси бўлган «*фозила қиз*» Раъно ҳам ҳажр йўлига ризолиги, бир олам орзулар кучоғида яшаши, кўнгил розларини тушунадиган таянч, суюнчиқ излаши,

андишалилиги, шоиртаъблиги жасурлиги ҳайвоний истакларга қарши уни исёнга етаклаши табиий эди. Султоналига хос меҳрибонлик, холислик, истеъдодга эҳтиром, ноҳақликка ғазаб-корлик, қизиққонлик, дадиллик, қувлик, тадбиркорлик, садоқат туйғулари жамиятдаги қиёфасизлик билан муроса қилиши қийин эди. Уни Анварга яқинлаштирган жихатлар характер хусусиятларию интилишларидаги муштаракликдир. Ёзувчи унинг дўст учун кўкрак керувчи, матонатли кишиларнинг ўз давридаги ягона вакили қадриятларга садоқатли йирик ШАХС эканлигини эътироф этади. Султонали ҳам Анварга тан бериб: *«йигит»*, - дейди.

Таассуфки, Анвар ҳам зулм ва истибодни парчалашга ожиз, Султоналининг-да бу юмушга қўли калта, Раънонинг исёнкорлиги, ўз бахтига тўқинишдаги даври аёлларининг илк кўтарилиши, ҳатто зулмнинг тепасида турган Худоёрхон ҳам *«Туркистон хонларида сийрак кўринган»*, *«улуг ишлар»* қилар, улкан ёвга ўз маданияти билан жавоб бериш истагида ёнар экан, ҳаёт маромини кескин ўзгартиришга қодир эмасдай туюлади. Демакки, романда давр фожиаси акс этган.

Давр адабий ҳаётида из қолдирган ёзувчилар ҳаёти ва ижоди тўғрисида мухтасар маълумот

Абдулҳамид Сулаймонқул ўғли Юнусов (адабий таҳаллуси – Чўлпон)

Чўлпон шоир, ёзувчи, драматург, таржимон, танқидчи ва жамоат арбоби эди. Унинг ҳаёти ва ижоди адабиётшунослигимизда О.Шарафиддинов, Н.Каримов, Д.Қуронов, Н.Йўлдошев, Б.Рўзи-муҳаммад, Ш.Тўйчи ва сингари турли авлодга мансуб олимлар тамонидан атрофлича ўрганилган²⁴.

Чўлпон 1898 йилда Андижонда таваллуд топди. У дастлаб мадрасада, сўнгра рус-тузем мактабида таҳсил олди. Унинг адабий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари шаклланишида Шарқ мумтоз адабиётини мустақил ўрганиш ва жадид матбуотини мунтазам кузатиб бориш муҳим роль ўйнади. Чўлпон фаолияти кўпинча, *“Садои Туркистон”*, *“Янги Шарқ”*, *“Иштирокиюн”*, *“Қизил байроқ”*, *“Туркистон”*), *“Бухоро ахбори”*, *“Дархон”*, *“Гулистон”*,

²⁴ Шарафиддинов О., Чўлпон, Т., 1991; Каримов Н. Чўлпон, Т., 1991; Чўлпоннинг бадиий олами, Т. 1993; Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш, Т., 1994; Қуронов Д. Рухий дунё таҳлили, Т. 1994; Каримов Н. Истиклолни уйғотган шоир, Т., 2000; Каримов Н. Чўлпон (маърифий роман) Т., 2003.; Қуронов Д. Чўлпон насли поэтикаси, Т., 2004; Тўйчисева Ш. Ижодкор дунёқараши ва бадиий услуб, Т., 2009 ва б.

“Театру” “Муштум” сингари газета ва журналларда адабий ходим, техник муҳаррир, муҳаррир сингари лавозимларда ишлаш билан ўтди. Чўлпон 1921-1923 йилларда “Турон” театри директори, Халқ маориф комиссарлиги қошидаги Илмий кенгаш (1921 йилдан Ўлка ўзбек билим ҳайъати, 1922 йилдан Илмий ҳайъат) раиси каби масъул вазифаларда фаолият кўрсатди. 1927 йилда ўтказилган Республика маданият ходимларининг иккинчи курултойидан кейин Чўлпон шахсияти ва ижоди атрофидаги баҳслар кучая борди. 30-йилларнинг бошларида унинг боши узра қора булутлар анча қуюқлашгач, Ф.Хўжаев тавсиясига кўра 1931-1934 йилларда Москва шахрига бориб яшашга мажбур бўлди. 1937 йилнинг 14 июлида ноҳақ айбланиб, қамокқа олинган Чўлпон кўпчилик миллат зиёлилари қатори 1938 йилнинг 4 октябрида Тошкент шахрида отиб ўлдирилди.

Чўлпон адабий ижоди 1913/14 йиллардан бошланди. У “Туркистонли қардошларимизга”, “Қурбони жаҳолат”, “Дўхтир Мухаммадёр”, “Адабиёт надир?” сингари шеър, ҳикоя ва адабий танқидий мақолалари билан ўша йиллардаёқ илмий-адабий жамоатчиликка танилди. Миллат маданий-маърифий савиясини юксалтириш, Мухторият ҳуқуқини қўлга киритиш учун кураш, шўро даври мустамлакачилик сиёсатини фош этиш Чўлпон шахсиятини характерловчи муҳим жиҳатлардир. Шунинг учун бўлса керак, унинг адабий танқидий мақолаларида адабиёт ва санъатнинг халқ ва жамият олдидаги вазифаси, тарбиявий-маърифий аҳамияти, театр ва мусиқа санъати, тил ва таржима муаммолари ўз ифодасини топди.

Шоирнинг “Ўзбек ёш шоирлари”, “Уйғониш” (1922), “Булоқлар” (1923), “Тонг сирлари”(1926), “Соз” (1935) шеърий тўпларидан ижтимоий-сиёсий ва соф лирик асарлари ўрин олди. У янги ўзбек лирикаси асосларини бармоқ вазнидаги шеърларга кўчиришга уринди. Ўзбек давлатчилиги тарихида ёзилган илк мадҳия “Озод турк байрами” унинг қаламига мансуб эди. Шоирнинг “Тўзал”, “Сезги”, “Сирлардан”, “Мен шоирми?” сингари нафис манзумалари уни лирик поэзиянинг мумтоз вакиллари даражасига юксалтирди. “Халқ”, “Виждон эрки”, “Бузилган ўлкага”, “Кишан” сингари ўнлаб ижтимоий-сиёсий шеърларида Ватан ва миллат манфаатлари ҳамда эрк, хуррият ғояларига садоқат баланд пардаларда куйланди.

Чўлпоннинг “Ойдин кечаларда”, “Қор қўйнида лола”, “Новой киз” сингари ҳикоялари лирик ҳарорати билан ажралиб туради. Бу ҳол “Кеча ва кундуз” романида ҳадди аълосига кўтарилди. Адибнинг “Йўл эсдалиги”, “Вайроналар орасида” каби очерк ва публицистик асарларида мустамлака ўлка ҳаётининг мудҳиш манзаралари қаламга олинди.

Чўлпон 1919-1929 йилларда “Темирчи”, “Гуноҳ”, “Чўрининг исёни”, “Ёрқиной”, “Ҳалил фаранг”, “Ўлдирувчи”, “Севги ва салтанат”, “Чўпон севгиси”, “Яна уйланаман”, “Қоровул уйқуси” (Л.Свердлин билан ҳамкорликда), “Узун қулоқ бобо”, “Муштумзўр”, “Ҳужум” (В.Ян билан ҳамкорликда), “Ўртоқ Қаршибоев” сингари кўплаб саҳна асарлари яратди. Уларнинг бир қисми ўз даврида саҳналаштирилди ва илиқ қаршиланди. Афсуски, уларнинг ҳаммаси ҳам давр тўфонларидан омон қолиб бизгача тўла етиб келмади.

Чўлпон таржималари орқали ўзбек китобхонлари А.С.Пушкиннинг “Борис Годунов”, “Дубровский”, Н.В.Гоголнинг “Терговчи”, И.С.Тургеневнинг “Чўри киз”, И.Франконинг “Миллион”, “Феруза”, Л.Андреевнинг “Губернатор”, “Осилган етти кишининг ҳикояси”, А.П.Чеховнинг “Қочоқ”, М.Горькийнинг “Илгаклар”, “Она”, Шекспирнинг “Ҳамлет”, К.Годининг “Маликаи Турондот”, Мольернинг “Хасис” каби нодир асарлари билан яқиндан танишдилар.

Чўлпондан мерос бўлиб қолган ўн жилд ҳажмдаги оригинал ва таржима асарлар ўзбек халқининг улкан маданий ва маърифий меросидир. Шуни назарда тутиб Чўлпонга 1991 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти, 1999 йилда эса “Мустақиллик ордени” берилди. 1997 йилда шоирнинг 100 йиллик юбилеи тантаналари кенг нишонланиб, муборак номи абадийлаштирилди.

Абдулла Қодирий (асосий тахаллуслари Қодирий, Жулқунбой)

XX аср ўзбек адабиётининг улкан намояндаси, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди адабиёт-шунослигимизда Ойбек, М.Кўшжонов, С.Мирвалиев, У.Норматов, Б.Каримов ва бошқа олимлар томонидан атрофлича ўрганилган²⁵.

²⁵ Ойбек, Асарлар (19 жилдлик), 16-жилд. (Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли), Т., 1979; Қодирий Ҳ. Отаи ҳақида, Т., 1983; Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида. Т., 1988; Бокий Н. Қатлнома. Т., 1992;

Абдулла Қодирий 1894 йилда Тошкентда таваллуд топди. Дастлаб мусулмон мактабида, кейинчалик рус-тузем мактаби ва Абулқосим шайх мадрасасида таҳсил олди. Москва шаҳрида адабиёт курсида ўқиди. Натижада араб, форс ва рус тиллари, Шарқ ва жаҳон адабиёти ҳамда маданиятини чуқур ўрганди. Боғбонлик, маҳаллий савдогарларга котиблик, гумашталик, эски шаҳар озиқа қўмитасига саркотиблик, “*Озиқ ишлари*” газетасига муҳаррирлик, Касабалар шўросига саркотиблик, “*Муштум*” журналининг ташкилотчиларидан бири бўлиш ҳамда шу журнал таҳрир хайъатида ишлаш Абдулла Қодирийнинг ижтимоий фаолияти турли касблар билан боғлиқлигини кўрсатади. У 1937 йилнинг 31 декабрида ноҳақ айбловлар билан ҳибсга олиниб, 1938 йилнинг 4 октябрида судсиз тарзда отиб ўлдирилди.

Абдулла Қодирий ижодий фаолияти 1914 йилдан “*Янги масжид ва мактаб*” сарлавҳали хабар типигаги мақола ҳамда “*Аҳволимиз*”, “*Миллатимга*”, “*Фикр айлағил*” сингари шеърлар билан бошлаган. Кейинчалик Маҳмудхўжа Беҳбудий таъсирида драма жанрига қўл уриб “*Бахтсиз кўёв*” асарини ёзган. У 1919-1925 йиллар оралигида 300 га яқин публицистик ва адабий танқидий мақолалар ёзди. Бинобарин ёзувчининг матбуот билан боғлиқ фаолияти ҳам ўз салмоғи ва залворига кўра алоҳида эътиборга моликдир.

Ёзувчининг “*Қалвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан*”, “*Тошўлат тажанг нима дейдир?*” сингари сатирик ҳикояларида характерлар кулгиси ёрқин намоён бўлди. Унинг истедоди реалистик ҳикоя ва қиссалар, романларда ёрқин намоён бўлди. “*Улоқда*” (1916) ҳикоясидан бошланган бу йўналиш кейинчалик “*Ўткан кунлар*”(1919-1920) , “*Меҳробдан чаён*” (1928), “*Обид кетмон*” (1934) сингари сара асарларга юксалиб борди. Қодирий романлари Ойбек, Ғ.Ғулум, А.Қаҳҳор ва улардан кейинги бир неча авлод ўзбек ёзувчилари учунгина эмас, балки М.Авезов, Х.Деряев, Б.Кербобоев, Т.Қаипбергенов сингари қардош адабиётларнинг йирик сўз санъаткорлари учун ҳам ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Адиб рус адабиётининг улкан вакиллари Н.В.Гоголнинг “*Уйланш*”, А.П.Чеховнинг “*Олчазор*” сингари асарларини ўзбек тилига ўгириб, миллий китобхонларимизни жаҳон адабиётининг нодир намуналари билан таништирди.

Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. Т., 1994; Норматов У. Қодирий боғи. Т., 1995; Норматов У. “Ўтган кунлар” хайрати. Т., 1996 ва б.

Адибнинг миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимиз олдидаги беқиёс хизматлари мустақиллик йилларида ўзининг муносиб баҳосини олди. Унга 1991 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти, 1994 йилда эса “Мустақиллик ордени” берилди. Республикамизда Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти таъсис этилди. Адибнинг порлоқ номи абадийлаштирилди. Асарлари тўлиқ нашр қилиниб, илмий-назарий тадқиқотлага асос бўлди. Бир сўз билан айтганда, тарихий ҳақиқат қарор топди.

Давр адабиётини ўрганишнинг умумий тамойиллари

Бу давр адабиётда октябрь тўнтаришидан кейинги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришларнинг жамият ҳаётида, ишлаб чиқаришда, шахс ва давлат муносабатларида содир бўлган ўзгаришлар моҳияти ўз аксини топган. Мазкур жараённинг асрлар давомида шаклланган миллий удумлар ва ҳаёт тарзини барбод этиш, мустамлакачиликни янада мустаҳкамлаш руҳи билан суғорилганлиги англаб этилган. Большевикларнинг Ўрта Осиёда юргизган сиёсатига хос разолатлар аёвсиз фош этилган. Инқилобчиларнинг ҳокимлик йўсини, тузуми ва бошқарув сиёсати очиб ташланган. Мафкуравий зиддиятлар, халқ иқтисодий-маданий ҳаётига кўпол равишда даҳл қилиш ҳоллари ўз бадиий ифодасини топган. Моддий қашшоқлик, маданият ва маориф соҳасида шошма-шошарлик билан ўтказилган ислохотлар турли аламзадаликларни келтириб чиқарганлиги рўйи-рост кўрсатилган.

Давр адабиётининг адабий-эстетик тамойиллари бир жиҳатдан кескин тарафкашлик асосида, иккинчи томондан эса ижтимоий-эстетик тафаккур тараққиётига ҳамоҳанг тарзда тадрижий равишда шаклланиб борган. Тарихий ўтмишнинг номарғуб жиҳатлари, бидъат урф-одатлар қораланиши баробарида, ўтмиш қаъридаги нури ҳаёт муносабатлари инсоний илиқлик билан тасвирланган. Замон дардлари миллий рангларда гўзаллик тамойиллари, умуминсоний кадрятлар асосида акс эттирилган. Ҳатто ҳаёлий-романтик фикр-туйғулар ҳам табиат ва инсон муносабатлари, руҳият иқлимларини ифодалашга йўналтирилган. Натижада замон кишиси ва миллат қиёфасини ишонарли гавдалантиришга эришилган. Бинобарин, давр адабиётининг асл моҳиятини шўро мафкурасининг нуқси урган асарлар эмас, балки жадидчилик

ғоялари якқол сезилиб турувчи миллатпарварлик руҳидаги яратиклар ташкил этади.

Биз мазкур даврда яратилган асарларни имкон қадар илк манбалар асосида ўрганишга, уларга умуминсоний қадриятлар ва инсонпарварлик тамойиллари асосида ёндошишга, шу орқали ижодкорлар ҳақидаги мавжуд тасаввурларга муайян ойдinликлар киритишга уриндик. Миллатпарвар адибларимиз 20-йиллардаёқ жаҳон адабиёти тамойилларига ҳамоҳанг тарзда қалам тебратганликларини назардан қочирмасликка уриндик. Натижада улуг адибларимизнинг ҳар бири ўз ижодларининг ички тадрижи орқали индивидуалликларини намоён этганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу эса адабиётимиз эволюциясини ташқи факторлар, хусусан шўро адабиёти таъсиригагина боғлаб қўйиш тамойили ғоятда чекланган қараш эканлигини кўрсатди.

20-йиллар адабиётида кечган баҳс-мунозаларнинг кескин кутбий тус олиши ўша давр адабий сиёсатининг нотўғри методологик концепцияга асосланганлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбек шоир ва адибларининг шўролашуви масаласига келсак, бу бир жиҳатдан Туркистон мухторияти қонга ботирилгач, янги тузумнинг ширин ваъдаларига ишониб алданиш туйғусининг пайдо бўлиши билан, иккинчи томондан, адабий тазйиқ ўтказиш сиёсати билан изоҳланмоғи лозим. Адабиётимиздаги романтик кўтаринкилик, сентименталлик, маҳзунлик, маюслик, ҳажвий кескирлик, рамзий-мажозийлик, ишоравийлик сингари турфа ҳолат-кўринишлар реалистик адабиёт имкониятларининг турлича услубий ифодаларидир. Англашиладики, 1918-1929 йилларда адабиётимиз моҳият эътибори билан халқни уйғотишга, маданий тараққиёт сари чорлашга, китобхон дидини нафосатли тарзда шакллантиришга, унга ўзлигини англатиш ва ғурурини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Адабий алоқалар ва бадий таржима

Бу даврда А.С.Пушкиннинг *“Бекат назоратчи”*, Н.В.Гоголнинг *“Шинель”*, *“Иван Иванович билан Иван Никофорович ораларида бўлиб ўтмиш низолар ҳикояти”*, Л.Н.Толстойнинг *“Тирилиш”* (асардан парчалар), А.П.Чеховнинг *“Буқаламун”*, М.Горькийнинг *“Лочин кўшиғи”* И.С.Тургеневнинг *“Ўри қиз”* сингари асарларининг таржима этилиши ўзбек насрининг ривожига ҳам самарали таъсирини кўрсатди. Ўбек адабиётининг озарбайжон,

татар, тожик, қозок, қирғиз ва туркман адабиётлари билан ҳам ҳамкорлиги кучая борди. О.Иброҳимов, Ходи Токтош, Мажид Гафурий, Ҳасан Тўфон каби татар адибларининг ўзбек, А.Қодирий, Ғайратий, Ғ.Ғулом, Ш.Сулаймон, А.Қаҳҳор каби ўзбек ижодкорларининг татар тилларида қатор асарлари эълон қилинди. “*Мулла Насриддин*” (Боку) ва “*Муштум*” журналлари ўртасида ижодий ҳамкорлик ўрнатилди. А.Қодирийнинг “*Ўткан кунлар*” асари озарбайжон тилида чоп этилди. Адабиётлараро яқин ҳамкорлик уларнинг ўзаро бир-бирини бойитиши ва фаол таъсир ўтказишига олиб келди. Адабиётимизда янги жанрларнинг шаклланиш жараёни анча тезлашди. Реалистик тамойиллар ўзлаштириш анча чуқурлашди. Е.Э.Бертельс таъбири билан айтганда “*олтинчи романчилик мактаби*” га асос солинди. Мазкур жараён қардош қўшни халқлар – тожик, қозок, қирғиз, туркман адабиётлари тараққиётига ҳам баракали таъсир этди.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

I. Давринг ижтимоий-сиёсий характеристикаси (1900-1918 йиллар)

1. Маданий ҳаёт ва адабий жараён.....	7
2. Матбуот.....	12
3. Вақтли матбуот нашрлари.....	17
4. Ижтимоий-сиёсий , маданий-маърифий ва илмий-адабий ташқилот (жамият)лар.....	22
5. Жаҳид насри.....	28
6. Давр адабий ҳаётида из қолдирган ёзувчилар ҳаёти ва ижоди тўғрисида мухтасар маълумот.....	73
7. Давр адабиётини ўрганишнинг умумий тамойиллари.....	78
8. Адабий алоқалар ва бадиий таржима	83

II. Давр маданий ҳаёти ва адабий жараён (1918 – 1929 йиллар)

1. Маданий ҳаёт	84
2. Матбуот.....	86
3. Бадиий наср.....	91
4. Давр адабий ҳаётида из қолдирган ёзувчилар ҳаёти ва ижоди тўғрисида мухтасар маълумот.....	116
5. Давр адабиётини ўрганишнинг умумий тамойиллари.....	120
6. Адабий алоқалар ва бадиий таржима	121

ИСЛОМЖОН ЁҚУБОВ

МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ ЎЗБЕК НАСРИ

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2012

Муҳаррир: Ш.Кушербаева
Тех. муҳаррир: А.Мойдинов
Мусаввир: Ҳ.Фуломов
Компьютерда
саҳифаловчи: Н.Ҳасанова

**Нашр.лиц. АIN№149, 14.08.09. Босишга руҳсат этилди 23.01.2012 йил.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 8,0. Нашр босма табоғи 7,75.
Тиражи 500. Буюртма № 2.**

**«Fan va texnologiyalar Markazining bostaxonasi» да чоп этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.**